

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳукукида

**СУЛТАНОВА ГУЛЛОЛА НИЗОМИТДИНОВНА**

**Инсон характери ва ташқи кўринишини белгиловчи ФБларнинг  
лингвокультурологик таҳлили**

(инглиз ва ўзбек тиллари манбаси асосида)

**ДИССЕРТАЦИЯ**

Филология магистри даражасини  
олиш учун ёзилган

Мутахассислик - 5A120102  
Лингвистика (инглиз тили)

Иш кўриб чиқилди  
ва ҳимояга тавсия этилди.  
Кафедра мудири, ф.ф.н., доцент  
Галиева М.Р.

Илмий раҳбар  
филология фанлари доктори  
профессор Расулова М.И.

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2014 йил

**ТОШКЕНТ – 2014**

## Мундарижа

Кириш.....	4
1-боб. Тадқиқотнинг назарий асослари.....	8
1.1. Замонавий тилшуносликда фразеологик концепциялар.....	8
1.2. ФБлар маъносини шаклланишида компонентлар семантикасининг роли.....	15
1.3. ФБларга турли олимлар томонидан қилинган классификациялари...	21
1.4. Инсон характери ва ташқи кўринишини белгиловчи ФБларнинг илмий адабиётларда ўрганилганлик даражаси.....	27
1 бобга оид хулоса.....	30
2 - боб. Инсон характери ва ташқи кўринишини ифодаловчи ФБларнинг семантик хусусиятлари.....	31
2.1. Инсон характери ва ташқи кўриниши тушунчалари ҳақида.....	31
2.2. Инглиз ва ўзбек тилларида инсон характери билдирувчи ФБ.....	39
2.2.1. Инсон характерининг салбий томонини билдирувчи ФБ.....	50
2.2.2. Инсон характерининг ижобий томонини ифодаловчи ФБ.....	68
2.2.3. Инсон характерига нейтрал баҳо берувчи ФБ.....	81
2.3.Инсон ташқи кўринишини билдирувчи ФБларнинг семантик хусусиятлари.....	86
2 бобга оид хулоса.....	93
3 - боб. Инглиз ва ўзбек тилларида инсон характери ва ташқи кўринишини билдирувчи ФБларнинг лингвокултурологик хусусиятлари.....	94
3.1. Лингвокультурология фан сифатида: асосий ҳолатлар.....	94
3.2.Инсон характери билдирувчи ФБларнинг миллий - маданий хусусиятлари.....	98
3.3.Инсон ташқи кўринишини билдирувчи ФБларнинг миллий - маданий хусусиятлари.....	104

3 бобга оид хулоса.....	108
Умумий хулосалар.....	109
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	112

## Кириш

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.** Тил умумбашарий кадрият, инсониятгаато этилган улуғ неъмат сифатида қанчалик эъзозга сазовор бўлса, шунчалик эъзоз билан илмий мушоҳадага, таҳлил ва талқинга муносибдир. Тилда халқнинг тақдири, яшаш тарзи, маънавий бойлиги, миллатнинг савияси, руҳияти ўзининг ёрқин ифодасини топади.

Бугунги кунда ривожланиб келаётган когнитив тилшунослик, тил ва маданият, тил ва тафаккур ҳамда тил ва жамият билан боғлиқ бўлган лингвокультурология, социолингвистика, этнолингвистика ва антропололингвистика соҳаларидаги илмий изланишлар айнан фразеологик бирликларнинг кенг қиррали таҳлилини тақозо этади. Фразеологик бирликларнинг барча тилларда мавжудлиги ўзига хос универсалияни акс эттирадиган бўлса, маълум тилга хос бўлган фразеологик бирликлар уникалия (хусусийлик)ларни ўзида намоён қилади. Маълумки, фразеологик бирликлар тил бирлиги ва нутқнинг кўрки, халқнинг маънавий ва маданий мероси сифатида илмий ўрганилиши, талқин ва таҳлил этилиши зарур. Инглиз ва ўзбек тилидаги инсон характери ва ташқи кўринишини ифодаловчи фразеологик бирликларнинг лингвокультурологик таҳлили тилдаги умумийлик ва хусусийлик масалаларини ёритишда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Фразеологик бирлик(бундан кейин - ФБ)лар инсон ҳаёти, психологияси, ҳар бир халқнинг урф-одати, менталитети, маданияти ва ахлоқи билан боғлиқ бўлган хусусиятларни ифодалайди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тилнинг лексикбойлигини ташкил этувчи фраземалар тилшуносларнинг доимо диққат-эътиборида бўлган. Фразеологик бирликлар мураккаб тил ҳодисаси сифатида иккиёки ундан ортиқ компонентлардан ташкил топади. Шу маънода фразеологик бирликларни амалий ва илмий ўрганиш ўзига хос ёндашувни, ўзига хос метод ва услубни тақозо этади. ФБларни тадқиқ қилиш дунё тилшунос олимларининг диққат марказида турган масалалардан биридир. Ш.Балли,

А.В.Кунин, В.В.Виноградов, Н.Амосова, А.Д.Смирницкий каби тилшуносларнинг тадқиқотлари ФБлар таҳлиliga бағишланган. Туркийшуносликда, жумладан, ўзбек тилшунослигида фразеологик бирликлар грамматик, семантик, услубий ўналишда ўрганилган. Тилшунослик, хусусан ўзбек тилшунослигитарихида фразеологик бирликлар лексикология илмининг таркибий қисми сифатида қаралган. Ўзбек тили фразеологик бирликлари дастлаб проф. Ш.Раҳматуллаевнинг ишларида илмий тадқиқ этилган. А.Э.Маматов, Ж.Бўронов, Б.Йўлдошев каби олимлар ишларида фразеологик бирликларга турли хил ёндашувларни кўриш мумкин.

**Тадқиқотнинг** мақсади инсон характери ва ташқи кўринишини ифодаловчи ФБларни семантик ва лингвокультурологик тарафдан ўрганишдир.

Кўрсатиб ўтилган мақсадга эришиш қуйидаги **вазифаларни** амалга ошириш билан боғлиқ:

- долзарбликда қўйилган муаммони таҳлил қилиш;
- мавзуга оид хорижлик ва маҳаллий тадқиқотчилар ишларини имкон қадар ўрганиш;
- бажарилган ишларни ўзаро қиёслаш, илмий аҳамиятга моликларини диссертация ёзилиши жараёнида татбиқ этиш;
- қиёсий тилшунослик борасида қилинган ишлар таҳлиlinи бериш;
- инсон характери ва ташқи кўринишини ифодаловчи ФБларга мансуб лексик бирликларни тўплаш ва саралаш;
- дунёнинг концептуал кўринишида инсон характери ва ташқи кўринишига мансуб тушунчаларнинг роlinи аниқлаш;
- инсон характерини ижобий, салбий ва нейтрал хусусиятларини ажратиш;
- ҳар иккала тилда мавжуд ФБларни характер ва ташқи кўриниш критерияларига тақсимлаш;

- сараланган лексик бирликларнинг тузилиш жиҳатдан моделларини келтириш;
- инсон характери ва ташқи кўринишини ифодаловчи ФБларнинг инглиз ва ўзбек тилларида миллий-маданий хусусиятларини аниқлаш ва ўрганиш.

**Тадқиқот методи.**Тадқиқот жараёнида тўпланган инсон характери ва ташқи кўринишини ифодаловчи ФБларни семантик гуруҳларга ажратишда, уларни таҳлил этишда тавсифлаш ва компонент таҳлил методларидан; инглиз ва ўзбек тилларидаги инсон характери ва ташқи кўринишини ифодаловчи ФБларни муқобили ёки фарқли томонларни топишда таққослаш методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг методологик асоси.**Кўплаб тилшунос олимларнинг тадқиқотларини ўрганиш диссертацияни тайёрлаш жараёнида муҳим рол ўйнади. Булар жумласига А.В.Кунин, В.В.Виноградов, Н.Амосова, Ш.Раҳматуллаев, А.Э.Маматов, Ж.Бўронов ва бошқалар кирди.

#### **Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:**

1. Инсон характерининг учта маъновий гуруҳларга, ижобий, салбий ва нейтралга ажратилиши ва уларнинг кичик семантик гуруҳлари таркиби;
2. Инсон ташқи кўринишини ифодаловчи ФБларнинг семантик хусусиятлари;
3. Инсон характери ва ташқи кўринишини билдирувчи ФБларнинг инглиз ва ўзбек халқининг урф-одатлари, тарихи, маданий ҳаётига боғлиқ бўлиши.

#### **Ишнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

- Инсон характери ва ташқи кўринишини ифодаловчи ФБлар семантик гуруҳларга ажратган ҳолда ўрганилди ва уларнинг компонентлари таркибига кўра структуравий моделлари аниқланди;

- Мазкур тадқиқотда илк бор инсон характери ва ташқи кўринишини ифодаловчи ФБларнинг инглиз ва ўзбек тили материаллари асосида қиёсий таҳлил қилинди.

**Тадқиқотнинг объекти.**Инглиз ва ўзбек тилидаги инсон характери ва ташқи кўринишини ифодаловчи фразеологик бирликлар.

**Тадқиқотнинг предмети.**Инсон характери ва ташқи кўринишини ифодаловчи ФБларнинг семантик хусусиятлари ва уларнинг лингвокультурологик таҳлили.

**Тадқиқот манбаи.**7 та инглиз тилининг изоҳли ва фразеологик луғатларидан олинган 800га яқин инсон характери ва ташқи кўринишини ифодаловчи ФБлар тадқиқотнинг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг назарий аҳамияти.** Инсон характери ва ташқи кўринишини ифодаловчи ФБлар таҳлили лингвокультурология ва фразеология назарияларини чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этади ва шунингдек, ушбу тадқиқот шу соҳада келгусида бажарилажак ишлар учун назарий манба вазифасини ўтайди.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти.**Тўпланган материаллардан ва уларнинг таҳлилидан бадиий таржима жараёнида, шунингдек, луғатлар тузишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**Илмий тадқиқот натижалари 2 та бўлиб, 2 та мақола нашр қилинган.

**Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч бобдан ташкил топган асосий қисм, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 113 бетни ташкил этади.

## 1 –БОБ. Тадқиқотнинг назарий асослари

### 1.1. Замонавий тилшуносликда фразеологик концепциялар

Фразеология - фразеологик бирликлар (фразеологизмлар) ҳақидаги билим бўлиб, у маълум бир тилдаги ажралмайдиган ва жуда ҳам барқарор ёки турғун сўз бирикмаларининг йиғиндиси ҳисобланади. Замонавий тилшуносликда фразеология лексикологиянинг муҳим бир бўлаги, алоҳида соҳаси сифатида ўрганилмоқда. Фразеологизмлар камида иккита мустақил сўздан таркиб топади. Улар бир бутун ҳолда кўчма маъно ифода қилади. Масалан, *гапга чечан (уста), анқонинг уруғи, кўнгли кенг, гапи гап* иборалари икки сўздан; *дор тагидан қочган, ёлгонни қийиб юборади, илоннинг ёгини ялаган* иборалари уч сўздан; *жаҳли бурнининг устида туради, кулиб туриб жонингни олади, томса ялайди томмаса йўқ* иборалари тўрт сўздан; *текканга тегади тегмаганга кесак отади, иши битгунча эшаги лойдан ўтгунча* иборалари беш сўздан таркиб топган. Демак, икки ёки ундан ортиқ сўздан таркиб топган ва яхлит бир маъно ифодаладиган тил бирлиги фразеологик бирлик ёки ибора деб айтилади. Шу ўринда фразеологик бирликларнинг асосий хусусиятларини келтириб ўтамыз:

- 1) ФБ лар таркибида камида 2 та сўз қатнашиши керак;
- 2) ФБ лар таркибидаги бир нечта мустақил сўзлар бир гап бўлаги сифатида эътироф этилади ёки гап вазифасини бажариб келади;
- 3) ФБ лар таркибидаги компонентлар ажралмас умумий маънога эга бўлади;
- 4) ФБларда компонентлар бутунлигича узоқ вақт барқарор бўлади;
- 5) ФБлар ўзларининг бўёқдорлиги ва таъсирчанлиги билан тингловчига таъсир қилади.

А.В.Кунин таъбири билан айтганда, фразеология – тилнинг энг бўёқдор соҳасидир. Ҳар бир тилнинг ўзига хос фразеологизмлари мавжуд. Фразеологизмлар халқнинг тарихини, маданиятини, келиб чиқишини ва миллат характерини яққол намоён этади. “Фразеология” юнонча



“phrasis” сўзидан олинган бўлиб, фраза – ибора, ифода, жумла; “logos” – фан, билим, яъни иборалар ҳақидаги билим демакдир.

Фразеологиянинг ўрганиш тарихига кўз ташлаганда, шу нарса маълум бўладики, у дастлаб адабиётшуносликда пайдо бўлган. Маълум бадий асарни бир тилдан иккинчи бир тилга таржима қилганда, барқарор сўзлар боғланмасини айнан таржима қилиш мумкин бўлмай қолган. Бунда ўша тилларда мавжуд бўлган фразеологик бирликлар ўрганила бошланган. (Пинхасов, 1969, 55-б.)

Шундай қилиб, фразеология биринчи навбатда адабиётшунослик предмети сифатида ўрганилган. Кейинчалик луғатларда сўз маънолари изоҳлангандек, фразеологик бирликлар ҳам тўпланиб, маънолари изоҳланган. Шундан сўнг фразеологик бирликлар маъноси, уларнинг грамматик қурилиши тилшунослик фанида ҳам текширила бошланган. Ҳозирги даврда фразеология масалалари ҳам тилшунослик, ҳам адабиётшунослик соҳаларида ўрганилмоқда. (Пинхасов, 1969, 55 –б.)

Фразеология термини дунё филологиясида 1558 – йилда инглиз адабиётшунос олими Неандр томонидан биринчи марта қўлланилган. У бадий асарларни таржима қилишда шу терминни ишлатишга мажбур бўлган.

Рус тилшунослигида фразеологик бирликларни ўрганиш XIX асрда бошланади. Ўзбек тилшунослигида эса XX асрнинг 50- йилларидан ўрганила бошланди.

Бундан кўринадики, бу соҳада олимлар анчагина ишларни амалга оширганлар. Хусусан дастлаб, фразеология масалалари асли француз бўлган швед тилшуноси, фразеологиянинг отаси Ш.Балли томонидан бир қадар ўрганиб чиқилди. У ўзининг “Стилистикадан очерклар” , “Француз тили стилистикаси” каби асарларида сўз бирикмаларини системалаштириб, фразеология ҳақида боб киритди. Ш. Балли ўзининг “Стилистикадан

очерклар” (1905) асарида фразеологик бирликларнинг тўртта гуруҳини кўрсатади ва кейинчалик “Француз тили стилистикаси” (1909) асарида фразеологик бирликлар ҳақида бир тўхтамга келади ва фразеологик бирликларнинг икки гуруҳини ажратиб беради:

- 1) эркин сўз бирикмалари;
- 2) турғун сўз бирикмалари.

Ш.Балли фраземаларни семантик ҳодиса деб қарайди ва семантик хусусиятни фраземаларнинг яққол белгиси деб ҳисоблайди. Ш. Баллининг фразеологияга оид тадқиқотидан кейин анча вақт ўтиб, фразеология тилшуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида шакллана бошлади. Фразеология жуда чуқур ўрганила бошланди, унинг турли жиҳатларини ёритадиган илмий адабиётлар, диссертацион ишлар, фразеологик луғатлар, илмий мақолалар юзага келди. Барча тиллар фразеологизмларини қиёсий ўрганиш ҳам йўлга қўйилди. Ш.Баллининг концепцияси кўпгина олимлар томонидан ўрганиб чиқилди. Биз улардан баъзиларини айтиб ўтишимиз мумкин (Виноградов, 1947 (а) 342-344 б.; Будагов, 1961, 5-16 б.; Амосова, 1963, 5-6 б.; Кунин, 1966; Назарян, 1976, 16-19 б.).

Рус тилшунослигида фразеология масалаларига бағишланган энг йирик иш сифатида академик В.В.Виноградовнинг асарларини кўрсатишимиз мумкин. У фразеология ҳақида фикр юритган олимларнинг ютуқ ва камчиликларини ҳисобга олиб, бу соҳани ўрганишда янги бир назарияни майдонга келтирди. В.В.Виноградов фразеологиянинг асосий турларини аниқлаб, белгилаб берди, фразеологияни тилшуносликнинг алоҳида бир қисми сифатида ўрганиш лозимлигини исботлади ва бу соҳадаги бир қатор камчиликларни бартараф қилди. В.В.Виноградов, А.И.Эфимов ва бошқалар фразеологик бирикмаларни тилнинг лексик составига киритадилар. Шу жумладан фразеология ҳақида сўз юритган олимлар қаторига Н.Н.Амосова ва А.Д.Смирницкий ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб ўтганлар.

Ҳозирги пайтда эса фразеология тилшуносликнинг фонетика, фонология, лексикология, грамматика каби бўлимлари ўз ўрганиш объектига, текшириш методига эга бўлган алоҳида соҳасига айланди. XX асрнинг 20-йилларида рус тилшунослари фразеологизмларни тилшуносликнинг алоҳида тармоғи сифатида ўрганиш лозимлигини исботлай бошладилар. Хусусан, Е.Д.Поливанов “келажакда фразеология ҳам фонетика, морфология каби тилшунослик адабиётидан ўрин олиши зарур”- деб таъкидлаган эди.(Поливанов, 1945, 61 б.)

Фразеологизмларнинг ўрганилиши уч даврга бўлинган, аммо унинг чуқурроқ ўрганилиши охирги даврга, яъни ўтган асрнинг 60-йилларига тўғри келади. Бу даврга келиб рус тилшунослигида фразеологизмларнинг турли назарий ва амалий жиҳатлари ўрганила бошланган.

Фразеологияни ўрганиш, айниқса, В.В.Виноградовнинг ишларидан кейин жадаллашди. Чунончи, фразеология масалаларига бағишланган кўплаб монографиялар, илмий ишлар, қўлланмалар, фразеологик луғатлар вужудга келди. Мана шу аснода фразеологизмларнинг турли жиҳатлари, жумладан, пайдо бўлиш манбалари ва шаклланиш хусусиятлари (А.М.Бабкин, Ю.А.Гвоздарев, А.С.Аксиматов), фразеологик маънонинг ўзига хос хусусиятлари (В.П.Жуков, В.В.Виноградов, А.И.Молотков, А.М.Мелерович, Ш.Раҳматуллаев), фразеологизмларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари (Е.И.Диброва, Ш.Раҳматуллаев, З.Г.Ураксин ва б.), фразеологизмларнинг грамматик табиати (В.В.Виноградов, Н.М.Шанский, Ш.Раҳматуллаев), фразеологизмларнинг лексик грамматик таснифи (А.И.Молотков, А.Г.Назарян), фразеологизмларнинг услубий хусусиятлари (А.И.Федоров, Б.Юлдошев) атрофлича тадбиқ этиб чиқилди. Шу билан бирга фразеологизмларнинг морфологик хусусияти ва парадигматикаси ўрганилди, уларнинг гапдаги синтактик вазифалари аниқланди, қиёсий-типологик таҳлил қилинди, бадий асар тили фразеологияси ва унинг стилистик

вазифалари белгиланди, фразеологияга доир дарслик ва қўлланмалар ҳамда луғатлар яратилди. (Маматов, 2000, 56 б.)

Ўзбек тилшунослигида ҳам ҳозирга қадар фразеологизмларни илмий тадқиқ этиш бўйича докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди, ўнлаб илмий мақолалар, ўқув қўлланмалари, фразеологик луғатлар юзага келди. Проф. Ш.Раҳматуллаевнинг “Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари” номли докторлик диссертацияси ва шу номли монографияси фраземаларнинг илмий тадқиқига доир дастлабки тадқиқотлар ҳисобланади. Бу тадқиқотларда фразеологизмлар луғавий бирлик сифатида ўрганилиши зарур эканлиги асосланди ва фразеологизмларнинг грамматик табиати кенг ёритилди.

А.Э.Маматовнинг “Ўзбек тили фраземаларининг шаклланиши масалалари”(Маматов,2000)номли докторлик диссертациясида таъкидлашча ўзбек тили фразеологиясининг кўпгина глобал масалалари эътибордан четда қолмоқда. Фразеологиянинг ўрганиш объекти, унинг кўлами ва чегараси ҳақида тилшунослар бир тўхтамга келишмаган, шу билан бирга, бу масала юзасидан қизғин мунозаралар давом этмоқда. Ҳанузгача фразеологизмларни “тор” ва “кенг” тушуниш давом этмоқда. А.Э.Маматовнинг фикрича фразеологизмларни “кенг” маънода ҳам “тор” маънода ҳам тушуниш мумкин эмас. Фразеологизмлар тилнинг алоҳида расмийлашган бирлиги бўлиб, тузилишига кўра, эркин боғлашмага ёки гапга тенг, компонентлари тўлиқ ёки қисман семантик қайта шаклланган, образли турғун сўз бирикмаларини ўз ичига олади. Шу ўринда Ш. Раҳматуллаев фразеологияни тор маънода тушунувчилар қаторида туради. Олимнинг фикрича “фразеологик объект икки ёки ундан ортиқ лексик негиздан таркиб топган, тузилиши жиҳатдан бирикмага, гапга тенг, мазмунан сўзга муқобил, яхлитлигича устама кўчма маъно англатадиган луғавий бирликлардан иборат”. (Раҳматуллаев, 1970, 56-бет.) Я.Д.Пинхасов эса фразеологияни кенг доирада тушуниб, унга соф фразеологизмлардан ташқари, образли иборалар,

метафорик ифодалар, мақоллар, афоризмлар, бирикма терминлар, штамплашган иборалар каби барқарор сўз бирикмаларини ҳам киритади. (Пинхасов, 1969, 55-65 бетлар) Б.Йўлдошев ўзининг докторлик диссертациясида фразеологияни кенг маънода тушунувчилар тарафдори бўлиб чиқади. Муаллиф умумлашган маъно англатувчи, компонентлари қисман ёки тўлалигича кўчма маъно ифодаловчи турғун лексик семантик бирликлар фразеологик бирликлар, - деб ҳисоблайди. (Йўлдошев, 1993). Юқорида айтиб ўтганимиздек, А.Э.Маматов ушбу фикрларни ўрганиб чиқиб, “фразеологияни кенг ва тор маъноларда тушуниш мумкин эмас ва фразеология таркибида ўрганилаётган мақол, матал, афоризм, ҳикматли сўз, топишмоқлар алоҳида ўрганишни талаб этадиган ўзига хос мавзулардир. Бу тил бирликларининг ўзгача номи, ўзгача тил хусусиятлари мавжуд. Шу маънода, уларни фразеология объекти билан аралаштирмаслик лозим” (Маматов, 2000, 56 б.)- деган фикрни олға суради ва фразеологизмларни алоҳида расмийлашган, образли ва кўчма маъно ифодаладиган тил бирликларидир деб таъкидлайди. А.В.Кунин “фразеологияда инсон омили жуда катта рол ўйнайди ва аксарият кўпгина фразеологизмлар инсон ва унинг турли ҳаракатларидоираси билан алоқадордир. Фразеологик бирликлар муомаланинг энг муҳим омили ҳисобланади. Бундан ташқари, инсон ташқи кўринишини, руҳини ўзига хос хислатлари билан тўлдиришга интилади” (Кунин, 2005, 6-7 б.) – дея таъкидлайди. Ш.Баллининг фикрига кўра, “Инсоннинг ақл-идроки азалдан мукамал бўлмайди ва шунинг учун ҳам инсон доимо атрофидаги ҳамма нарсдан илҳомланишга интилади. У ўзини ўлим ва раҳмдилликсиз тасаввур қила олмайди; унинг тасаввури доимо ҳаётидаги камчиликлар билан тўла бўлади, аммо бу ҳали ҳаммаси эмас: инсон доимо ташқи оламдаги ҳамма нарсаларни ўзига хослигини шахсиятига кўра аниқлаб, тушуниб ва талқин қилиб боради” . (Балли, 1965, 221 б.).

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, фразеология ўзининг бўёқдорлиги, тарбиявий аҳамияти, бевосита инсоннинг ақл-идрокини юзага намоён қилиши билан аҳамиятлидир. Ҳар бир олимнинг фразеологияга

бўлган ўзига хос қарашлари мавжудлигининг гувоҳи бўлдик. Фразеологиянинг тилшуносликнинг алоҳида, муҳим соҳаси сифатида ўрганишлик мақсадга мувофиқдир. Чунки фразеологик бирликлар инсониятни, яъники, бутун бир коинотни қамраб олган барча соҳаларга алоқадордир. Ҳар бир вазиятни, ҳар бир ҳатти-ҳаракатларни ифодалайдиган фразеологизмларни топиш мумкин. Шу нуқтаи – назардан фразеологизмларни ўзига тегишли қонун – қоидалари мавжуд. Фразеология хали-ҳануз ўрганилаётган ва ўрганилиши лозим бўлган соҳадир.

## **1.2. ФБ лар маъносини шаклланишида компонентлар семантикасининг роли**

Тилнинг лексик бойлигини ташкил этувчи фразеологик бирликлар тилшуносларнинг доимо диққат – эътиборида бўлган. Фразеологик бирликлар мураккаб тил ҳодисаси сифатида икки ёки ундан ортиқ компонентдан ташкил топади. Шу маънода фразеологик бирликларни амалий ва илмий ўрганиш ўзига хос ёндашувни, ўзига хос метод ва услубни тақозо этади. Инглиз тилшунослигида фразеологик бирликлар семантик, структуравий ва функционал йўналишда ўрганилган. Ўзбек тилшунослигида фразеологик бирликлар грамматик, семантик ва услубий йўналишда ўрганилган. Ўзбек тилшунослиги тарихига назар ташлайдиган бўлсак, худди инглиз ёки рус тилшунослиги тарихидагидек фразеология лексикологиянинг таркибий қисми сифатида қаралган. Ўзбек тили фразеологик бирликлари дастлаб проф. Ш. Раҳматуллаевнинг ишларида илмий тадқиқ этилган. У ўзининг қатор илмий тадқиқотларида фразеологик бирликларнинг тил ҳодисаси сифатидаги ўзига хосликлари, бошқа тил ҳодисалари билан ўхшаш ва фарқли хусусиятлари ва грамматик табиатини ўрганди.

Аввало, фразеологик бирликлар муайян шаклга эга бўлиб, уларнинг шаклланиши учун лексемалар моддий асос бўлади. Турли лексемаларнинг хилма-хил семантик уйғун ёки семантик ноуйғун комбинациялари фразеологик бирликларни шакллантиради ва уларнинг таркибида турли маъноли лексемалар иштирок этади. Фразеологик бирликларнинг қарор топишида фаол ва нофаол лексемалар иштирок этиб, улар фразеологик бирликларнинг нафақат шаклан, балки семантик қарор топишида асос бўлади (Турсункулова, 2008).

Фразеологик бирликларнинг компонентлари у ёки бу даражада маъно мустақиллигига эга, фраземик маънони юзага келтиришда иштирок этишига кўра компонентлардан бири асосий таянч ва мантиқий асос ҳисобланади. Тилшунослиқда фразеологик бирликлар таркибидаги лексемалар ўзининг “хусусий маъноларини”, “маъно мустақиллигини”, “лексемалик даражасини

йўқотади”, “хусусий маъно кучсизланади”( Турсунқулова, 2008) каби талқинлар мавжуд. В.В.Виноградов “фраземаларнинг ноаниқлик, ёпиқлик, шунингдек, сўз—компонентларининг номустақиллиги турли фраземаларда ҳар хил бўлади” (Виноградов, 1953, 21 б.) деб таъкидласа, А.И.Смирницкий “компонентларини лексема деб аташ, аммо уларни ўзига хос ҳолда қўллаш зарур” (Смирницкий, 1956, 207 б.), А.В.Кунин “компонентлар ўзларининг сўзлик хусусияти билан фарқланади”( Кунин, 1981, 71 б.), Ш.Раҳматуллаев “компонентлар ўзларининг хусусий маъноларини сақлаб қолса-да, уларни таянч ванотаянч аъзо сифатида талқин қилиш зарур”( Раҳматуллаев, 1986. 6 б.), М.Умархўжаев, компонентлар семантик “кучсизланса-да” улар лексемалар” дир каби фикрларни айтганлар. (Умарходжаев, 1983, 27-40. бетлар). Рус тилшуноси А.И.Молотков “компонентларни лексемалар билан аралаштириб бўлмайди” деб таъкидлайди. (Молотков, 1977, 62 б.) Кўринадики, тилшуносликда фразеологик бирликлар таркибидаги сўзлар лексик маъносини йўқотган, сўздан ташқаридаги тил ҳодисаси сифатида қаралса, бошқа тилшунослар компонентлар ўзларининг лексик хусусиятларини сақлаб қолади, аммо бу турли фразеологик бирликларда турлича юзберилади, деб эътироф этадилар. Аксарият тилшунослар лексемалар фразеологик бирликлар таркибига киргандан кейин ҳам ўзларининг лексик маъноларини сақлаб қолишини эътироф этадилар. Аммо айрим фразеологик бирликларда лексик маъно тўлиқ сақланади, бошқаларида эса лексик маъно бир қадар кучсизланади. Демак, фразеологик бирликларнинг компонентларини лексемалар деб ҳисоблаш, аммо уларнинг қўлланиш даражаси, муайян фразеологик бирликларнинг шаклланишидаги ролини алоҳида ўрганиш лозим. Фразеологик бирликлар таркибидаги лексемалар турли сўз туркумлари ва лексик – семантик гуруҳларга тегишлидир. Изоҳли фразеологик луғатларда ўз ифодасини топган фразеологик бирликлар компонентларининг турлилиги бунинг исботидир. В.В.Виноградов: “Фраземалар тил элементларининг комбинацияларидир ва ўзига хос яхлит семантик



хусусиятга эга бўлган коммуникатив бирликдир” (Виноградов, 1977, 312 б.), - деб таъкидлайди.

Ўзбек тилшунослигида фразеологик бирликларнинг компонентлари илк бор Ш. Раҳматуллаев, А. Исаевларнинг тадқиқотларида илмий таҳлил этилган. Ш. Раҳматуллаев илмий тадқиқотларида компонентларнинг фразеологик бирликлар маъносини шакллантиришдаги ўрни масаласида фикр юритиб, компонентлар ўзларининг сўз сифатидаги маъноларини муайян маънода юқотиши ва фразеологик бирликдан умумлашган маъно юзага чиқишини эътироф этади. Шу билан бирга компонентларнинг фразеологик бирликларнинг маъно шаклланиши ва маъно тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатишини ва фразеологик бирликлар аввало семантик ходиса эканлигини таъкидлайди (Раҳматуллаев, 1986, 16-21 бетлар). А.Исаев ўз тадқиқотларида соматик лексемаларнинг фразеологик бирликларни шакллантиришдаги ўрнини, хусусан кўз, бош, юз, бет каби лексемаларнинг фразеологик бирликларни шакллантиришда фаол эканлигини таъкидлайди. (Исаев, 1977, 22 б.)

Дастлаб фразеологик бирликлар таркибидаги компонентлар ўзбек тили лексикасининг ўз мулкиданиборат бўлган. Даврлар ўтиши билан тилимизга форс—тожик, араб, рус ва европа тилларидан кўплаб байналмилал лексемалар ўзлашдики, уларистеъмолдаги фразеологик бирликлар таркибида ўз аксини топди. Шунинг учун ҳам фразеологик бирликларнинг компонент таркиби ранг-баранг: улар турли сўз туркумига оид ва турли ўзлашган қатлам сўзларидан иборат. Фразеологик бирликнинг таркиби ҳам лексика каби ривожланиш, бойиш, ўзгариш жараёнидатилнинг ички қонуниятларига амал қилади. Фразеологик бирликларнинг ҳосил бўлиши ва шаклланиши лексика билан боғлиқ бўлиб, лексика қай даражада сўзлар билан бойиб борса, улар фразеологик бирликлар таркибида ўз аксини топиб боради. Фразеологик бирликлар шаклланишининг моддий асоси сўзлардир. Фразеологик бирликлар сўзларнинг шаклланган уюшмаси бўлиб, улар турғун сўз бирикмаларидир. Аммо фразеологик бирликларнинг ўзига хос ҳосил бўлиши

ва шаклланиш жараёнлари уларни сўз бирикмаларидан фарқлайди. Фразеологик бирликлар тарихий жараёнлар, ижтимоий муҳит, ижтимоий—сиёсий, маънавий ҳаёт каби экстралингвистик омиллар, тилнинг семантик, грамматик қонун—қоидалари каби лингвистик омиллар билан узвий алоқадорликда пайдо бўлади ва лексика каби тилнинг ички қонуниятларига - фонетик, лексик—семантик, грамматик хусусиятларига эга бўлади. Жамиятда пайдо бўладиган нарсалар учун тилда махсус атамалар бўлиши каби, объектив сабаблар асосида тилда янги—янги сўз (лексема)лар, иборалар пайдо бўлади, адабий тилнинг луғат таркиби бойиб боради. Шунингдек, муайян бир жойнинг табиати, халқнинг иқтисодий тузуми, тарихи, маданияти, ҳаёт тарзи, оғзаки ижодиёти, бадиий адабиёти, санъати, фани, урф—одати кабиларни акс эттириш эҳтиёжи ҳам фразеологик бирликларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади ва авлоддан авлодга ўтиб боради. (Турсунқулова, 2008.)

Ҳар бир сўз ўзининг лексик – грамматик хусусияти жиҳатидан бошқа сўзлардан фарқ қилади. Бу фикрни сўзлар бирикмасига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Шу қадар ранг – баранг сўзлар ва сўзлар бирикмалари санокли стандарт усуллар ёрдами билан бириктирилади. Фразеологик бирликлар икки ёки ундан ортиқ мустақил ёки ёрдамчи сўз туркумларига тегишли лексемалардан ташкил топади. Улар мустақил ёки ёрдамчи сўз туркумларига тегишли бўлади. *Пешанаси шўр, ади—бади айтишмоқ, подадан олдин чанг чиқармоқ, сўхтаси совуқ, бошиосмонга етмоқ* каби боғланмалар у ёки бу лексемаларнинг ўзаросинтактик боғланиши асосида юзага келади. Фразеологик бирликлар ҳам боғланмалардир, аммо фразеологик бирликлар кўчма маъноли, образли, турғунбоғланмалардир. Шунинг учун ҳам турғун боғланмалар маънохусусиятига кўра: 1) тўғри маъноли турғун боғланмалар; 2) кўчмамаъноли турғун боғланмаларга ажралади. (Турсунов ва бошқалар, 1992, 5 б.) Тўғри маъноли турғунбоғланмалар нарсаларнинг номини атаб, номинатив вазифани бажарса, кўчма маъноли турғун боғланмалар номинатив вазифа бажариш билан бирга, нарсаларнинг образли ифодалаб

тасвирлайди. Фразеологик бирликларни ташкил этган лексемаларнинг ўзаро грамматик васемантик боғланиши уйғун бўлиши керак. Бош лексемаси фразеологик фаол бўлса-да, ҳар қандай лексема билан боғланиб кетавермайди. Тилимизда *бошдан кечирмоқ*, *бошини емоқ* тарзида ўзаро боғланишмавжуд бўлгани ҳолда, "бошини ичмоқ" тарзида боғланишга семантикноуйғунлик йўл қўймайди.

В.В.Виноградов ўз классификациясида ибора таркибидаги сўзлар (компонентлар) маъноларининг ўзаро муносабатини ҳамда ибора компонентларининг маънолари билан иборадан келиб чиқувчи маъно ўртасидаги муносабатни асос қилиб олади. Сўзлар кўпинча ўз маъно мустақилликларини сақлаганлари ҳолда бирикиб келадилар. Сўзларнинг бундай бирикиши нутқ жараёнининг ўзида содир бўлади. Бундай бирикмалар сўзларнинг эркин бирикмалари деб аталади. (Раҳматуллаев, 1955, 3 б.) Масалан, *Бирнеча кундан сўнг улар чин дўстлик билан боғландилар* (Ойбек) гапида биз тўртта бирикмага эгамиз: 1) *бирнеча – кун*, 2) *чин – дўстлик*, 3) *(чин-дўстлик) билан – боғланмоқ*, 4) *(бирнеча- кундан сўнг) – (чин – дўстлик ) билан – боғланмоқ*. Бу бирикмалардаги сўзлар контекстан ташқарида алоҳида – алоҳида сўзларга ажралиб кетади: *бир-неча, кун, чин, дўстлик, боғланмоқ*.

Шундай бирикмалар ҳам борки, улар таркибидаги сўзларнинг семантик ҳамда грамматик муносабатида эркинлик кўринмайди. Чунки бу хил бирикма, сўзларнинг эркин бирикмасида бўлганидек, нутқ жараёнининг ўзида ташкил топмайди, балки унғача тилда бир бутун ҳолда қўлланиб, яшаб келган бўлади. уни бир бутун ҳолга олиб келган ходиса таркибидаги сўзларининг бир маъно марказига келиб бирлашиши, бу сўзларнинг бирикиб туриб бир маънони ифодалашидир. Шунга кўра бундай бирикмалар сўзларнинг турғун бирикмалари деб аталади. (Раҳматуллаев, 1955, 3 б.) Масалан: - ... Улар бўлса (ўз) ҳукуматлари билан (бирликда) *бир ёқадан бош чиқариб* ҳаракат қилмоқдалар (Н. Сафаров). Бу мисолдаги бир ёқадан бош чиқариб турғун бирикмаси сўз бутунлигини сақлаб қолади. Чунки у бир

бутун маънони ташувчи сифатида тилда кўпдан бери яшаб келган бўлади. Иборанинг бўлинмас маъно бирлигини ташкил этиши унга грамматик жиҳатдан яхлит бир бирликка тенг деб қараш талабини туғдиради. Шунга кўра, таркибидаги сўзларининг сонидан қатъий назар, турғун бирикмалар бир грамматик бўлак ҳукмида юритилади, улар нутқ ичида бутунлигича бир синтактик вазифани бажариб келади. Турғун бирикмаларни контекстнинг умумий синтактик анализига бўйсундириб юбориш тўғри эмас, чунки бундай қилиш маъно бутунлигининг йўқолошига, иборанинг бузилиб кетишига сабаб бўлади. (Раҳматуллаев , 1955, 6-7 б.)

### 1.3. ФБларга турли олимлар томонидан қилинган классификациялари

Фразеология – дунё олимлари томонидан ўрганилиб келинаётган тилшуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида кўзга ташланади.

Фразеологик бирликлар халқ тили, миллий тил спецификаси (таснифи)ни ўзида яққол акс эттиради. Бундай иборалар тил лексик таркибининг қанчалик бой ва хилма – хиллигини кўрсатади. (Пинхасов, 1957, 7 б.)

В.В.Виноградов фразеология тўғрисида фикр юритган олимларнинг утук ва камчиликларини ҳисобга олиб, бусоҳага доир янги бир қарашни майдонга келтирди, фразеологиянинг асосий турларини аниқлаб, белгилаб берди, фразеологиянинг тилшуносликнинг алоҳида бир қисми сифатида ўрганиш лозимлигини исботлади. (Пинхасов, 1957, 7 б.)

В.В.Виноградовнинг классификациясини энг машҳур классификациялардан бири деса ҳам бўлади. В.В.Виноградов фразеологизмларни синхроник, яъни семантик нуқтаи – назардан турларга ажратади. У Ш.Баллининг қарашларини давом эттирди. Академик В.В.Виноградов ўзининг фразеологияга оид асарларида фразеологик бирикмалар таркибидаги компонентлар ва ундай бирикма ичидаги айрим сўзларнинг маъно хусусиятлари, шунингдек, бутун бир фразеологик бирикмадан келиб чиқадиган маъно ўртасидаги муносабатни асосга олиб фразеологик бирликларни уч асосий гуруҳга ажратади. (Пинхасов, 1957, 7 б.)

1. фразеологик чатишма (phraseological fusions);
2. фразеологик бирлашма (phraseological unities);
3. фразеологик қўшилма (phraseological combinations).

1. phraseological fusions (чатишма): маъно жиҳатдан бўлинмайдиган фразеологик бирлик бўлиб, бунда бутун бир маъно компонент маъноларига таълуқли бўлмайди. Фразеологик чатишма фразеологик бирикмаларнинг бир туридир. Фразеологик чатишмалардан англашиладиган маъно унинг

таркибидаги компонентларнинг маъноларидан келиб чиқмайди, балки сўзлар бирикмасидан келиб чиқади. Ибора составидаги барча сўзлар бир бўлиб, ўзларининг дастлабки маъноларидан қатъий назар, бир яхлит маънони ифодалайди.

Демак, ўз составидаги сўзларнинг дастлабки маъноларига асосланмаган, бир бутун бирикмадан келиб чиқувчи кўчма маънони аниқлаш иборалар фразеологик чатишма деб аталади. (Пинхасов, 1957, 7 б.) В.В.Виноградов мақол ва маталларни фразеологизмлар таркибига киритмаган.

2. *phraseological unities* (бирлашма): семантик жиҳатдан бўлинмайдиган фразеологик бирлик фразеологик бирлашмадир. Фразеологик бирлашманинг маъноси унинг таркибидаги сўзларга тегишли бўлган маъноларнинг умумий йиғиндиси сифатида келиб чиқади. Шу умумий кўчма маъно иборанинг бирлигини сақлаб қолади. Бундай бирикмалар тўғри маънода қўлланса, синтактик бирикма, агар кўчма маънода ишлатилса, фразеологик бирилишма саналади.

В.В.Виноградовнинг кўрсатишича, фразеологик бирлашма фразеологик бирикмаларнинг бошқа турларига, яъни фразеологик чатишма ва фразеологик қўшилмаларга кенг ва турли – туман бўлиб, хилма – хил кўринишларга эгадир. Фразеологик бирлашмалар таркибига образли иборалар, мақоллар, афоризмлар, метафорик ифодалар, терминологик характердаги иборалар, штампланган иборалар ва лақаблар каби барқарор сўз бирикмалари киради.

3. *Phraseological combination* (қўшилма): таркибидаги бирор бир компонент тўғри маънода қўлланилади ёки биттаси кўчма маънода қўлланилади.

В.В.Виноградов классификациясининг умумий принципларини бошқатиларга ҳам тадбиқ қилиш мумкин. Ўзбек тилшунослигида ҳам фразеологизмлар В.В.Виноградов фикрлари асосида тасниф қилинди. Чунончи, фразеологизмларни ўрганишга бағишланган ишларда бу луғавий

бирликлар уч гуруҳга ажратилган бўлса(Раҳматуллаев, 1955, Мирзаев ва б., 1978, 44-45-бетлар; Содиков ва б. 1981, 108-110-бетлар.), бошқа ишларда икки гуруҳга бўлинади. (Турсунов, Мухторов, Раҳматуллаев,1992, 74-79-бетлар).

Бу таснифлар фраземадан яхлитлигича англашиладиган маъно билан унинг таркибидаги лексемалар англатадиган маънолар орасидаги муносабатларнинг хусусиятига асосланади. Жумладан, фразеологик кўшилмага “маъноси составидаги сўзларнинг (компонентларнинг) бош ёки ясама маъноларидан иборат бўлган турғун иборалар фразеологик кўшилма дейилади” деб таъриф берилиб, “қўл кўтармоқ”, “ўққа тутмоқ”, “тўпга тутмоқ”, “иштаҳаси очилди” каби мисоллар келтирилади. Фразеологик бирлашмага “составидаги сўзларнинг маъноларидан келиб чиқадиган асл, реал мано дан ташқари, бутун ҳолда кўчма маънода қўлланадиган турғун иборалар киритилиб”, “хамир учидан патир”, “миси чикди”, “лой бўлмоқ”, “туёғини шиққиллатмоқ” каби мисоллар кайд этилади. Фразеологик чатишмага эса “составидаги сўзларнинг ҳам ўзаро, ҳам умумий маънога нисбатан бўлган маъно муносабатлари унутилган турғун иборалардир” каби таърифланиб, “тақдирга тан бермоқ”, “димоғи чоғ бўлди”, “тоқати тоқ бўлди”, “жуфтакни ростламоқ”, “пихини ёрган” кабилар мисол сифатида келтирилади.

Фраземалар структурал, семантик, функционал – услубий жиҳатлардан мураккаб ҳодиса эканлиги барча тилшунослар томонидан этироф этилган. Фраземаларнинг таркибий ва маъновий шаклланиши лексикага нисбатан мураккаб амалга ошади. Жумладан, А.И. Смирницкий фразеологик хусусиятнинг энг муҳим белгиси “сўзга муқобиллик” деб таъкидлайди. А. И.Смирницкий фразеология ҳақида фикр юритиб, фразеологизмларни фразеологик бирлик таркибидаги сўзлар эквивалентлари билан таққослаб, уларни ҳам семантик ҳам структуравий жиҳатдан классификация қилган ва фразеологик бирликлар сўзга эквивалент қилиб кўрсатилган. Тадқиқотга асосан фразеологик бирликлар 3 гуруҳга ажратилган:

- 1) Анъанавий фразалар
- 2) Фразеологик бирикмалар (phraseological combination) бунда фразеологик бирликлар идиомаларга қиёслаганда метафорик хусусиятга эга бўлмайди: *get up, fall asleep, to take to drinking*
- 3) Идиомалар (idioms) метафорик ва стилистик бўёқдордир: *to take the bull by the horns, to beat about the bush, to bark up the wrong tree*

Проф. А. И. Смирницкий фразеологик бирикмаларни таркибига қиёслаганда фразеологик бирликларни ҳам қиёслаганда қиёслаганда метафорик хусусиятга эга бўлмайди. (Смирницкий, 1956.: 21-26)

1. one top units (one summit) таркибидаги бир сўз муҳим аҳамиятга эга бўлади: *to drop out, to be tired, to pull over*
2. two top units (two summit) таркибидаги икки сўз кўпроқ аҳамиятга эга бўлади: *bed of roses, to burn one's boat, against the grain*
3. multi top units (multi summit) икки ёки ундан ортиқ сўздан таркиб топиб, иккидан ортиқ сўзлар маъновий жиҳатдан аҳамиятга эга бўлади: *to have all one's eggs in one basket, a peg to hang a thing on.*

Проф. Н. Амосова фразеологик бирликларни уларнинг контекст турларига кўра классификация қилган. Н. Амосованинг фикрига кўра фразеологик бирликлар ўзгартириб бўлмайдиган “муқим контекст” ли деб эътироф этган. Шунга кўра у фразеологик бирликларни фраземалар ва идиомаларга ажратган:

1. фраземалар (phrasemes) – иккита ажралмайдиган компонентдан иборат бўлиб, бири орқали контекст маъносини тушунса бўлади, яъни компонентлардан бири кўчма маънода бўлади: *green eye, green hand, green years, green wound, husband's tea* etc.
2. идиомалар (idioms) - таркибидаги барча сўзлар бирга бутун бир маънони англатади. Идиома таркибидаги компонентлар кўчма маънода қўлланилади. *red tape, mare's nest, to pin one's heart on one's sleeve.*



Н. Амосова ўз фразеологик тадқиқотида фақат бирикмага тенг бўлган фразеологик бирликларни ўргангани ва мақол, маталларни фразеология объективи сифатида баҳоламайди.

Проф. Арнольд И. В. фразеологик бирликларни синтаксис, яъни гап тузилишига (гап бўлаклари) кўра классификация қилган. Қуйида биз бир нечта гуруҳларини санаб ўтамиз:

1. номинал (от категориясига оид) фразалар ёки нарсалар, шахс ёки тирик мавжудотларни ифодалайдиган от фразеологизмлар: *terrible child, red-brick university, Bullet train, the root of the trouble.*

2. феълли фразалар (verbal phrases) ёки ҳаракат, ҳолат ва ҳиссиётни ифодаловчи феъл фразеологизмлари: *to sing like a lark, to put one`s best foot forward, to nose out.*

3. сифатли фразалар (сифатга оид; adjectival phrases) ёки сифатни ифода этувчи сифат фразеологизмлари: *as good as gold, red as a cherry.*

4. ҳоллифразалар (adverbial phrases) ёки ҳол фразеологик бирликлар: *from head to foot, like a dog with two tails.*

5. предлогли фразалар (prepositional phrases) ёки предлог фразеологик бирликлар: *in the course of, on the stroke of.*

6. боғловчи фразалар (conjunctive phrases) ёки боғловчи фразеологик бирликлар: *as long as, on the other hand.*

7. ундовсўзли фразалар (interjectional phrases) ёки ундов фразеологик бирликлар: *Catch me! Well I never!*

Рус фразеология назариясининг энг сўнгги машҳур ютуқларидан бири профессор А.В.Кунин томонидан фразеологик бирликларга берган классификациясидир. Ушбу классификация структурал – семантик тамойилга асосланган ва фразеологик бирликларнинг барқарорлик омилини кўрсатиб берган. А.В.Кунин фразеологиянинг объектига “мураккаб маъноли ” барча турғун бирикмаларни киритади. А. В. Кунин фразеологик бирликларни

функционал классификация қилган ва бошқа олимлардан фарқли ўлароқ, фразеологик бирликлар таркибига кўчма маънода келган гап шаклидаги мақол ва маталларни ҳам киритган. Мазкур классификацияга кўра фразеологик бирликлар 4 гуруҳга бўлинади:

- 1) номинатив
- 2) номинатив – коммуникатив
- 3) ундов
- 4) коммуникатив фразеологик бирликлар (Кунин 1972). Мақол ва маталлар ушбу гуруҳлашнинг охириги, анироқ қилиб олинганда, коммуникатив фразеологик бирликлар гуруҳидан ўрин олган (Кунин 1970).

Биз юқорида санаб ўтган барча классификациялар турли олимлар томонидан берилган. Айтишимиз мумкинки, фразеологик бирликлар турлича нуқтаи назардан ўрганилган ва ўрганилаяпти. Бу фразеологиянинг алоҳида фан сифатида ўрганилишига яна бир қарра тасдиқлайди.

Саломов (1961), Ш. Раҳматуллаев (1966), Я.Д.Пинхасов (1969), А. Э. Маматов (1911), Б. Юлдошев (1993) каби тилшунос олимлар ўзбек тилшунослигида фразеологиянинг тез тараққий этаётган соҳаларидан бирига айланишида ўзларининг ушбу соҳада олиб борган салмоқли ишлари билан катта ҳисса қўшганлар.

#### **1.4. Инсон характери ва ташқи кўринишини ифодаловчи ФБларнинг илмий адабиётларда ўрганилганлик даражаси**

Фразеологизмлар тилнинг бошқа соҳаларига нисбатан кейинроқ, XX асрда ўрганила бошланди. Фразеологизмлар ўз текшириш объекти, тадқиқ этиш йўли ва усулларига эга бўлганлиги боис аҳамиятлидир. Бутун жаҳон тилшунослигида фразеологиянинг ўрганилиши лозим бўлган умумназарий масалалари кўпгина олимлар томонидан тадқиқ қилинган ва кўриб чиқилган. Фразеологияда бугунга қадар анча – мунча ишлар амалга оширилган ва фразеология тилшуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида шаклланди.

Фразеология соҳасини дастлаб Ш. Балли ўз қарашлари билан очиб берди. У фразеологизмларни инсон онгги ва шуури билан ҳамоҳанг дея таъкидлайди. Унинг айтишича “Инсон эътибори марказида кўпинча унинг ўзи туради ва шундан келиб чиққан ҳолда у атрофидаги оламни ўзининг дунё қараши ва ўйларига кўра белгилайди”. (А.В.Кунин, 2005.)

А.В.Кунин “фразеологияда инсон омили жуда катта рол ўйнайди ва аксарият кўпгина фразеологизмлар инсон ва унинг турли ҳаракатлари доираси билан алоқадордир. Фразеологик бирликлар муомаланинг энг муҳим омили ҳисобланади. Бундан ташқари, инсон ташқи кўринишини, руҳини ўзига хос хислатлари билан тўлдиришга интилади” – дея таъкидлайди. (А.В.Кунин, 2005) Бундан кўринадики, фразеология аввало инсонни, нафақат унинг ўзини, балки унинг характери ва ташқи кўринишларини ифода этувчи фразеологик бирликлар билан бойдир. Демак, фразеология соҳасида илмий иш олиб борган ҳар бир олимнинг изланишларида инсон фаолияти билан боғлиқ фразеологик бирликларнинг турлича таҳлилини кўришимиз мумкин. Шу ўринда айтиб ўтишимиз жоизки, А.В.Кунин изланишлари натижасида 25 000 га яқин фразеологик бирликларни ўз ичига олган 2 томли “Инглиз – рус фразеологик луғати” ни ишлаб чиқди (Москва -1967). Тадқиқот давомида бу луғатда берилган инсон характери ифодаловчи фразеологик бирликлар ҳам кўриб чиқилди. Бундан ташқари ўзбек тилидаги инсон характери ифодаловчи фразеологик

бирликлар қаторини тузишда ўзбек тилшунос олими, ўзбек фразеологиясининг отаси Ш. Раҳматуллаев томонидан тузилган “Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати” (Тошкент - 1978) ўрганиб чиқилди.

Ю.Ю.Авалиани ўзининг тадқиқотларида курд тили мисолида бир қатор эмоционал - хафалик, ўкинч, ҳаяжон, ташвиш, ғазабланиш каби маъно оттенкаларига эга бўлган фраземалар мавжудлигини исботлаб беради.(Авалиани, 1979, 4-15 бетлар).

Фразеология масалаларини тадқиқ этиш айниқса академик В.В.Виноградовнинг фразеология соҳасида ўзига хос ўзгаришлар қилгандан кейин жадал тус олди. Миллий тилларнинг фразеологик материалларини текширишга ҳам алоҳида эътибор берилди бошланди.

Ўзбек тилшунослигида ҳам эмоционал–экспрессив фраземаларни ўрганиш, уларни маълум гуруҳларга ажратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. (Маматов, 1991, 37-69 бетлар)Тадқиқотларда асосан, фраземаларга эмоционаллик ва экспрессивлик нуқтаи назаридан ёндашилиб, улар фақат семантик жиҳатдан изоҳланади. Кузатишлар фраземаларнинг структураси, компонентларининг шаклланишдаги ҳиссаси ва роли хусусиятлари алоҳида тадқиқ этилиши зарурлигини кўрсатади.

Ўзбек тили фраземалари дастлаб проф. Ш.Раҳматуллаевнинг ишларида илмий тадқиқ этилган.(Раҳматуллаев,1986, 16-21 бетлар) У ўзининг қатор илмий тадқиқотларида фраземаларнинг тил ҳодисаси сифатидаги ўзига хосликлари, бошқа тил ҳодисалари билан ўхшаш ва фарқли хусусиятлари ва грамматик табиатини ўрганди, илк бор ўзбек фраземаларининг изоҳли луғатини яратди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фраземаларнинг таҳлили кўплаб лексик сатҳдаги ишларда ҳам учрайди. Б.Йўлдошев фраземаларнинг функционал–услубий хусусиятлари (Йўлдошев,1993, 297 б.), А.Маматов фраземалар шаклланишининг лисоний ва нолисоний хусусиятлари (Маматов, 1988, 20 б.), А.Исаев соматик компонентли фраземаларнинг ўзига хосликлари ва уларнинг фраземаларнинг шаклланишидаги ўрни (Исаев, 1977, 22 б.),

А.Рафиев фразеологик бирликларнинг структурал- функционал ўзига хосликлари (Рафиев, 1982, 19 б.), Қ.Ҳакимов гапга тенг фраземаларнинг синтактик вазибалари хусусида илмий тадқиқотлар олиб борганлар. (Ҳакимов,1994, 24 б.) Шуниси аҳамиятлики, қайд этилган босқичда фразеологизмларни ўрганишнинг хилма-хил методлари ҳам шаклланди. Бу эса фразеологизмларни ўрганишни жадаллаштирди, уларни янада чуқур илмий ва амалий ўрганишга имконият яратди. Хусусан, фразеологизмларни тадқиқ этишнинг идентификацион (Ш.Балли, А.В.Кунин), контекстологик (Н.Н.Амосова), вариацион (В.Л.Архангельский), фразеологик аппликация (В.П.Жуков), комплекс (И.И.Чернишева), структурал – типологик (Л.И.Ройзенсон, Ю.Ю.Авалиани), фразеологизмларни семантик қуршов сатҳида ўрганиш (М.Т.Тагиев), антиномия (В.М.Мокиенко), синхрон –қиёсий таҳлил (Ю.А.Гвоздарев), қиёсий – диахрон таҳлил (А.Г.Назарян) каби методлари шаклланди. Албатта, тадқиқотларда бу методлар алоҳида, бир-биридан ажралган ҳолда эмас, балки уларни бир-бири билан омукта ҳолда тадқиқ этишга ҳаракат қилинди. (Маматов, 2000, 56 б.)

## 1 бобга оид хулоса

Замонавий тилшуносликда фразеология лексикологиянинг муҳим бир бўлаги, алоҳида соҳаси сифатида ўрганилмоқда. Фразеология ўзининг бўёқдорлиги, тарбиявий аҳамияти, бевосита инсоннинг ақл-идрокини юзага намоён қилиши билан аҳамиятлидир. Фразеологиянинг тилшуносликнинг алоҳида, муҳим соҳаси сифатида ўрганишлик мақсадга мувофиқдир. Чунки фразеологик бирликлар инсониятни, яъники, бутун бир коинотни қамраб олган барча соҳаларга алоқадордир. Ҳар бир вазиятни, ҳар бир ҳатти-харакатларни ифодалайдиган фразеологик бирликларни топиш мумкин. Шу нуқтаи – назардан фразеология ҳали-ҳануз ўрганилаётган ва ўрганилиши лозим бўлган соҳадир.

Фразеология соҳасида кўплаб олимлар, хусусан, В.В.Виноградов, А.В.Кунин, И.В.Арнольд, Н.Амосова, А.И.Смирницкий каби кўплаб олимлар ўз классификацияларини фанга тадбиқ қилганлар. Ўзбек тилида эса биринчилардан бўлиб Ш.Раҳматуллаев ушбу соҳага қўл урган ва у ўзбек фразеологиясининг отаси ҳисобланади. Ҳозирга қадар ўзбек фразеологиясида ҳам анча ишлар амалга оширилди. Саломов (1961), Ш. Раҳматуллаев (1966), Я.Д.Пинхасов (1969), А. Э. Маматов (1911), Б. Юлдошев (1993) каби тилшунос олимлар ўзбек тилшунослигида фразеологиянинг тез тараққий этаётган соҳаларидан бирига айланишида ўзларининг ушбу соҳада олиб борган салмоқли ишлари билан катта ҳисса қўшганлар.

Хулоса қилиб айтганда фразеологиянинг умумий масалалари бугунги кунга қадар нафақат дунё олимлари, балки ўзбек олимлар томонидан ҳам ўрганилиб келинмоқда. Ҳар бир миллатнинг миллий – маданий хусусиятларини, уларнинг яшаш тарзини, тили, динини ўрганиш давом этар экан бу соҳада янгиликлар яратиш ва уни ўрганиш, амалда тадбиқ этиш давом этади.

## **2 – боб. Инсон характери ва ташқи кўринишини ифодаловчи ФБларнинг семантик хусусиятлари**

### **2.1. Инсон характери ва ташқи кўриниши тушунчалари ҳақида**

Ҳар бир шахс ўзига хос қайтарилмас дунё. Дунёда бир-бирига айнан ўхшаш бўлган икки кишини топиш жуда мушкул. Одам ташқи қиёфаси, бўйи – басти билан бошқа бирор кимсага ўхшаши мумкин, лекин феъли, миждози ва шахс сифатидаги хусусиятлари нуқтаи назаридан айнан бир хил инсонлар бўлмайди. Ҳаттоки, олимлар битта тухумда ривожланган эгизакларда ҳам жуда кўп жиҳатдан айнан ўхшашликни қайд қилишган, шахсий сифатлардаги корреляцияда (муносабат, ўзшашлик) эса баъзи тафовутлар аниқланган.

Шахс - қайтарилмас, у ўз сифатлари ва борлиги билан ноёбдир. Ана шу қайтарилмаслик ва ноёбликнинг асосида унинг индивидуал психологик хусусиятлари мажмуи ётади. Демак, психология нуқтаи назаридан индивидуал сифатлар бизнинг онгли ҳаётимизнинг ажралмас қисми, идрокимиз, хотирамиз ва фикрларимиз йўналтирилган муҳим предмет экан. Чунки айнан улар бизнинг турли фаолиятларни амалга ошириш ва ишларни бажаришдаги индивидуал услубимизга бевосита алоқадор. Кимдир жуда чаққон, тез иш қилади, лекин сифатсиз. Кимдир жуда яхши қойилмақом иш қилади, лекин жуда секин, кимдир ишга юзаки қараб, номига уни бажарса, бошқа бир одам унга бутун вужуди ва эътиқоди билан муносабатда бўлиб, тинимсиз изланади ва жамият учун манфаат қидиради. Шунинг учун ҳам индивидуалликнинг фаолият ва мулоқотдаги самарасини инобатга олиб, энг муҳим индивидуал – психологик хусусиятларни алоҳида ўрганамиз.

Шундай қилиб, асаб тизими билан боғлиқ индивидуал сифатларни билиш шарт, чунки улар бевосита меҳнат ва ўқиш жараёнларини ҳар бир инсон томонидан, унинг манфаатларига мос тарзда ташкил этишга хизмат қилади. Асабга боғлиқ бўлган табиий хусусиятларимизни ҳам умуман ўзгармас деб айтолмаймиз, чунки табиатда ўзгармайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Шунинг учун ҳам охириги йилларда ўтказилаётган тадқиқотларда шахс

тизимида шундай маъқул, “хаётий кўрсаткичли” хусусиятлар тизими ўрганилмоқда ва унда темпераментга алоқадор сифатлар ҳам назарда тутилмоқда. Масалан, В. С. Мерлин (Юсупова, 2011 ,70 б.) темпераментнинг психологик таснифи ва уларнинг ҳаётий вазиятларда намоён бўлишини бошқариш масаласида кўп ишлар қилган. Унинг фикрича, инсонда мавжуд бўлган фаоллик, босиқлик, эмоционал тетиклик, ҳиссиётларнинг тезда намоён бўлиши ва ўзгарувчанлиги, кайфиятнинг турғунлиги, беҳаловатлилик, ишчанлик, янги ишга киришиб кетиш, малакаларнинг тез ҳосил бўлиши каби қатор сифатлар асосида шахсдаги ўша экстроверсия (ҳис хаяжонга берилганлик, кўп гапирадиган, мақтанчоқ, кўп нарсага беқарор қизиқадиган ) ва интроверсия (одамови, ичимдагини топ, бошқалар билан тил топишга қийналадиган) хоссалари ётади ва уларни ҳам ўзгартириш ва шу орқали темпераментни бошқариш мумкин.

Биз инсонни ўрганиш билан бир қаторда унинг ички дунёсини акс эттирадиган “характер” тушунчасига юзланамиз. Кундалик ҳаётимизда тилимизда “характер” сўзи энг кўп ишлатиладиган сўзлардан. Уни биз доимо бировларга баҳо бермоқчи бўлсак ишлатамиз. “Характер” – грекча сўздан олинган бўлиб, олимлар уни “зарб қилиш”, “тамға”, “белги”, “босилган тамға” деб ҳам изоҳлашади.

Характер – шахснинг ва муомалада таркиб топадиган ва намоён бўладиган барқарор индивидуал хусусиятлар бўлиб, индивид учун типик хулқ-атвор усулларини юзага келтиради. Тошкент ахборот технологиялари университети катта ўқитувчиси Юсупова З.З. ўзининг “Педагогика ва психология” фанидан маърузасида таъкидлашича, Б. Ф. Ломов характерни шахс ички дунёсининг асосини ташкил этади ва уни ўрганиш катта аҳамиятга эга деб таъбир этади. Кишининг характерини ташкил этувчи индивидуал хусусиятлар биринчи навбатда иродага – (дадиллик, кўрқоқлик) ва ҳиссиётга (хушчақчақлик, қовоғи солиқлик, тушкунлик ва ҳ.к.) таъллуқли бўлади.

Муносабатларнинг характердаги ўрни хусусида фикрлар экан, В.С.Мерлин уларнинг мазмунида икки компонентни ажаратади:



а) эмоционал- когнитив – борлиқ муҳитнинг турли томонларини шахс қандай эмоционал ҳис қилиши ва ўзида шу оламнинг эмоционал манзарасини яратиши;

б) мотивацион – иродавий – маълум ҳаракатлар ва ҳулқни амалга оширишга ундовчи кучлар. Демак, бизнинг муносабатларимиз маълум маъно ва мазмун касб этган муносабатлар бўлиб, уларнинг ҳар бирида бизнинг ҳиссий кечинмаларимиз акс этади ва характеримиз намоён бўлади.

Машҳур рус олими, психология фанининг методологиясини яратган С. Л. Рубенштейн шахснинг ўзига хослиги ва характерологик тизимда учта асосий тузилмалар ажратган эди; (Юсупова, 2011.)

1. Муносабатлар ва йўналиш шахсдаги асосий кўринишлар сифатида – бу шахснинг ҳаётдан нимани кутиши ва нимани хоҳлаши.
2. Қобилиятлар ана шу тилак истакларни амалга ошириш имконияти сифатида – бу одамнинг нималарга қодир эканлиги.
3. Характер имкониятлардан фойдаланиш, уларни кенгайтиришга қаратилган турғун, барқарор тенденциялар, яъни бу одамнинг ким эканлиги.

Бу нуқтаи назардан қараганда ҳам, характер шахснинг “танаси”, борлиги, конституциясидир. Характернинг бошқа индивидуал – психологик хусусиятлардан фарқи шуки, бу хусусиятлар анча ўзгарувчан ва динамик орттирилгандир. Шунинг учун ҳам мактабдаги таълимдан олий ўқув юртидаги таълимга ўтиш фактининг ўзи ҳам ўспиринда маълум ва муҳим ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Умуман конкрет шахс мисолида олиб қарайдиган бўлсак, ҳар бир алоҳида объектлар, нарсалар, ҳодисаларга мос тарзда характернинг турли қирралари намоён бўлишининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Масалан, уйда (катта ўзбек оиласи мисолида оладиган бўлсак) катта ёшли ота – оналаролдида ўта босиқ, кўникувчан, ҳар қандай буюрилган ишни эътирозсиз бажарадиган киши, ўз касбдошлари орасида доимо ўз нуқтаи назарига эга бўлган, гапга чечан, керак бўлса, қайсар, дадил бўлиши, кўчада жамоатчилик жойларида беғам,

лоқайд, биров билан иши йўқ кишидай туюлиши, ўзига нисбатан эса ўта талабчан, лекин эгоист, ўз-ўзига баҳоси юқори бўлиши мумкин. Демак, характернинг психологик тизимини таҳлил қиладиган бўлсак, унинг борлиқдаги объектлар ва предметли фаолиятга нисбатан амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун ҳам психологияда характернинг қўйидаги тизими эътироф этилади: (Юсупова, 2011.)

1. **Меҳнат фаолиятида намоён бўладиган характерологик хусусиятлар** – меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, виждонли, ишга лаёқат, тиришқоқлик, масъулиятлилик, масъулиятсизлик, дангасалик, интизомсиз, луттивозлик кабилар.
2. **Инсонларга нисбатан бўлган муносабатларда намоён бўладиган характерологик сифатлар** – одоблилик, меҳрибонлик, вазминлик, ишончлилик, самимийлик, хушмуомалалик, мулоқотга киришувчанлик, ғамхўрлик, раҳм-шавқат, эътиборлилик, таъсирчанлик, ачиниш, хавфсираш, хурматсизлик, нафратланиш, бепарволик, нодонлик, юзакилик кабилар.
3. **Ўз-ўзига муносабатига алоқадор характерологик сифатлар** – жиддийлик, камтарлик, камсуқумлилик, эркинлик, ибо, шарму-хаё, ўз-ўзини танқид қилишлик, мағрурлик, беқарорлик, ўзига бино қўйишлик, манмансираш, худбинлик кабилар.
4. **Нарсалар ва ҳодисаларга муносабатларда намоён бўладиган характерологик хусусиятлар** – тартиблилик, оқиллик, саранжом-саришталик, қўли очиклик, тежамкорлик, покизалик, бесаранжомлик, зикналик ва бошқалар.

Юқорида санаб ўтилган сифатлар аслида шахснинг ҳаётдаги йўналишларидан келиб чиқади. Чунки йўналиш – одамнинг борлиққа нисбатан танловчан муносабатининг акс этишидир. Бундай йўналиш турли шаклларда намоён бўлади: диққатлилик, қизиқувчанлик, идеаллар, маслаклар ва ҳиссиётлар кабиларда.

Характер – тарихий категория ҳамдир. Бунинг маъноси шуки, ҳар бир ижтимоий-иқтисодий давр ўз кишиларини, ўз авлодини тарбиялайди ва бу тафовут одамлардаги характерологик хусусиятларда ўз аксини топади. Масалан, ўтган аср ўзбеклари, XX асрнинг 50-йилларидаги ўзбеклар ва мустақиллик йилларида яшаётган ўзбеклар психологиясида фарқ аввало уларнинг характерологик сифатларида акс этади. Аминмизки, XXI асрнинг ёш авлодлари янада зуккорок, иродалироқ, маърифатли ва маънавиятлироқ бўлади. Мамлакатимизда ҳозирги кунда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар янги аср авлодининг руҳан ва жисмонан соғлом бўлишига замин яратмоқда. (Юсупова, 2011, 72 б.)

Характер хусусиятларининг нималарда намоён бўлиши, уларнинг белгилари масаласи ҳам амалий жиҳатдан муҳимдир.

Демак, характер - инсоннинг хатти-ҳаракатлари ва амалларида намоён бўлади – одамнинг онгли ва мақсадга қаратилган ҳаракатлари унинг ким эканлигидан дарак беради.

Бу ерда биз ташқи кўриниш тушунчасига таъриф бериб кетамиз, чунки ташқи кўриниш орқали ҳам характерни билиш мумкин. Ташқи кўриниш – бу биз ўзга инсон онгига қолдириладиган илк таассуротдир. Бу тилсиз мулоқотнинг энг муҳим жиҳатидир. Ташқи қиёфа – юзининг очиқ ёки тунд эканлиги, кўзларининг самимий ёки жоҳиллиги, қадам босишлари – тез ёки босиқ, майда қадам ёки салобатли, туриши виқорли ёки камтарона, буларнинг ҳаммаси характерни ташқаридан кузатиб ўрганиш белгиларидир. Ташқи кўриниш инсоннинг аслини, унинг ички оламини акс эттириб турувчи воситадир. Демак, характер ва ташқи кўриниш бир-бири билан узвий боғлиқ экан. Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, Ч. Ломброзо, Э. Кречмер, У. Шелдонларнинг конституцион назариялари шахс характерини унинг ташқи кўриниши, тана тузилиши билан боғлаб тушунтиришлари жуда катта шов-шувга эга бўлган эди<sup>1</sup>. Бу назариялар жуда қаттиқ танқидга ҳам учраган, лекин келтирилган материал, корреляцион(муносабат, ўхшашлик) таҳлиллар маълум жиҳатдан индивидуал хусусиятлардаги туғма, мавжуд сифатлар

билан характерологик сифатлар ўртасидаги боғлиқлик борлигини исбот қилгани учун ҳам бу назариялар шу вақтгача ўрганилади.

Шундай қилиб, характер – шахснинг ижтимоий муносабатлар тизимига, ҳамкорликдаги фаолиятига ва бошқа одамлар билан муомаласига жалб этиладиган ҳамда шу билан ўз индивидуаллигига эга бўлаётган тириклик пайтида эришган нарсасидир. Психология тарихидан характернинг бош суягининг шаклига, юз тузилишига, қадди – қоматига ва ҳаказоларга боғлиқ деб қараш кўп бўлган.

Афлотун ва Арасту киши характерини унинг башарасига қараб аниқлашни таҳлил қилган эдилар. Киши ташқи қиёфасида бирор ҳайвонникига ўхшаш белгиларни топиш зарур, кейин характер аниқланади, дейди. Арасту фикрича, буканики сингари юғон бурун, ишёқмасликни билдиради, чўчқаникига ўхшаш тешиклари катта – катта кенг бурун ахлоқликни, арслонники каби бурун мағрурликни, эчкилар, қўйлар ва қуённики сингари жунининг майинлиги қўрқоқликни, шерлар ва ёввойи чўчқаларники сингари жунининг дағаллиги ботирликни билдиради.

Характерни аниқлашнинг бунга ўхшаш физиогномик тизимини ўрта асрда яшаган суриялик ёзувчи Абул Фараж Бар Эбрейда кўрамиз. У шундай ёзади: “Юғон ва калта бўйинлик киши буйвол (ёввойи мол) сингари қаҳр – ғазабга келадиган майилга эга. Узун ва ингичка бўйин қўрқоқлик аломати. Бундай киши буғу сингари хуркадиган бўладик – қайси бирининг бўйни жуда кичик бўлса, бўри сингари маккор бўлади” (Абул Фараж).

XVIII асрда Иоган Каспар Лафатернинг физиогномистик қарашлари машҳур бўлиб кетди. Унинг фикрича “Инсон боши – қалбини кўрсатадиган ойнадир”. Бош суяги конфигурациясини, имо – ишорани ўрганиш характерни ўрганишнинг асосий йўли деб ҳисоблайди.

Чарлз Дарвин (1809 - 1882) ўзининг “Одамда ва ҳайвонларда ҳис – туйғуларнинг ифодаланиши тўғрисида” (1872) китобида, физиогномистик “ҳар бир индивиднинг ўз шахсий қизиқишларига эргашиб, фақат юзларидаги, асосан маълум бир мускулларни қисқартириши, бу мускуллар кучлироқ

ривожланган бўлиши мумкинлиги ва шунинг учун бу чизиқлар ва уларнинг одатдаги қисқаришидан пайдо бўладиган юз қисқариши анча чуқур ва кўзга кўринарли бўлиши мумкинлигини жиддий равишда билиш керак”. Дарвиннинг бу ғоялари кўпгина психологларнинг изланишлари учун асос бўлди.

Характер кишининг ташқи кўринишига таъсир қилар экан, унинг ҳатти – ҳаракатларида, хулқ – атворида, фаолиятида ёрқин ифодасини топади. Характер тўғрисида одамларнинг ҳатти – ҳаракатлари асосида ҳукм чиқариш керак. Одатдаги иш, фаолият ва ҳатти – ҳаракатлар тизими киши характерининг пойдеворидир. Характерни кишининг одатлари ҳам яхши намоён қилади. Характер социал табиатга ҳам эга, яъни, кишининг дунёқарашига, унинг фаолият мазмуни ва шаклига, у яшаётган ва ишлаётган жамоада, бошқа одамлар билан қандай муносабатда бўлишига боғлиқ. Энг муҳими киши экстремал вазиятда ўзини яққол кўрсата олади. Кишининг исталаган шу жумладан, ички психологик ҳолатларга қаршилик қила олиш қобилияти унинг ўзини ўзгартирадиган қудратли кучи борлигини, унинг шахс сифатида ривожлантириш негизини намоён қилади. Шахс нимага ва қай даражада қодирлигига қараб унда биринчи ўринда конкрет характериологик эмас, балки ижтимоий ва умум инсоний қадриятлари чиқади ва бунга у қай даражада қодир бўлмаса, шахс одатдаги вазиятларда бошқалардан ажралиб турадиган индивидуал сифатлари билан бенишон кўмилиб кетиши мумкин.

Биз юқорида келтирилган фикрлардан инсоннинг ташқи қиёфаси унинг характери билан қанчалик чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрдик. Ташқи кўринишни баҳолаш қуйидагилар орқали амалга оширилади:

1. батартиблик ва покизалик;
2. ўзини тутиши ва табиийлик;
3. гўзал ва жозибали нутқ;
4. ҳатти-ҳаракат;
5. танқид ва мақтовга босиқлик билан муносабатда бўлишлик.(Ченакал 2010, 7 б.)

1. Инсоннинг кийиниши унинг маданиятини, миллатини, тушунчасини, касбини англаиб туради. Биринчи эътибор аввало қандай кийинганлигимизга тушади. Бунда албатта, кийимнинг қимматбаҳолиги эмас, балки унинг эгасига лойиқлиги, мослиги, тозаллиги, услуби, ранги аҳамиялидир. Кийимимиз вазиятга мос бўлиши, тикилиш услуби, дидимизга монандлиги ва материалнинг сифатли бўлиши лозим. Энг асосийси – кийим тоза ва қулай бўлиши лозим, умуммиллий талабларга зид бўлмасдан замон билан ҳамнафас бўлмоғи керак.
2. Инсон ташқи кўринишдан ҳам ўзининг характерини намоён қила олади, яни унинг ўзини тутишидаги босиқлик ва табиийлик муҳим аҳамиятга эга. Нафақат характер билан, балки кийиниш маданияти ва ҳатти – ҳаракатларининг бир-бирига мос бўлиши лозимлиги.
3. Нутқининг хусусиятлари (баланд товуш билан ёки секин гапириши, тез ёки босиқлиги, эмоционал бой ёки жонсиз) ҳам характернинг йўналишини белгилайди.
4. Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳатти-ҳаракат ташқи кўринишнинг муҳим омилларидан ҳисобланади, бу эса ўз навбатида инсон ўзини ҳамма жойда муносиб тарзда тута олиши қанчалик аҳамиятли эканлигини кўрсатади. Ҳатти – ҳаракат ўзини тута олиш билан ифодаланади.
5. Танқид ва мақтовга ўзини муносиб тарзда тутишлик, ҳар қандай психологик ҳолатларда кишининг ички ҳиссиётларини яшира олиши ва уларни юзида намоён бўлишига қаршилик қила олишидир.

Хулоса қилиб айтганда, характер ва ташқи кўриниш тушунчалари жуда кенг маънога эга эканлигини яна бир бор таъкидласак муболаға бўлмайди. Таҳлил жараёнида характернинг турли қирраларини акс эттирувчи фразеологик бирликларни мисол тариқасида келтирамиз.

## 2.2 Инглиз ва ўзбек тилларида инсон характери билдирувчи ФБ

Ташқи оламни акс эттириш барча жонли мавжудотларга хос хислат бўлсада, ҳар бир индивиднинг унга муносабати доимо турлича бўлади. Психик жараёнлар намоён бўлиши, одамларнинг ташқи қиёфалари бир хиллиги, ўхшашлиги холлари психология тарихида жуда кўп кузатилган бўлсада, шахснинг индивидуал хусусиятлари айнан бир хиллиги ҳодисаси тарихда ҳеч учратилган эмас. Масалан, ташқи қиёфалари жихатидан ҳатто ота – онаси ҳам ажрата олишга қийналадиган эгизаклар ҳам ички дунёси, таъсирланиши, жавоб реакцияларининг ҳар хиллиги билан ер билан осмонча фарқ қилади.

Инсон шахсининг характери ҳамيشа кўп қирралидир. Унда алоҳида хусусиятлар ёки томонлари ажралиб кўрсатилиши мумкин, лекин улар бир – бирларидан ажратилган, алоҳида холда мавжуд бўлмайди, балки, маълум даражада характернинг барқарор тузилишини ташкил этган холда ўзаро боғлиқ бўлади.

Характернинг структуралилиги унинг айрим хусусиятлари ўртасидаги қонуний боғланишда намоён бўлади. Агар киши қўрқоқ бўлса, у ташаббускорлик, қатъийлик, мустақиллик, фидоийлик ва олий ҳимматлик сингари фазилатларга эга бўлмайди, деб айтиш учун асослар бор. Ёки буларнинг акси бўлган фазилат соҳиблари ва уларнинг характери ҳам шундай тахмин қилиш мумкин. Характер хусусиятлар орасида айримлари асосий, етакчи бўлиб, унинг намоён бўлиши бутун комплексни ташкил этади. Бундан ташқари иккинчи даражали хусусиятлар ҳам бор, булар ҳам характерга маълум таъсир этади. Характер хусусиятлари – эътиқод, ҳаётга қараш ва шахс йўналиши билан бир эмас. Характер таркиб топишида теварак атроф муҳитга, ўзига, бошқаларга муносабатда бўлиши катта аҳамиятга эга.

Юқоридаги фикрлардан шу маълум бўладики, биз таҳлилимиз жараёнида характернинг турли хил критерияларини ифодаловчи фразеологик бирликларга юзланамиз ва шу ўринда “характер” сўзига берилган турли

луғатлардаги изоҳларга тўхталамиз. “LONGMAN Dictionary of Contemporary English”да характер сўзига қуйидагича изоҳ берилган. “Характер шундай ўзига хос сифатки, инсоннинг ким эканлигини ва бошқалардан фарқ қилувчи жиҳатларини кўрсатади”(муаллиф таржимаси). “Macmillan Essential Dictionary”луғатида “Характер-кимнингдир шахсиятини белгиловчи сифатлар мажмуидир”(муаллиф таржимаси) деб таъриф берилган. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “Одамнинг хатти – харакати ва атроф – муҳитга муносабатида намоён бўладиган ўзига хос хусусияти, ички маънавий барқарорлиги ” деб изоҳ берилган.

Ҳали – ҳанузгача характер дунё психологияси илмида ўрганилаётган муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳали – ҳанузгача шахс ва характер тузилиши психологиясида характернинг ўрни муаммоли ва мунозарали саволбўлиб келмоқда. Хозирги вақтга қадар нафақат инсон характери, балки, инсоннинг психологик ва ақлий ўзига хос хусусиятлари ҳам ўрганилмоқда.

1976 – йилда ўша вақтда биринчилардан ва ягона ҳисобланган Б.Басарованинг кандидатлик диссертацияси бевосита ушбу мунозарали мавзуга бағишланган эди. Муаллиф ўз диссертациясида характернинг икки хил структурасини очиб берган, яъни унинг фикрига кўра, “мазмундорлик ва ҳаракат томонларининг ўхшашлиги ”. Мазмундорлик томонидан шахснинг умумий ички манфаати тушунилса, динамик, яъни ҳаракати томонидан инсоннинг ўзини тутиши, хатти – харакати тушунилади.

Характер хислатлари ичида энг устун кўзга ташланадиган хусусиятлар мажмуи характер акцентуацияси дейилади. (сурбетлик, молпарастлик, виждонсизлик ва сахийлик, дилкашлик ва ҳ.к.)

Характер акцентуациясига қараб одамларни қуйидагича фарқлаш мумкин: **интроверт тип** – одамови, ичимдагини топ, бошқалар билан тил топишга қийналиш, **экстроверт тип** – ҳис – ҳаяжонга берилганлик, кўп гапириш, мақтанчоқлик, кўп нарсага беқарор қизиқиш ва ҳаказо. **Бошқариб бўлмайдиган тип** – **оралиқ тип** – ғайритабиий, сунъий қилиқлар,



эътирозларга мурасасизлик, баъзан ўринсиз шубҳаланиш билан қараш. Ўз салбий қилиқларини била туриб давом эттириш – худбинликнинг олий шакли.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги инсон характери ифодаловчи фразеологик бирликларни қиёслаш методи орқали бир – бирига қандай структуравий моделлар орқали бирикишини кўриб чиқамиз.

Таҳлилимиз натижасида инсон характери ифодаловчи ФБларнинг инглиз тилидаги қуйидаги структуравий моделларга эга эканлигини кўришимиз мумкин:

1) A + N<sup>1</sup> тарзида ифодаланадиган инсон характерига доир ФБлар инглиз тилида кўпчиликни ташкил қилади. Масалан,

1. *Old fox* – қари тулки, айёр

2. *Bad character(egg)*– ичи қора, бепарво, беғам

At times I am a thoroughly *bad egg*. I don't like to be this way with you. (J. Aldridge, "The Diplomat", ch. 9).

3. *Dull beggar*–зерикарли одам

4. *Straight goods* – ишонарли, ростгўй, тартибли одам

5. *Shy fish* – уятчан одам

6. *A bad actor* – разил, қабих

7. *Tame cat* – беозор, гапга кўнадиган

"What I need..." he mumbled "is more male company. I'm becoming *a tame cat*". (M.Dickens, Thursday Afternoons, ch.8)

---

<sup>1</sup> Ушбу диссертацияда моделлаштириш жараёнида қуйидаги қисқартмалардан фойдаландик: A – Adjective; Adv. – Adverb; Conj. – Conjunction; N – Noun; Num. – Numeral; P I – Participle I; P II – Participle II; Prep. – Preposition; Pron. – Pronoun; V – Verb.

8. *A bad egg* – ишониб бўлмайдиган одам

Kelly was a *bad egg* and no one was sorry when eventually he fell, dead and drunk... and broke his neck. (D. Cusack, *Picnic Races*, ch.21 )

9. *A fair cow* – ёлғончи, фирибгар

I had a *fair cow* of a horse called Grasshopper. (Prichard)

10. *Yellow dog* – кўрқоқ одам

Believing they are attacked by Indians, the settlers ran from their beds were there seized by Andy's men as fast as they appeared. "Search the houses" – he said. Bring all the *yellow dogs* out. (Fisher)

11. *Dirty dog* – қабих, разил киши

"The fellow's a Scotchman. What did you go hitting him on the nose for?" "He gave me a thick ear first..." "You must have called him something". "Only a *dirty dog*" (J. Galsworthy, "The Silver Spoon", part II, ch. XIV).

12. *Cold turkey* – ҳиссиз киши

He was... what we call a grouch face, a drizzle-puss, a wet blanket, a *cold turkey*.

13. *Live wire* – ғайратли одам

... he had more vitality than anyone I've ever known. Gosh, he was a *live wire*. (W. S. Maugham, *The Razor's Edge*, ch.1)

14. *A sly dog* – айёр одам

You're a *sly dog*. Hand in glove with the great detective, and not a hint to the way things are going. (Cristie)

15. *Old bird* – тажрибали, эҳтиёткор, пихини ёрган одам

He is an *old bird* and you can't take him in. (A.V.Kunin, Англо – русский фразеологический словарь, Москва – 1967)

2) Инглиз тилидаги инсон характерида доир ФБлар орасида as –as ёки as конструкцияси билан келган бир қанча қиёсий ФБлар мавжуд. Масалан,

1. *as artful as a cart – load of monkeys* – ўта муғомбир, устомон

2. *as bold as brass* – беҳаё, номуссиз, уятни билмайдиган

Fred Bullock told old Osborne of his son's appearance and conduct. "He came in *as bold as brass*", said Frederick, "he has drawn out every shilling" (W. Thackeray, "Vanity Fair", ch. XXVI).

3. *as brisk as a bee* – ўта чакқон, эпчил

4. *as busy as a bee* – меҳнаткаш

She had no sooner done this, than off she was again; and there she stood once more, *as brisk and busy as a bee*... (Ch. Dickens, "Martin Chuzzlewit", ch. XXXIX).

5. *as chaste as ice* – покдомон, боладек беғубор

6. *as cold as charity* – бағри тош, қаҳри қаттиқ

...I grew by degrees *cold as a stone*, and then my courage sank (Ch. Bronte, "Jane Eyre", ch. II).

7. *as cool as cucumber* – хотиржам, бамайлихотир киши

Though it was his first great venture, he was now *as cool as cucumber* (Th. Dreiser, "The Financier", ch. III).

8. *as mad as a hatter* – ақлдан озган

Proserpine: *Mad as a march hare*. He did not frighten me ... (B. Shaw, *Candida*, act 2)

9. *as cunning as a fox* – тулкидек айёр

10. *as quiet as a mouse* – жуда мулойим, юввош

11. *Bold as brass* – юзсиз, уятсиз, сурбет

“Why, you`re *as bold as brass!*” said Jonas in the utmost admiration. “A man can well afford to be *as bold as brass*, my good fellow, when he gets gold in exchange!” cried the chairman with a laugh that shook him from head to foot (Ch. Dickens, “*Martin Chuzzlewit*”, ch. XXVII).

12. *Proud as a peacock* – димоғи баланд, кеккайган, мағрур

Tonga thought he had done very clever in killing him, for when I came up by the rope I found him strutting about *as proud as a peacock*. (A.C. Doyle, *The Sign of Four*, ch. 12)

13. *Nice as pie* – меҳрибон, самимий, дўстона

Then they brought my clothes. Everyone was just as *nice as pie*. (E. S. Gardner, *The case of the Grinning Gorilla*, ch. 11)

14. *Mild as milk* – хушмуомала, сокин, меҳрибон

A temper *as mild as milk*... (Th. Hardy, “*Far from the Madding Crowd*”, ch. IV).

15. *Hard as nails* – ҳайриҳоҳлик билдирмайдиган, таъсирчан эмас

To be just, he has lots of qualities: *hard as nails*, plenty of pluck, and no nerves (J. Galsworthy, “*Maid in Waiting*”, ch. III).

3) Инглиз тилидаги инсон характерининг турли жиҳатларини акс эттирувчи ФБларда Gerund + Nструктуравий моделини ҳам учратиш мумкин:

1. *Astounding card* – зийрак, ажиб одам

“You`re an *astounding card*”, he said staring. “I shall come and hear your sermons if they`re as amusing as your manners” ( G. Chesterton, “The Pocket Book of Father Brown”, The Salad of Colonel Cray).

2. *Fighting cock* – уришқоқ, жангари одам

The little red – headed lad was a fighting cock; he never missed the opportunity of having a scrap. (APФС)

3. *A willing horse* – меҳнатсевар киши

I am doing my best and it`s no good flogging *a willing horse*. (A. Trollope, “The Way We Live Now”, ch. 3)

4. *A doubting Thomas* – ишонтириш қийин бўлган одам

He was neither very happy nor very unhappy- *a doubting Thomas* without faith or hope in humanity, and without any particular affection for anybody. (Th. Dreiser, The Titan, ch. 8)

Ўзбек тили фразеологиясида ҳам инсон характери ифодаловчи ФБлар турли хил моделларга эга эканлигини кўриб чиқамиз.

1) Структураси A + N моделига эга ФБлар ўзбек тилида ҳам кўпчиликни ташкил қилади.

1. *Бағри тош* – бемехр, илтифоти йўқ

Тухмат қилиб, қаматган ҳам жияним, қувғинга солган ҳам ўша. Жияним *бағри тош* чикди, оғайним. (Ш. Рашидов, Бўрондан кучли)

2. *Катта ган* (гапирадиган) – имкониятига ортиқча баҳо берувчи

“Ўша пахта усталари билан беллашганим бўлсин”, - деб яна *катта ганирдию*, ўзи гузардаги пивоходандан чиқмади. (Саид Аҳмад, Орият)

3. *Майда гап* – бўлар – бўлмас гапларни дастак қилиб гапириб юривчи

Нюша хола – ҳамма нарсага аралашаверадиган эзма, *майда гап* кампир.  
(Ш. Тошматов, Эрк қуши)

4. *Оқ кўнгил* – яхши ниятли, бошқаларга ёмонликни раво кўрмайдиган

У ўзи *оқ кўнгил* бўлгани учун, ошнасини ёмонлагиси келмасидан шундай деяптими ё Қосимовдан манфаатдор бўлгани учун уни оқладими? (О. Ёкубов, Ота изидан)

5. *Қаттиқ қўл* – талабчан

Вера Павловна... камтар, очиқ кўнгил, шу билан бирга *қаттиқ қўл* устоз эди. (С. Назар, Яшил бойлик)

6. *Содда дил* – ишонувчан, жўн

*Содда дил* овчининг ёлғон сўзлашга тили бормади. (Ш. Тошматов)

7. *Соф дил* – виждонли

У жуда содда, *соф дил* ва ишонувчан бир киши. (С. Айний, Судхўрнинг ўлими)

8. *Енгил табиат* – енгилтак, суюқ

“Роҳатой!” – деди у шиддат билан, -“ Мен сизни бунчалик *енгил табиат* деб ўйламаган эдим”. (Р. Файзий, Тош ойна)

2) Инсон характерин ифодаловчи ФБларнинг мазкур гуруҳига ўзбек тилида N + A тарзидаги ФБларни киритишимиз мумкин ва уларнинг айримларини кўриб чиқамиз.

1. *Юраги кенг* – оғир вазмин, шошилмасдан иш тутадиган

Ҳой, нима гап ўзи, тинчликми, гапирсангиз – чи, мунча *юрагингиз кенг*.  
(Р. Файзий, Чўлга баҳор келди)

2. *Юраги тор* – бетоқат, жиртаки

Кўявер, ука, эр – хотинликда ўтади. Баъзи хотинлар *юраги торроқ*, ғайирроқ бўлади. (Х. Назир, Рашк)

3. *Парвойи фалак* - бепарво, беғам

Мен яқин жўрам деб дардимни сенга ёрсам, сенинг *парвойинг фалак*. (С. Назир, Яшил бойлик)

4. *Кўнгли қора* – Ёмон ниятли, бошқаларга яхшилиқни раво кўрмайдиган

Қайси *кўнгли қорадан* чиқди экан бу гаплар? (А. Муҳиддин, Кўнгиллар)

5. *Кўнгли тоза*–Яхши ниятли, бошқаларга ёмонликни раво кўрмайдиган

Хадича яхши аёл: *кўнгли тоза*, мард, тўғри сўз. (Ойбек, Олтин водийдан шабадалар)

6. *Кўнгли юмшоқ* – кўнгилчан, раҳмдил

Ўзим айтганча, унинг *кўнгли юмшоқ*, тезгина шахтидан тушади. (Ойдин, Икки кўзи шунда)

7. *Феъли тор* – зикна

“Лекин аёлларнинг *феъли тор*. Кафанликка дока беришса ҳам, катта гап”,-деди минғирлаб Ёрмат. (Ойбек, Қутлуғ қон)

8. *Дўпписи яримта* – шод – хуррам, беғам, бепарво

Устанинг иши йирик, унинг нони бутун, *дўпписи яримта*...(С. Абдуқаҳҳор, Гап норда эмас)

3) Ўзбек тилида инсон характери ифодаловчи ФБларнинг структуравий кўриниши N + V шаклида ясалганлари ҳам анчани ташкил этади.

1. *Лафзида турадиган* – айтганини уддасидан чиқадиган, ваъдасини бажарадиган

Кеча борганимда яна пишитдим. Холмат Юнусович *лафзида турадиган* одам. (А.Мухтор, Туғилиш)

2. *Оёғини тираб оладиган* – ўз фикрини амалга ошириш учун қайсарлик қилиб туриб оладиган одам

Сиз ҳам *оёгингизни тираб олманг*, инсофга келинг. (П. Турсун, Ўқитувчи)

3. *Оғзидан бол томадиган* – ширинсухан бўлмоқ

Илгари билмаганини ўргатар, кўрсатар эди. Сўзлаганда *оғзидан бол томар*, юзларидан табассум сўнмас эди. (С. Анорбоев, Оқсой)

4. *Оғиз кўпиртирадиган* – кўп ва мақтаниб гапирадиган

Лекин пайти келганда раис ҳам колхоз ютуқлари ҳақида *оғиз кўпиртиришидан* ҳеч қайтмайди. (Ш. Рашидов, Бўрондан кучли)

5. *Пинагини бузмайдиган* – Ўзига қаратилган гап ёки ҳаракатга била – кўра туриб эътибор қилмайдиган, ўзини гўё ҳеч нарса бўлмагандай тутадиган

Соҳиб қори бир – икки бор томоқ қирса ҳам, хотини *пинагини бузмади*. (И. Раҳим, Чин муҳаббат)

4) Инсон характери ифодаловчи ФБларнинг N + Adv структуравий моделига ҳам бир нечта мисоллар келтирамиз:

1. *Тепса - тебранмас*–ҳар қандай ишни ҳам имиллаб қиладиган, сусткаш



Тиллабоев *тепса – тебранмас* бир одам бўлиб, эшон уни “содда муғомбир” деб таърифлар эди. (П. Турсун, Ўқитувчи)

2. *Дарди ичида* – ичидагини бировга айта олмайдиган

3. *Мяси жойида* – нима қилаётганини жуда яхши биладиган

Таҳлилимиз жараёнида инсон характерининг ижобий, салбий ҳамда нейтрал томонларини ифода этувчи фразеологик бирликларнинг инглиз тилидаги материаллар асосида 711 тасини ва ўзбек тили материалларидан 306 тасини жамладик. Биз шу нуқтаи назардан характернинг турли критерияларини аниқлаб ва ҳар икки тилдаги фразеологик бирликларни учта асосий гуруҳга – инсон характерига салбий баҳо берувчи, инсон характерининг ижобий жиҳатларини акс эттирувчи ва инсон характерига нейтрал баҳо берувчи фразеологик бирликларга ажратдик.

### 2.2.1 Инсон характерининг салбий томонини билдирувчи ФБ

Дунёда инсонлар турли хил бўлгани каби уларнинг характерлари ҳам бир – биридан тубдан фарқ қилишини юқорида айтиб ўтдик. Ушбу параграфда биз инсон характерининг салбий жиҳатларини акс эттирувчи фразеологик бирликларни кўриб чиқамиз. Ҳеч бир инсон мукамал бўлмаганидек, уларнинг характерида ҳам биз келтирадиган салбий жиҳатларни учратиш мумкин. Чунки фразеологик бирликларнинг келиб чиқиши инсон ва унинг яшаш шароити, турмуш тарзи ва албатта, унинг хатти – харакати билан чамбарчас боғлиқдир.

Инглиз тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам инсон характерининг салбий томонини билдирувчи фразеологик бирликлар энг кўпини ташкил қилади: инглиз тилида умумий миқдорнинг 817 – 542 фразеологик бирликлар, 66,26%; ўзбек тилида 350 – 163 фразеологик бирликлар, 57, 5% .

“Фразеологик системадаги умумий семантик ассиметрия (салбий тушунчаларга оид) ўткир ва ҳиссий дифферинциал ва инсонларнинг фикрий сўзлашув реакциясида салбий кўринишлари билан ифодаланиши мумкин. Шу билан бирга руҳий ҳолатларнинг хусусиятига эга бўлиши, яъни кескин салбий эмоционал ҳолатлар, тайёр нутқ формаси тенденцияларининг қўлланилиши ва шу билан бирга турғун сўз бирикмалари шулар жумласидандир”. (Райхштейн, 1980.)

Инсон характерининг салбий томонини ифодаловчи фразеологик бирликларни кичик семантик гуруҳларнинг алоҳида лексемалар асосида идентификация қилиш орқали тақсимланди.

Куйида инсон характерининг салбий томонини ифодаловчи фразеологик бирликларни кичик фразео - семантик гуруҳларга ажратган ҳолда мисоллар келтирамиз.

1. Характернинг “қабихлик, разиллик” кўринишимикдор жиҳатдан кўпчиликни ташкил қилди: *a bad actor; he`d take a candy from a baby; fiddle while Rome is burning; swear black is white; hit a man when down; sell a person;*

*shoot the sitting pheasant; crowd the mourners; paint somebody black; betray the cloven foot; a blot on the landscape; do somebody dirt; бошини емоқ; етти номусини ерга букмоқ; қонини ичмоқ; пайини қирқмоқ; текканга тегиб тегмаганга кесак отмоқ; арини унига чўп суқмоқ; уйини куйдирмоқ; капасини тутатмоқ; кафангадо қилмоқ; кафанини калта бичмоқ; чалпагини ясамоқ; тулкини унига тутун қўймоқ; юмронқозиққа сув қўймоқ.*

“Don`t you think it`s *playing* it rather *low* to show the private letters which a woman has written you”?

“Rot”, cried Reggie, with a laugh (W.S. Maugham).

Already they must spy *the cloven hoof*, since with all your pretended eagerness for the family honour, you take a pleasure to degrade it in my person (R. Stevenson, “The Master of Ballantrae”, ch. X).

“The fellow`s a Scotchman. What did you go hitting him on the nose for?” “He gave me a thick ear first...” “You must have called him something”. “Only a *dirty dog*” (J. Galsworthy, “The Silver Spoon”, part II, ch. XIV).

“Ахир, - деди кампир, - мен энди нима қандай қиламан?! *Етти номусимни ерга букдинг, жувормак!*” (Ғ. Ғулом, Ёдгор)

Шокир *ичи қора* бир одам эди. *Ичи қораликдан* у ҳам роҳатланар, ҳам азобланар эди. (Ҳ.Нуъмон, Фасллар)

Ҳакимжон бесўнақай гавдали, эрта- ю кеч маҳалла чойхонасида ўтириб олиб, *текканга тегиб, тегмаганга кесак отадиган* Соли жаллобни дарров кўз олдига келтирди. (Р. Файзий, Раянинг арчаси)

*Кўнгил қоралиги* билан демагин, йўқ. Тўтиқизнинг *кўнгли қора* эмас, аламига чидамаганлигидан, хотиннинг ўзи ёмонлигидан деган. (М. Исмоилий, Фарғона тонг отгунча)

2. Кейинги инсон характери ифодаловчи фразео - семантик гуруҳ таркибига “иккиюзламачилик, тилёғламалик, айёрлик” маъносини берувчи фразеологик бирликлар киритилди: *a downy bird; a double game; window dressing; play a double game; show a false face; make semblance (put on a semblance) of smth; look one way and row another; to head the lion in his den; cry*

*with one eye and laugh with the other; shoot at a pigeon and kill a crow; sly as a fox; a sly dog; as cunning as a fox; an old fox; cry wolf, a fair cow; as artful as a cart-load of monkeys; old bird; fast counter; confidence man; қўйинини пуч ёнгоқ билан тўлдирмоқ; илонни ёғини ялаган; пихини ёрган; шайтонга дарс бермоқ; илондек аврамоқ; кулиб туриб жонини олмоқ; ҳам дукчага ҳам пошнага урмоқ; ҳар мақомга ўйнамоқ; карнайчига куф, сурнайчига суф демоқ; шамол оққан томонга оқаверади; унга у дейди бунга бу дейди.*

He is an *old bird* and you can't take him in. (A.V.Kunin Англо – русский фразеологический словарь).

Бу гапинг рост! Буларнинг ҳаммасиямбошида шунақа қўйинингни пуч ёнгоққа тўлдирадидлар – у, кейин... (О. Ёқубов, Дастлабки кадам)

Моддаси моддасига тўғриланди. *Пихини ёрган* юрист ҳам материалдан хато тополмайди. (С. Анорбоев, Оқсой)

Эй, қанақа гўл одамсан ўзинг. Бектемиров *илоннинг ёғини ялаган* одам. Калтак еб, индамай кетаверади деб ўйлайсанми?! (Саид Аҳмад, Хукм)

3. Кейинги кичик фразео - семантик гуруҳига “манмансираш, такаббурлик” маъноси таркибига кирувчи фразеологик бирликларни мисол тариқасида келтирдик: *holier than thou, in a class of one's own, high and mighties; to be on one's high horse; cock one's nose (hold up one's nose); come captain Stiff over smb; throw one's weight about; strut (swell) like a turkey – cock; proud as a peacock; be unwilling to call the king one's cousin; all over oneself; be above oneself (get or rise); bloated aristocrat; димоғи шишган; димоғи баланд; шишиб кетган; ўзига юқори баҳо бермоқ; босар – тусарини билмай қолмоқ; бурнидан нарини кўрмаслик; осмонни ушламоқ; кўзини шира босмоқ; отдан тушса ҳам эгардан тушмаслик; оёғи ердан узилмоқ; оёқ учида кўрсатмоқ; катта кетмоқ; назарга илмаслик; бино қўйган; бурни (бир қарич) кўтарилган; ман – ман деган.*

She found it was not such a wonderful thing to be in the chorus... After a few days she had her first sight of those *high and mighties* – the leading ladies and gentlemen (Th. Dreiser, “Sister Carrie”, ch. XXXVIII).

He used to be such a nice fellow, but lately he`s *all over himself*.  
(А.В.Кунин Англо – русский фразеологический словарь)

And if that *holier – than – thou* puritanism which so distinguished his youth has been seriously if not irreparably damaged by experience, he has been sufficiently adroit with the processes of rationalization to leave himself unburdened by remorse (R.Kent)

...They *put their noses in the air* and looked very haughty... (O. Wilde).

When she turned to go accused of *putting on airs*, when she turned to reply, cuffed (M. Bragg).

“Илмим бор, кадрман”, - деб бизниям *назарга илмайдилар*. (П. Турсун, Ўқитувчи)

Кўрдингизми, Давронов *отдан тушса ҳам, ўзангидан тушгани йўқ*. (И. Раҳим, Ихлос)

4. “Қаттиққўллик, шавқатсизлик” маъносини билдирувчи фразеологик – бирликларнинг фразео – семантик катори қуйидагича: *blood from (or out of) a stone; King Stock; drop (weep) millstones; (as) hard as iron; bad man; ушлаган жойидан тутмоқ; қиличидан қон томмоқ; сиқиб сувини ичмоқ; чизган чизигидан чиқмаслик; олиб бориб олиб келмоқ; гапи гап; тишлаган жойини узадиган; тутган ерини кесадиган; бошида ёнгоқ чақмоқ ; қаттиқ қўл; тош багир; тош юрак.*

...I grew by degrees *cold as a stone*, and then my courage sank (Ch. Btonte, “Jane Eyre”, ch. II)

The woman looked at her for a long time. “...Ann we`ll forgive ya for your *hard heart* ” (J. Steinbeck).

Гап уқтиролмаи хуноб бўласан, киши. Маслаҳатга кўнмайди, *айтганим айтган, деганим деган* деб туриб олади. (П. Турсун, Ўқитувчи)

Вера Павловна... камтар, очиқ кўнгил, шу билан бирга *қаттиқ қўл* устоз эди.(С. Назар, Яшил бойлик)

Бундай ҳикояни эшитган ҳар қандай *тош юрак* ҳам йиғлайди. (Саид Аҳмад, Хотиралар)

5. Кейинги “Дангасалик, бепарволик” маъносини берувчи кичик фразео – семантик гуруҳи таркибига: *bad character(egg, halfpenny, hat, lot, penny or sort); to fish in the air; to beat a dead horse; flog (mount on) a dead horse; play horse; a man of nothing to do; eat the bread idleness; sit like a bump on a log; қўлини совуқ сувга урмаслик; бир қулоғидан кириб иккинчи қулоғидан чиқиб кетадиган; узатган оёғини йиғмаслик; дунёни сув босса тўптигига чиқмаслик; парвойи фалак; боқи безам; итнинг кейинги оёғи; тенса тебранмас; томса ялайди томмаса йўқ; хамири ачимаган; дўпписи яримта; тайёрга – айёр* кабиларни киритдик.

It seems he`s terribly dissipated – drinks. Yes, sir, like a fish... *a bad lot*, to say the least (F. Norris, “The Pit”, ch. I).

At times I am a thoroughly *bad egg*. I don`t like to be this way with you (J. Aldridge, “The Diplomat”, ch. 9).

There`s a difference, perhaps, to working in one`s own house and in a public place. But Morris must understand, *I can`t sit still and twiddle my thumbs when it`s necessary to do something*.

Мен яқин жўрам деб дардимни сенга ёрсам, сенинг *парвойинг фалак*. (С. Назир, Яшил бойлик)

Қувноқ Абу камбағал уйнинг шамчироғи эди. *Дунёни сув босса тўптигига ҳам чиқмасди...* (Мирмуҳсин, Жабрдийда)

Нусратилла рўзғорда *қўлини совуқ сувга урмайди*, ота мулкига бирор тийинлик наф қўшган эмас, ҳали қўлидан бирор иш келишини кўрсатгани йўқ. (А. Мухтор, Опа - сингиллар)

Устанинг иши йирик, унинг нони бутун, *дўпписи яримта...* (С. Абдуқаҳҳор, Гап норда эмас)

6. “Эзмалик, майда гаплик” кичик фразео – семантик гуруҳ таркиби қўидагича: *a dull dog; be a lot of noise; swap lies; shoot (throw) the bull; spend*

(waste) *breath (one`s breath); a man (a person) of many words; talk the hind leg of donkey; talk nineteen to dozen; ҳеч кимга гап бермаслик; оғиз кўптирадиган; майда гап; гап чайнамоқ; оғзига келганини гапирадиган.*

“That’s the sort of wife to marry, my boy. Look at her. I believe you would *talk the hind leg off a donkey*, Athelny,” she said calmly. (W. S Maugham, *Of Human Bondage*, ch. 88)

At tea-time he came down to the drawing room and found them talking, as he expressed it, *nineteen to the dozen*. (J. Galsworthy, *The Man of Property*, part 1, ch. 8)

Лекин пайти келганда раис ҳам колхоз ютуқлари ҳақида *оғиз кўптиришидан* ҳеч қайтмайди. (Ш.Рашидов, Бўрондан кучли)

Нюша хола – ҳамма нарсага аралашаверадиган эзма, *майда гап* кампир. (Ш. Тошматов, Эрк қуши)

7. Инсон характерининг “ҳиссизлик” жиҳатини ифода этувчи ФБлар қўйидагиларни ташкил қилади: *as cold as ice, as cold as charity; tame cat; cold turkey, a cold fish, (as) hard as nails; совуқ одам; юраги йўқ; юраксиз одам;*

“What I need...” he mumbled “is more male company. I’m becoming *a tame cat*”. (M.Dickens, *Thursday Afternoons*, ch.8)

...the wind is *as cold as charity*. We are much more comfortable here; are we not? (A. Trollope, “Can You Forgive Her?”, ch. XLIII).

You said that you and Kirby went to see Dr. Babb *cold turkey*, that you didn’t telephone or have any appointment. (E. S. Gardner, “The Case of the Screaming Woman”, ch. 5)

“Then you locked the door and searched him at once.” “Yes, You’ll think I’m *a cold fish*. Well, maybe I am” (I. Murdoch, “The Nice and the Good”, ch. 28).

“You’re hard, Shirl,” Violet moaned. “*Hard as nails*.” And if I am, who made me like it?” the girl cried from her heart. (D. Hewitt, *Bobbin Up*, ch.1)

8. Навбатдаги кичик фразео – семантик гуруҳига инсон характерининг “жаҳлдорлик” томонини акс эттирувчи ФБларни киритамиз: *hopping*

*mad; one's bark is worse than one's bite; as nervous as a cat; to have a quick temper; бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдирадиган; жаҳли бурнининг учида туради; жаҳли тез; гап кўтармайдиган одам; қизиқ қон одам; шайтони тез одам; феъли тез; аччиги тез.*

Old Gourlay suspected what he had done, and was *madder than a wet hen* (K. Prichard, "Kiss on the Lips", The Grey Horse).

Oh, I don't think you need worry about Thurgood, your Grace. *His bark is worse than his bite* (F. Hardy, "Power without Glory", ch. II).

The old lady's *hopping mad*, the row ye made coming upstairs. (S. Chaplin, The Watchers and the Watched, ch. 1)

I was *as nervous as a cat* when I smashed the lock and got into what was obviously their living room (W. S. Maugham, "The Hour before the Dawn", ch II).

The cashier was Martin's black beast, and his *temper was a trifle short* where the talker of platitudes was concerned (J. London, "Martin Eden", ch. XXIX).

Ўз жиянингиз, куйганидан гапиргандир... *Бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдириши* яхшимас. (Х. Назир, Куруқ ёғоч ҳам эгилади)

9. "Қайсарлик" кичик фразео – семантик гуруҳини ташкил этувчи ФБлар куйидагилар: *the leopard can't change it's spots; be set in one's ways; fixed in our ways; stubborn as a mule; айтгани айтган, дегани деган; бир сўзини иккита қилдирмайдиган; оёгини тираб оладиган.*

Sally could be *as obstinate as a mule* when she chose... (K. S. Prichard, "The Roaring Nineties", ch. 10)

Henry had laughed at him. Said he was too *set in his ways* to try to please any woman. (H. Robbins, "79 Park Avenue", ch. 6)

Гап уқтиролмайд хуноб бўласан, киши, маслаҳатга кўнмайди. *Айтганим айтган, деганим деган* деб туриб олади. (П. Турсун, Ўқитувчи)



Рисолат хола рўзғорда ҳеч нарсани кўздан қочирмайдиган, *бир сўзини иккита қилдирмайдиган* хотин эди. (А. Мухтор, Қанот жуфт бўлади)

Сиз ҳам *оёгингизни тираб олманг*, инсофга келинг. (П. Турсун, Ўқитувчи)

10. Инсон характерининг “шошқалоқлик” жиҳатини акс эттирувчи ФБлар гуруҳи куйидагича: *cry before one is hurt; бердисини айтгунча уриб ўлдирадиган; подадан олдин чанг чиқарадиган.*

I... took up a pistol. You see it is not loaded, and this coward *cried out before he was hurt* (W. Thackeray, “Pendennis”, vol. II, ch. XXXI).

Лекин Қўзибойнинг гоҳо *подадан олдин чанг чиқариши* одати борлигидан, баъзилар уни “Сўнгги ахборот” деб ҳам аташаркан. (Х. Назир, Сўнмас чакмоқлар)

Худди ўша кўнглингдаги жойга бордик. – Қаёққа? Нега? – *Бердисини айтгунча уриб ўлдирадиган кўринасан*, сабр қилгин, болам. Бир бошданайтиб берай. (С. Анорбоев, Оқсой)

11. “Ювошлик” маъносини берувчи фразео – семантик гуруҳига кирувчи ФБлар: *as quiet as a mouse; as quiet as a lamb; tame as a chicken; Balaam’s ass; copy cat; come up to the bit; king (or man) of clouts; аммамнинг бузоғи; бош эгувчи (эгадиган)* кабиларни ташкил қилди.

Remain where you are till I return; be *as still as a mouse* (Ch. Bronte, “Jane Eyre”, ch. XV).

She is just *a copy cat* who follows her sister`s lead in everything. (НАИ)

Бектемирдан кўнглим тўқ, - деди Али тажанг, - калласи ишлайди. Аммо Сафар чўтир – у ҳам кўрқоқ, ҳам *аммамнинг бузоғи*. (Ойбек, Қуёш қораймас)

... бош кўтарган “боши бузуқлар” *бошларини эгишга* мажбур бўлдилар. (С. Айний, Куллар)

12. Инсон характерининг “жанжалкашлик” жиҳатини кўрсатиб берадиган ФБлар семантик гуруҳини: *a fighting cock; тирноқ орасидан кир қидирмоқ; ўпкаси йўқ одам* кабилар ташкил қилди.

Fred`s a really good chap, can`t deny it, even if he`s a bit of a *fighting cock*, and I can`t say I hold that against him. (J. Lindsay, “A Local Habitation”, ch. 4)

Ўзи мақсадларинг нима? *Тирноқ орасидан кир излаб қолдинлар!* Очик айтиб қўя қолинлар! (С. Зуннунова, Янги директор)

13. Кейинги фразео – семантик гуруҳига “сотқинлик, ифвогарлик” маъносини берувчи ФБларни киритдик: *a cat in the pan; lower than snake`s belly; оғзи бўш; оёқ билан эмас, оғзи билан юрадиган; катта оғиз.*

O, this precious Basil will turn *cat in the pan* with any man. (W. Scott, “Old Mortality”, ch. XXXV)

He`d only have to take one look at Jan to be convinced... that his son was *lower than a snake`s belly*. (D. Cusack, Say No to Death, ch.3)

14. Навбатдаги фразео – семантик кичик гуруҳини “сирлилик” маъносини берувчи ФБлар ташкил қилади: *a wolf in sheep`s clothing; to shoot a pigeon and kill the crow; butter wouldn`t melt in one`s mouth; dark horse, hairy at the hill; дарди ичида; ичидан пишган; ичимдагини топ; сир бой бермаслик.*

And today, the very few people who... preach to the workers a Socialism soaring high above their class interests and class struggles... these people are either neophytes, who have still to learn a great deal, or they are the worst enemies of the workers - *wolves in sheep`s clothing* (F. Engels, Preface to “The Condition of the Working Class in England in 1844”).

When a visitor comes in she smiles and languishes, you`d think that *butter would not melt in her mouse*... (W. Thackeray, “Pendennis” , vol.II, ch. XXII).

15. “Хасадчи” маъносини берувчи ФБлар куйидагича: *dog in the manger; кўнгли қора.*

We`ve got to celebrate. This is a big night for us. Don`t be *a dog in the manger*. We`ll have fun together. (A. J. Cronin, “The Northern Light”, part II, ch.12)

Қайси кўнгли қорадан чиқди экан бу гаплар? (А. Муҳиддин, Кўнгиллар)

16. “Уятсизлик, енгилтаклик, ахлоқсизлик”: *as bold as brass; a gay dog;*

*cool beggar; as light as butterfly; енгилтак; оғзига келганини гапиреди; оғзига келганини қайтармайди.*

Fred Bullock told old Osborne of his son`s appearance and conduct. “he came in *as bold as brass*”, said Frederick, “he has drawn out every shilling” (W. Thackeray, “Vanity Fair”, ch. XXVI).

My father suggested, feeling a very *gay dog*, that we should celebrate the legacy. (C. P. Snow, “Time of Hope”, ch. VII)

“*Coollest card* I ever saw,” thought Soames. “Wonder if it`s in his pocket.” (J. Galsworthy, “Swan Song”, part I, ch. VI)

17. Инсон характерининг “қўрқоқлик” томонини англаторчи ФБлар катори қуйидагиларни ташкил қилди: *a yellow dog; shy fish; чумчуқ “пир” этса, юраги “шир” этадиган; Аширвой қўрқоқ.*

Believing they were attacked by Indians, the settlers ran from their bads and were there seized by Andy`s men as fast as they appeared. “Search the houses!” he said. “Bring all the *yellow dogs* out!” (V. Fisher, “Children of God”, part I, ch. XIV)

Пичоқни шу Ҳасан аканг урадимми?! Чумчуқ “пир” этса, юраги “шир” этади – ю бунинг! (Ҳ. Ҳ. Ниёзий, Бой ила хизматчи)

18. “Кўполлик, бачканалик” маъносини берувчи ФБлар гуруҳи қуйидагича бўлди: *as hard as goat`s knees; as rough as bags; smell of the baby; a bull in a china shop; “дўпписини ол” деса (...)* калласини оладиган;

He`s a rough one, Charlie, *rough as bags*. (D. Stuart, “Yaralie”, ch. 16)

“You have strength... it is untutored strength”. “Like *a bull in a china shop*”, he suggested and won a smile (J. London, “Martin Eden”, ch. XIV).

“Дўпписини ол” деса, сен ҳам хўп калла оласан – да. Бечора болажонларни иссиқ ишларидан қувиб чиқарганларинг ҳам етар. (М. Исмоилий, Фарғона тонг отгунча)

19. Кейинги фразео – семантик гуруҳини инсон характерининг “мақтанчоқлик” томонини акс этирувчи ФБлар ташкил

килади: *cat's whiskers; a smart Aleck; аравани қуруқ олиб қочадиган; катта гап (гапирадиган)*.

Small boys with... *cat's whiskers* thrilled when they got me clear. (M. Dickens, "The Landlord's Daughter", ch. 3)

"Now, who would do it but that little Finchley snip, the little *smart Aleck*?" snapped Gilbert. (Th. Dreiser, *An American Tragedy*, book 2, ch. 30)

*Аравани қуруқ олиб қочиш* эви билан – да, аввал бурнингни артсангчи... (С. Абдуқаҳҳор, Ҳаётнинг бошланиши)

"Ўш пахта усталари билан беллашганим бўлсин", - деб яна *катта гапирди* –ю , ўзи пивоходанан чикмади. (Саид Аҳмад, Орият)

20. "Лақмалик, соддалик" кичик фразео – семантик гуруҳини ташкил этувчи ФБлар қуйидагича: *sitting duck; лақма одам; оғзидагини олдириб ўтирадиган; "оғзинг қани?" – деса, қулогини кўрсатадиган; атала полвон; Али десанг, Вали дейди*.

Gilbert was a brilliant, witty librettist, but the targets of his satire were apt to be *sitting ducks* – chinless, hereditary peers, for example, or masterful spinsters of uncertain age ("The Observer", Jan 21, 1962)

Унинг ўзи ҳеч балода йўқ. *"Оғзинг қани?" – деса, қулогини кўрсатадиган* бир йигит эди. (С. Абдуқаҳҳор, Ҳаётнинг бошланиши)

21. Инсон характерининг "бахиллик, қизғанчиқлик" жихатини акс эттирувчи кичик фразео – семантик гуруҳини ташкил этадиган ФБлар қатори қуйидагича: *cheapskate; феъли тор; кўзи тор*.

I don't give a damn for these *cheap skates* and cowards in the gallery (Th. Dreiser, "The Titan", ch. LXI).

Ўзлариям ўлгунча *кўзи тор*, зикна. (Ғ. Ғулом, Шум бола)

"Лекин аёлларнинг *феъли тор*. Кафанликка дока беришса ҳам, катта гап", - деди минғирлаб Ёрмат. (Ойбек, Қутлуғ қон)

22. “Бўрттириб гапирадиган” маъносини берувчи ФБлар қаторига ушбулар киритилди: *all one’s geese are swans*; *ҳасратидан чанг чиқадиган*.

Ишонмасангиз, ўғли Туроб билан гаплашинг, *ҳасратидан чанг чиқади*.  
(Х. Назир, Қуруқ ёғоч ҳам эгилади)

23. “Ғамгинлик, таъсирчанлик” маъносини берувчи ФБлар: *a sad dog; a lame dog; calamity howler; a man of feeling; make (pull) a pitiful (sad, sanctimonious) face; a face as long as a fiddle; сиркаси сув кўтармайдиган; кўнгли бўш; гап кўтармайдиган*.

There`s enough junk in this place as manuscripts of all the *lame dogs* you take a fancy to. (M. Dickens, “Thursday Afternoons”, ch. IX)

King Richard. Thanks, noble peer;

The cheapest of us is ten groats too dear.

What art thou? And how comest thou hither,

Where no man never comes, but that *sad dog*

That brings me food to make misfortune live? (W. Shakespeare, “King Richard II”, act V, sc. 5)

“Don`t you ever get tired listening to those *calamity howlers*?” Eddie asked  
(A. Saxton, “The Great Midland”, part II, 1927).

*Сиркаси сув кўтармайдиган*йигит чикди. (Мирмуҳсин, Жамила)

Жаҳлдан тушганингиздан кейин, яна юмшаб қоласиз, раис, *кўнглингиз бўш*. (Саид Аҳмад, Қадрдон далалар)

24. “Аҳмоқлик” маъносини берувчи ФБлар: *as mad as a hatter; old fogey; go to the ass; mental case; act the goat; эси наст; ақли калта*.

Proserpine: *Mad as a march hare*. He did not frighten me ... (B. Shaw, Candida, act 2)

I don`t know why you`ve asked me to come, Fleur. It`s *playing the goat* for no earthly reason (J. Galsworthy, “The White Monkey”, part I, ch. V).

Беш – ўнта эси наст ва нодонлар сўз қилади деб, буни бахтсиз қилмоқчимисизлар! (О. Ёқубов, Тилла узук)

25. “Виждонсизлик” маъносини берувчи ФБлар: *as crooked as a corkscrew* (or *as a dogs hind leg*).

1– жадвал

Инглиз ва ўзбек тилларида инсон характерининг салбий томонини билдирувчи фразеологик бирликларнинг ишлатилиш жиҳатдан семантик гуруҳланиши ва уларнинг миқдори

№	Характер	Фразеологик бирликлар	
		Инглиз тили	Ўзбек тили
1.	Қабихлик, разиллик	114	45
2.	Иккиюзламачилик, тилёғламалик, айёрлик	50	22
3.	Манмансираш, такаббурлик	45	17
4.	Қаттиққўллик, шавқатсизлик	37	12
5.	Дангасалик, бепарволик	23	12
6.	Эзмалик, майда гаплик	18	5
7.	Ҳиссизлик	18	3
8.	Жаҳлдорлик	17	8
9.	Қайсарлик	16	3
10.	Шошқалоқлик	10	2
11.	Ювошлик	18	2
12.	Жанжалкашлик	10	2
13.	Сотқинлик, иғвогарлик	8	4
14.	Сирлилик	8	4
15.	Ҳасадчи	7	1
16.	Уятсизлик, енгилтаклик, ахлоқсизлик	7	3
17.	Кўрқоқлик	5	2
18.	Кўполлик, бачканалик	4	1

19.	Мақтанчоқлик	2	2
20.	Лақмалик, соддалик	5	5
21.	Бахиллик, қизғанчиқлик	5	2
22.	Бўрттириб гапирадиган	4	1
23.	Ғамгинлик, таъсирчанлик	6	3
24.	Ахмоқлик	5	2
25.	Виждонсизлик	1	-
	Жами	443	163

Юқоридаги инсон характерининг салбий жиҳатини акс эттирувчи ФБларнинг ҳар бири тузилишига кўра моделларига эга. Таҳлилимиз натижаси ўлароқ ҳар бир ФБларнинг компонентлари сонига кўра структуравий моделларини кўриб чиқамиз. Биринчи гуруҳга икки компонентли ФБларни киритдик:

1) A + N таркибли инсон характерининг салбий томонини ифодаловчи ФБларга бир нечта мисоллар келтирамиз:

1. *A bad egg* – *шониб бўлмайдиган одам*
2. *A fair cow* – *ёлгончи, фирибгар*
3. *Yellow dog* – *қўрқоқ киши*
4. *Cold turkey* – *совуқ, ҳиссиз одам*
5. *A sly dog* - *айёр одам*

2) Инглиз тилидаги тўпланган мисоллар орасида as...asёки as конструкциясига эга қиёсий ФБлар ҳам учради:

1. *As nervous as a cat* – *жуда асабий*
2. *As cunning as a fox* - *тулкидай айёр*

3. *Stubborn as a mule* - ўжар, қайсар кабилар.

3) N<sub>1</sub> + N<sub>2</sub> структуравий моделига эга бир нечта мисолларни кўриб чиқамиз:

1. *Copy cat* - бўйсунувчи, итоаткор

2. *Cat's whiskers (cat's pajamas)* – ўзига оптиқча баҳо берувчи

3. *Balaam's ass*– ювош эркак (ушбу бирикма Библиянинг 22 -25 бўлимларидан олинган)

4) Gerund + N структуравий моделига эга икки компонентли ФБлар:

1. *A fighting cock* – жанжалкаш одам

2. *Sitting duck* – ландовур, лақма

3. *Hopping mad* – жуда жаҳлдор

5) V + N структуравий моделига эга икки компонентли ФБлар:

1. *Act (play) the goat , play the fool* - ўзини телбаларча тутмоқ

2. *play horse* - бекорчи иш билан шуғуланмоқ

б) кейинги N<sub>1</sub> + Prep + N<sub>2</sub> структуравий моделига эга ФБлар кўйидагича: *A cat in the pan* – сотқин

Ўзбек тилидаги инсон характерининг салбий томонини ифодаловчи ФБлар ҳам турли хил структуравий моделларга эга:

1) компонентлари A + N структураси билан ясалган икки компонентли ФБлар: *қаттиқ қўл, енгил табиат, майда гап* кабилар.

2) N + A структурасига эга ФБлар: *эси наст, кўзи тор, парвойи фалак* кабилар.



3)  $\underline{N_1} + \underline{N_2}$  структурасига эга ФБлар куйидагича, бунда биринчи от ўзидан кейин келган от учун аниқловчи вазифасини ўтайди: *тош юрак, аммамнинг бузоғи.*

4)  $\underline{N} + \underline{V}$  структуравий моделига эга ФБлар: *ҳаддидан ошмоқ, йўқни йўндирадиган, гап кўтармайди, гап чайнамоқ, гапга кўнмайди.*

5)  $\underline{N} + \underline{Adv}$  структурасига эга ФБлар: *зеҳни паст, дарди ичида, тенса тебранмас, назари паст* кабилар.

Инглиз тилидаги инсон характерининг салбий томонини билдирувчи ФБларнинг компонентлари уч компонентдан иборат бўлганларининг структуравий моделларини кўриб чиқамиз:

1)  $\underline{V} + \underline{A} + \underline{N}$ : *to beat a dead horse* – бекорчи иш билан шугулланмоқ; *to have a quick temper* – тез жаҳли чиқмоқ

2)  $\underline{N_1} + \underline{V} + \underline{N_2}$ : *curiosity killed the cat* – қизиқувчанлик мушукни ҳам ўлдиради.

3)  $\underline{N} + \underline{Pron} + \underline{N}$ : *a man (a person) of many words* – гапи кўп одам.

4)  $\underline{V} + \underline{Conj} + \underline{N}$ : *to soar like an eagle* – ўлжасига бургут каби ташланмоқ.

5)  $\underline{A} + \underline{N_1} + \underline{N_2}$ : *as hard as a goat's knees* – жуда бесўнақай

Ўзбек тилида уч компонентли инсон характерининг салбий томонини билдирувчи ФБлар куйидагича:

1)  $\underline{N_1} + \underline{N_2} + \underline{V}$ : *ҳасратидан чанг чиқадиган, илонни ёгини ялаган, паишадан фил ясайдиган, қамчисидан қон томадиган, кўнглида кек сақлайдиган.*

2)  $\underline{N} + \underline{Adv} + \underline{V}$ : *оёгини тираб оладиган, кўзини чирт юммоқ.*

3)  $\underline{N_1 + P + N_2}$ : *мулла минган эшак, учига чиққан муттаҳам, ўзини билган одам, худо урган ёлгончи.*

4)  $\underline{N_1 + P + V}$  : *оғзига келганини гапирди, оғзига келганини қайтармайди.*

5)  $\underline{\text{Pron} + N + V}$  : *ўзини тарозига солмоқ, ўзига бино қўйган, ўзини катта олмоқ, ўзини гўлликка солмоқ, ўзини четга олмоқ.*

Инглиз тилидаги инсон характерининг салбий томонини билдирувчи тўрт ва ундан ортиқ компонентли ФБларнинг структуравий моделлари куйидагича:

1)  $\underline{N_1 + \text{Prep} + N_2 + N_3}$  : *a wolf in sheep's clothing* – *кўринишидан яхшига ўхшайди, аммо аслида хавфли одам.*

2)  $\underline{V + A + N_1 + \text{Prep} + N_2}$  : *talk the hind leg off a donkey* – *кўп гапирадиган, эзма одам.*

3)  $\underline{V + N_1 + \text{Prep} + \text{Pron} + N_2}$ : *to head the lion in his den* – *душманга унинг ўзининг уйида хужум қилмоқ, айёр.*

4)  $\underline{V + \text{Prep} + \text{Pron} + V}$  : *cry before one is hurt* – *подадан олдин чанг чиқарадиган.*

Ўзбек тилидаги инсон характерининг салбий томонини билдирувчи кўп компонентли ФБлар куйидагича структуравий моделларга эга:

1)  $\underline{\text{Num}_1 + \text{Adv} + \text{Num}_2 + P}$  : *бир айтганини икки қилдирмайдиган.*

2)  $\underline{N_1 + V_1 + N_2 + V_2}$ : *оғзидан чиққанини ёқасига ёпиштирадиган.*

3)  $\underline{N_1 + N_2 + N_3 + P}$ : *қўй оғзидан чўп олмаган, бурнидан эшак қурти ёғиладиган.*

4)  $\underline{N_1 + N_2 + N_3 + V}$  : *гапига илон пўст ташлайди, бировнинг қош қовоғига қарамоқ.*

5) ... V (Subjunctive Mood) + N + P : дунёни сув босса тўтигига чиқмайдиган; “дўптисини ол” – деса, калласини оладиган; “гаҳ” деса, қўлга қўнадиган; отдан тушса ҳам, эгардан тушмайдиган; ерга урса, кўкка сапчийдиган; чумчуқ “пир” этса, юраги “шир” этадиган.

### 2.2.2. Инсон характерининг ижобий томонини ифдаловчи ФБ

Характер тушунчасини англаш мураккаб жараёндыр. Негаки инсон бутун борлиғича мисли кўрилмаган чексиз уммонга ўхшайди. Унинг характеридаги қирралари токи у ҳаёт экан, навбатма – навбат кашф этилаверади. Энди биз ушбу параграфда инсон характерининг ижобий томонларини очиб берувчи ФБларни кўриб чиқамиз.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, инсон характерининг ижобий томонини билдирувчи ФБлар миқдори инсон характерининг салбий жиҳатини акс эттирувчи ФБлар миқдorigа нисбатан камчиликни ташкил қилди. Инглиз тилида улар 220 тани ва ўзбек тилида 99 тани ташкил қилди.

1. Нисбатан кўпроқ ФБларни ўз ичига жамлаган “оғир – вазминлик, босиқлик” маъносини берувчи кичик фразео – семантик гуруҳ таркиби кўйидагича: *possess one`s soul; keep one`s balance; man of nerve; carry it off; bat an eyelid; not to bat an eyelid; keep (observe) measure (measures); put a good face on smth; in one`s sober senses; as sober as a judge; recover (regain) one`s temper; control (keep) one`s temper; mental ballast; a cool head; have one`s brain on ice; as cool as cucumber; a dumb dog; оғир одам; оғир – вазмин одам; феъли кенг; узоқни кўрадиган одам; юраги кенг (дарё) одам.*

*Don`t get excited; keep your balance.* (А.В. Кунин, Англо – русский фразеологический словарь, 61 б.)

*It was too late to mend the matter, or put any face upon it but the best* (Ch. Dickens, “Martin Chuzzlewit”, ch. XXII).

*Though it was his first great venture, he was now as cool as cucumber* (Th. Dreiser, “The Financier”, ch. III).

*For once Red had kept his temper; he talked fairly quietly to Jarvis, telling him the Lodge intended to enforce its seniority rules* (A. Saxton, “The Great Midland”, 1941).

Proteus. If his Majesty wants a Cabinet of *dumb dogs* he will not get it from my party. (B. Shaw, “The Apple Cart”, act I)

Аввал ўзи бир нарсани тусмоллаб сўрайди-да, кейин уқтирадию *фёели кенг*, дилкаш одам экан. (П. Турсун, Ўқитувчи)

2. Навбатдаги гуруҳни “жасурлик, мардлик, кучлилик” маъносини берувчи ФБлар ташкил қилади: *take smth well; take it on the chin; fear no colors; high blood; be free of one`s flesh; to beard the lion in his den; die game; grasp the nettle; a heart of oak; a man of courage; a man of decision; a man of his hands; young blood; a strong man; a man`s man; ўлимга тик боқиш; зуваласи пишиқ; забти зўр одам; суюги қотган; балодан ҳам қўрқмайдиган; тегирмонга тушса бутун чиқади.*

...and never could your *high blood* have been found out at a more called – for moment (Th. Hardy, “Tess of the D`Urbervilles”, ch. V).

Here was Cowperwood *bearding the lion in his den*, dictating terms to the principal financial figures of the city. (Th. Dreiser, “The Titan”, ch. L)

“We`ll see us *die game*, I hope”, said Sir Lawrence with with sudden gravity (J. Galsworthy, “The White Monkey”, part III, ch. XII).

She was puzzled by Isabel. She could not make up her mind whether she was carefree as she seemed or whether, hurt, angry or heartsick, she *was putting on a bold front* to conceal her wounded feelings. (W. Maugham)

“...Perhaps you`ll tell me what it is you want”.

“Advice”.

“...There`s only one thing you can do and that is *to make the best of a bad job*”(W. Maugham ).

Каримжон *тегирмонга тушса, бутун чиқадиган* йигит эди. (Саид Аҳмад, Кутиш тараддуди)

3. Кейинги фразео- семантик гуруҳига “самимийлик, кўнгли очиқлик” маъносини берувчи ФБларни киритдик: *not to mince (without mincing) matters (one`s words, not to mince the matter, without mincing the matter); not to put too fine a point (an edge) upon it; tell smb. his own; single heart (mind); have too much tongue; as open as the day; plain dealer; act on the square; babes in the wood; as chaste as ice; plain dealer; очиқ кўнгул; қалби пок; оқ кўнгул.*

She spoke in a decided voice, and did *not mince her words* (J. Galsworthy, “The Country House”, part I, ch. I).

She was mistress of her face and movements, as she had never been when she and John were *babes in the wood* (J. Galsworthy, “Swan Song”, part I, ch. VIII).

...You guessed before that I was tortured by the desire to make a clean breast of it... (W. Maugham)

У камбағал бир оилада туғилиб ўсган, *очиқ кўнгул* бир ўсмир бўлиб, Холмуроддан тўрт ёшгина кичик эди. (П. Турсун, Ўқитувчи)

У ўзи *оқ кўнгул* бўлгани учун, ошнасини ёмонлагиси келмасидан шундай деяптими ё Қосимовдан манфаатдор бўлгани учун уни оқладими? (О. Ёкубов, Ота изидан)

4. “Халоллик, виждонлилик, тўғрилиқ” маъносини берувчи, инсон характерининг ижобий томонини билдирувчи ФБлар гуруҳи қуйидагича: *play a straight bat; treat smb white; (as) straight as a die; as honest a man as ever broke bread (as ever lived by bread; as honest a man as ever trod on earth, shoe leather; as honest as the skin between his brows); Daniel come to judgement; a man of honour; the clean thing; clean hands; straight goods; straight dealing; keep on the course; come from the shoulder; good men and true; соф дил.*

“Tom”, she said sternly. “You got no right to cause me pain”.

“You ain’t *playin` fair*”, he said (J. Steinbeck). “Its England versus England, that`s all. *Fair play* all round...” (Modern English Short Stories).

The boys... *straight as a die*. What he says you can rely on (J. Galsworthy, “Maid in Waiting”, ch. I).

У тезак тутаган ўчоқ атрофида мунгли қорақалпоқ куйига тебраниб ўтирган *соф кўнгилли* содда одамларни эслади. (А. мухтор, Қорақалпоқ қиссаси)

5. Навбатдаги кичик фразео – семантик гуруҳига “меҳнатсеварлик” маъносини берувчи ФБларни киритдик: *a willing horse; (as) busy as a bee (busy as a beehive; as a beaver; as a hen with one chicken; амер. busy as as a cockroach on a hot stove, as a one – armed paperhanger); have one`s heart in one`s work; be a devil to work; work one`s head off; put some ginger into; work double tides; work at high pressure; work like a horse (like a navvy, nigger, slave, galley slave); work up to the collar; take off one`s coat; чумолидек меҳнаткаш; йўқни йўндирадиган; тиним билмайдиган одам.*

She had no sooner done this, than off she was again; and there she stood once more, *as brisk and busy as a bee...* (Ch. Dickens, “Martin Chuzzlewit”, ch. XXXIX)

They tell me he works *like a nigger*, but I see no good coming of it (J. Galsworthy, “The Man of Property”, part II, ch. II).

6. “Ғайратли, чаққон” маъносини берувчи ФБлар гуруҳи таркиби: *as agile as monkey; as playful as a kitten; eager beaver; full of beans; live wire; on the ball; a man of action; go it boots; get up and get; draw the bow up the ear; move heaven and earth; make things hum; hammer and tongs; тоғни уриб талқон қиладиган; оёқ –қўлли одам; ҳолвачининг тешасидан чаққон; сув келса шимириб, тош келса кемирадиган* каби фразеологик бирликлардан иборат.

“I believe if you once made up your mind to do a thing, you would do it, no matter how hard it was, wouldn't you?” “Well, I'd – I'd *make things hum*, I guess”, he admitted (F. Norris, “The Pit”, ch. VI).

He tired easily now. No longer could he do a fist twenty rounds, *hammer and tongs*, fight, fight, fight, from gong to gong... (J. London, “A Piece of Steak”).

I *moved heaven and earth* to get him out of town and did not succeed... (M. Twain, “Pudd'nhead Wilson”, ch. VIII).

7. Навбатдаги кичик фразео – семантик гуруҳ таркибини “эркинлик, мустақиллик” маъносини берувчи ФБлар ташкил қилади: *go it alone; hoe one`s (one`s own) row; stand on one`s own bottom; a self – made man; do for oneself; be fond of one`s own way; go on one`s own hooks; paddle one`s own canoe; go (take) one`s own way (take one`s way); ўз – ўзига бек; ўз билганини қиладиган.*

Why don't you let the girl alone? ... You take my advice, and let her *paddle her own canoe* (F. Norris, “The Pit”, ch. V).

They did not even pretend to like the lad, and their generosity towards him showed itself chiefly in providing him with lavish supplies of pocket money and allowing him to *go his own way* (E. Voynich, “The Gadfly”, part I, ch. II).

She was a little woman... but chiefly noticeable was a singular determination of manner, a shrewishness about the mouth, which suggested that if she did not *get her own way* someone would suffer (W. Maugham).

8. “Меҳрибонлик” маъносини берувчи ФБлар қатори куйидагича: *the milk of human kindness; nice as pie; good man; кўнгли юмшоқ; меҳри дарё; меҳри иссиқ одам.*

Sellers said privately that Rossmore was the most extraordinary character he had ever met – a man just made out of the condensed *milk of human kindness*... (M. Twain, “The American Claimant”, ch. XXV).

Then they brought my clothes. Every – one was just *as nice as pie*. (E. S. Gardner, “The Case of the Grinning Gorilla”, ch. II)



9. “Кувноклик, хушчақчаклик”ни ифодаловчи ФБлар: *gay (jolly) dog; sad dog; a man of glee; gay (lively) bird; like a dog with two tails; бир зануриб ўн кулади; оғзи қулоғида.*

My father suggested, feeling a very *gay dog*, that we should celebrate the legacy. (C. P. Snow, “Time of Hope”, ch. VII)

It’s my belief he was up to some game or other, Whatever it was, he was *like a dog with two tails* about it. (D. L. Sayers, “Have His Carcase”, ch. 7)

10. “Хушмуомалалик” маъносини ифодаловчи ФБлар гуруҳи куйидагича: *mild as milk, оғзидан бол томадиган; тили ширин.*

Who is this fellow Chichester, I wonder. He looks *mild as milk*. But looks are deceptive. (A. Christie, The Man in the Brown Suit, ch. 11)

Илгари билмаганини ўргатар, кўрсатар эди. Сўзлаганда *оғзидан бол томар*, юзларидан табассум сўнмас эди. (С. Анорбоев, Оқсой)

11. Навбатдаги кичик фразео – семантик гуруҳига “ақллилик” маъносини берувчи ФБлар киритилди: *all there; have all one’s buttons (on); clever dog; a man of ideas; эси бор; мияси бор; мияси бутун; зеҳни ўтқир.*

“He is *a clever dog*, isn’t he?” “Very clever” admitted the other. (U. Sinclair, The Moneychangers, ch.8)

I wish I knew that happened on his trip; he’s not *all there* (S. Heym, “The Crusaders”, book IV, ch. 9).

Бизникидай катта даргоҳдан киз олиш ҳар кимга ҳам насиб бўлавермайди. Ўша йигитнинг ҳам *эси бордир*. (С. Зуннунова, Кўнгил)

12. “Ростгўйлик, ҳаққонийлик” маъносини ифодаловчи ФБлар қатори куйидагиларни ташкил қилади: *honest (old) Abe; straight goods; man of confidence; call a spade a spade; a white man; тўғри сўзли.*

“Sit down and tell me about your sister and Jon. Is it a marriage of true minds?” “... It certainly is. Young Jon is a pretty *white man*...” (J. Galsworthy, “The Silver Spoon”, part I, ch. I)

They were a little frightened at this... young fellow, and the swing and smash of his words, and his dreadful trait of *calling a spade a spade*. (J.London, The Iron Heel, ch. 8)

13. Инсон характерининг “бамаъни, жиддийлик” томонини акс эттирадиган ФБлар: *(as) sober as a judge; (as) good as pie; (as) good as gold; (as) good as wheat; чехраси очиқ (очиқ чехрали); юзидан нур ёзиладиган.*

Pip was *as good as gold* until she undetermined him... (H. Wells, “The Research Magnificent”, ch. V).

Қирқ беш ёшлар чамасидаги, *очиқ чехрали* Зеби хола каттакон саватни бошига қўйиб, кашқа сигирни етаклаб келиб қолди. (Х. Назир, Кўкорол чироқлари)

14. “Бир сўзли” маъносини берувчи ФБлар: *a man of his word; лафзида турадиган; ваъдасини бажарадиган; лафзи ҳалол.*

I'm *a man of my word*; and what I say, I do. (J. Galsworthy, “Caravan”, “a Stoic”)

Кеча борганимда яна пишитдим. Холмат Юнусович *лафзида турадиган* одам. (А. Мухтор, Туғилиш)

15. “Содиклик, фидойлик” маъноларини берувчи ФБлар : *in character (with); good man; to keep the bird in one's bosom; оғзига маҳкам.*

The one thing I like about Colin is that he's always *in character* (J. Lindsay, “Betrayed Spring”, ch. I).

16. “Чидамлилик, бардошлилик” маъноларини берувчи ФБлар: *swamp angel; a cat has nine lives; a tough customer; a man of iron; control (keep) one's temper; жони қаттиқ; бели бақувват; зуваласи пишиқ; жони сабил.*

One of the most striking differences between a cat and a lie is that *a cat has only nine lives* (M. Twain, “Pudd`nhead Wilson”, ch. VII).

“How is she, doc?” “She's better”, the doctor said. “Your mother is *a tough customer*, no doubt of it” (D. Carter, “Tomorrow Is with Us”, ch. IX).

For once Red had *kept his temper*; he talked fairly quietly to Jarvis, telling him the lodge intended to enforce its seniority rules (A. Saxton, “The Great Midland”, 1941).

17. “Киришимли, дилкаш, севимли” маъноларини берувчи ФБлар: *sugar baby; a social butterfly; одамжон киши.*

You have done nothing but trail me round on the last three trips, asking surprisingly intelligent questions for *a social butterfly*. I’ll admit... (D. Cusack, Picnic races, ch.6)

18. “Камтарлик, соддалик” маъноларини берувчи ФБлар: *a man of Gotham; a man in the street (амер. the man in the cars); содда дил.*

That representative of public opinion whom Americans call “*the man in the cars...*” (J. Bryce, “The American Commonwealth”, vol. II, part IV, ch. LXXVI).

*Содда дил* овчининг ёлфон сўзлашга тили бормади. (Ш. Тошматов, Эрк куши)

19. “Кўнгилчанлик, юмшоқлик” маъноларини берувчи ФБлар: *come up to the bit; пашишага ҳам озор бермайдиган; қўй оғзидан чўп олмаган; тили – жағи йўқ; юмшоқ кўнгил; қўйдек юввош.*

He’ll *come up to the bit* if you are insistent enough. (А.В.Кунин, Инглизча – русча фразеологик луғати, 85 б.)

“Назаримда, кадам олиши, турки таровати Назиркулга ўхшайди”. – “Йўғ – е! *Қўй оғзидан чўп олмаган* бола- я! Янглишаётгандирсиз”. (Саид Аҳмад, Хукм)

20. “Аниқлик, ишни ўз вақтида бажарадиган” маъноларини берувчи ФБлар: *like clock - work; on the dot; like a clock; ишни ўз вақтида бажарадиган одам.*

He... manages my whole farm *like a clock* (H. Stowe, “Uncle Tom’s Cabin”, ch. II).

They must... show up promptly – *on the dot* – and in good condition for the work every day (Th. Dreiser , “An American Tragedy”, book I, ch. V).

21. “Тоза, саранжомлик” маъноларини берувчи ФБлар: *clean as a pin; саранжом – саришта*.

To me he was unweariedly kind and always glad to see me in the galley, which he kept *as clean, as a new pin*... (R. Stevenson, “Treasure Island”, ch. X).

2- жадвал

№	Характер	Фразеологик бирликлар	
		Инглиз тили	Ўзбек тили
1.	Оғир – вазминлик, босиқлик	23	10
2.	Жасурлик, мардлик, кучлилиқ	21	9
3.	Самимийлик, кўнгли очиқлик	23	17
4.	Тўғрилиқ, виждонлилиқ, ҳалоллик	23	14
5.	Меҳнатсеварлик	15	6
6.	Ғайратли, чакқон	15	5
7.	Эркинлик, мустақиллик	10	7
8.	Меҳрибонлик	19	3
9.	Қувноқлик, хушчақчақлик	19	2
10.	Хушмуомалалиқ	15	2
11.	Ақллиқ	10	4
12.	Ростгўйлик, ҳаққонийлик	5	2
13.	Бамаъни, жиддийлик	4	2
14.	Бир сўзли	1	3
15.	Содиқлик, фидоийлик	3	1
16.	Чидамлилиқ, бардошлиқ	5	4
17.	Киришимли, дилкаш, севимли	2	1
18.	Камтарлик, соддалиқ	2	1
19.	Кўнгилчанлик, юмшоқлик	1	5

20.	Аниқлик, ишни ўз вақтида бажарадиган	3	1
21.	Тоза, саранжомлик	1	1
	Жами	220	99

Юқоридаги инсон характерининг ижобий томонини билдирувчи ФБларнинг ҳар бирининг ўз модели бор. Таҳлилимиз натижаси ўлароқ ҳар бир ФБларнинг компонентлари сонига кўра структуравий моделларини кўриб чиқамиз. Биринчи гуруҳга икки компонентли ФБларни киритдик:

1) A + N таркибли инсон характерининг ижобий томонини ифодаловчи ФБларга бир нечта мисоллар келтирамиз:

1. *Clever dog* - ақлли, топқир
2. *Live wire* – зайратли киши
3. *Gay (jolly) dog* – хушчақчақ одам
4. *A white man* – ҳақиқатгўй киши
5. *Honest Abe* – ҳаққоний одам

2) Инглиз тилидаги тўпланган мисоллар орасида as...as ёки as конструкциясига эга қиёсий ФБлар ҳам учради:

1. *Nice as pie* – меҳрибон, самимий
2. *Mild as milk* – хушмуомала, босиқ
3. *As nice as pie* – меҳрибон
4. *as playful as a kitten* – зайратли, чаққон

3) N<sub>1</sub> + N<sub>2</sub> структуравий моделига эга бир нечта мисолларни кўриб чиқамиз:

1. *Sugar baby* – севимли

2. *Shoe leather* – ҳалол, виждонли

3. *Hammer and tongs* - ғайратли, чаққон

4) Gerund + N структуравий моделига эга икки компонентли ФБлар: *a willing horse* - меҳнатсевар киши.

5) V + N структуравий моделига эга икки компонентли ФБлар: *control (keep) one`s temper; move heaven and earth; treat smb white*.

6) кейинги N<sub>1</sub> + Prep + N<sub>2</sub> структуравий моделига эга ФБлар куйидагича: *a man in the street* (амер. *the man in the cars*) – содда дил.

Ўзбек тилидаги инсон характерининг ижобий томонини ифодаловчи ФБлар ҳам турли хил структуравий моделларга эга:

1) компонентлари A + N структуравий модели билан ясалган икки компонентли ФБлар: *оқ кўнгил – яхши ниятли бошқаларга ёмонликни раво кўрмайдиган; очиқ кўнгил – самимий, ғайирликни билмайдиган; соф дил – виждонли; ширин сўз*.

2) N + A структурасига эга ФБлар: *кўнгли кенг – олийҳиммат, саҳоватли; кўнгли тоза – яхши ниятли бошқаларга ёмонликни раво кўрмайдиган; юраги кенг – оғир вазмин*.

3) N + Adv структурасига эга ФБлар: *мяси жойида – қиладиган ишини билиб қиладиган*.

Инглиз тилидаги инсон характерининг ижобий томонини билдирувчи ФБларнинг компонентлари уч компонентдан иборат бўлганларининг структуравий моделларини кўриб чиқамиз:

1) V + A + N: *work at high pressure* – куч билан ишламоқ; *to be top dog* – энг кучли киши бўлиш.

2) N<sub>1</sub> + Pron + N<sub>2</sub> : *a man of his words – бир сўзли одам; a man of his hands – меҳнаткаш киши.*

Ўзбек тилида уч компонентли инсон характерининг ижобий томонини билдирувчи ФБлар қуйидагича:

1) N<sub>1</sub> + N<sub>2</sub> + V : *пашиага ҳам озор бермайдиган – беозор, мўмин; юзидан нур ёғиладиган – ўта самимий, хушфеъл.*

2) N + Adv + V : *ўлимга тик боқадиган – мард, қўрқмас.*

3) N<sub>1</sub> + P + N<sub>2</sub> : *тиним билмайдиган одам - меҳнаткаш; узоқни кўрадиган одам - бирор ишни пухта ўйлаб қиладиган .*

4) Pron + N + V : *ўз билганини қиладиган – ўзи мустақил иш бажарадиган.*

5) N<sub>1</sub> + N<sub>2</sub> + P: *ҳолвачининг тешасидан чаққон – жуда чаққон.*

Инглиз тилидаги инсон характерининг ижобий томонини билдирувчи тўрт ва ундан ортиқ компонентли ФБларнинг структуравий моделлари қуйидагича:

1) V + N<sub>1</sub> + N<sub>2</sub> + P I: *to know the way the cat is jumping – ишнинг кўзини биладиган.*

2) N + Prep + Pron + N : *a man of his word – бир сўзли одам.*

3) Conj + N<sub>1</sub> + Prep + Num + N<sub>2</sub> : *like a dog with two tails – жуда хушчақчақ, мамнун.*

4) V + N<sub>1</sub> + Prep + Pron + N<sub>2</sub> : *to keep the bird in one's bosom – содиқлик; фидоийлик.*

Кўп компонентли инсон характерига доир ФБлар ўзбек тилида жуда ҳам кўп структуравий кўринишга эга. Қуйидаги структуравий моделлар асосида кўплаб ФБлар ясалган:

1) Num<sub>1</sub> + Adv + Num<sub>2</sub> + P: *етти ўлчаб бир кесадиган – ниҳоятда эҳтиёткорлик билан (тадбир билан) иш қилувчи; бир гапириб ўн куладиган – жуда хушчақчақ.*

2) N<sub>1</sub> + N<sub>2</sub> + N<sub>3</sub> + P : *қўй оғзидан чўп олмаган – жуда ювош, беозор.*

3) N + V + Adv + V : *тегирмонга тушса бутун чиқади – жони сабил, чидамли.*



### 2.2.3. Инсон характериға нейтрал баҳо берувчи ФБ

Биз ушбу параграфда инсон характериға нейтрал баҳо берувчи ФБларни жамладик. Улар сон жиҳатдан камчиликни ташкил қилди. Нейтрал маъно баъзан ижобий характери ва баъзан эса салбий характери ифодалаш билан ажралиб туради. Инсон характериға нейтрал баҳо берувчи ФБлар воқеяликка ёндашувга қараб аниқланади. Нейтрал баҳо берувчи ФБлар таққосланаётган тилларда ушбу учта гуруҳ ичида энг кам миқдорни ташкил этди. Ушбу гуруҳга кирувчи ФБлар инглиз тилида 48 та ФБлар ва ўзбек тилида эса 34та ФБлар аниқланди.

Ушбу гуруҳга кирувчи ФБларни уч турга ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчи турдаги ФБ маълум характернинг қандай эканлигини аниқ кўрсатмайди. Мисол учун инглиз тилидаги *Dr. Jekyll and Mr. Hyde* – фразеологик бирлиги инсоннинг икки хил томонини гавдалантиради – характернинг ижобий ва салбий жиҳатини *яхшилик ва ёмонлик*ни ифодалайди. Масалан, ўзбек тилидаги “*қаттиқ қўл*” ибораси айнан шу гуруҳга мансуб бўлиб, икки хил, яъни инсон характерининг ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатини акс эттиради.

“Вера Павловна... камтар, очик кўнгил, шу билан бирга *қаттиқ қўл* устоз эди”. (С. Назар, Яшил бойлик)

“*A doubting Thomas*” бирлиги одатда ҳар нарсага ишонавермайдиган, исботланган нарсаларга ишонадиган ёки фақатгина кўрганига ишонадиган инсонларга нисбатан қўлланилиб, бу ҳам ҳам салбий, ҳам ижобий маънода вазиятдан келиб чиққан ҳолда талқин қилинади.

“He was neither very happy nor very unhappy- *a doubting Thomas* without faith or hope in humanity, and without any particular affection for anybody”. (Th. Dreiser, *The Titan*, ch. 8)

Иккинчи тур ФБлар, контекстга боғлиқ бўлмаган нейтралликни ифодалайди, масалан: *easy game (prey; амер. easy meat)*- ишонувчан инсон; *smell of the baby* – болаларча характерли бўлмоқ; *not to be out of swaddling-clothes*–ўзини боладай тутиш. Яна ушбу гуруҳга қуйидаги фразеологик бирликларни киритиш мумкин: *give pap with a hatchet* –ёмон харакати билан яхшилик қилиш (бир вақтнинг ўзида ҳам ижобий, ҳам салбий маънони, нейтралликни ифодалаган) ва *wash the milk off one`s liver* –ўзининг кўрқоқлигига чидамоқ.

Учинчи турдаги ФБлар маълум контекстдаги ижобий ва салбий маънонинг ўзгача томонини кўрсатиб беради. Масалан: *тишини тишига қўймоқ; rough diamond* – ўзи қўпол, аммо яхши характерли одам.

Yes, I like him. I suppose a journalist would say he is *a rough diamond*. He`s downright, even rude from our standards, but genuine. And there is a real sensibility under his mannerisms. (R. Aldington, All men are Enemies, part 1, ch. 7)

Қуйида инсон характерига нейрал баҳо берувчи ФБларни кичик семантик гуруҳларга ажратган ҳолда кўриб чиқамиз.

1. “Эҳтиёткорлик” маъносини берувчи ФБлар: *have all one`s eyes about one; understand trap; feel one`s way; old bird; bear a brain; keep one`s tongue between one`s teeth; be choice of one`s company; look out for squalls; watch one`s step; mind one`s P`s and Q`s; fly low; go slow; mind one`s eye; keep (remain, stay) in the background; tread lightly; sit on the fence (hedge)(амер. set on the rail); keep smb`s own breath to cool smb`s own porridge; wide awake; тишига тишиқ; ичидан тишган; тилини тиймоқ; тишини тишига қўймоқ; орқа – олдини ўйламоқ.*

You had to watch your step, guard your tongue, be everybody`s friend. And lording it over the whole thing: Archer lytell, dropping little hints, pouring bits of

oil on the fire – mighty, unapproachable, and holding the whip of tenure (ҚРИИРФЛ).

Hold your peace, sir... and keep your own breath to cool your own porridge (ИРФС).

2. “Қалтис иш қилмоқ” маъносини берувчи ФБлар: *sail close to (near) the wind; stand to lose; risk one`s head (life, neck); play with fire; jest (play) with edge – tools; go the vole; throw at all; put all the eggs in one basket; bell the cat; bet one`s bottom (last dollar) on smth; take the bear by the tooth; throw the great cast; олов билан ўйнашмоқ; ўлим билан ўйнашмоқ.*

In the organization of the Hyde Park Company Cow-perwood, because he never cared *to put all his eggs in one basket*, decided to secure a second lawyer and a second dummy president (ИРФС).

... And cholera: I should be frightened out of my wits. It`s just *asking for trouble* (W. Maugham )

3-жадвал

№	Характер	Фразеологик бирликлар	
		Инглиз тили	Ўзбек тили
1.	Эҳтиёткорлик	17	7
2.	Қалтис иш қилмоқ	12	11
3.	Журъатсизлик, тортинчоқлик	7	3
4.	Ишонувчанлик	3	7
5.	Ювошлик, беозорлик	3	4
6.	Сабр-тоқатли	2	1
7.	Ҳаддан ортиқ жиддийлик	1	1
8.	Кўнгилчанлик	2	-
9.	Бепарволик, беғамлик	1	-
	Жами:	48	34

Юқоридаги инсон характериға нейтрал баҳо берувчи, яъни ҳам ижобий ҳам салбий маънодаги ФБлар ҳам тузилиши жиҳатидан моделларига эга. Таҳлилимиз натижаси шуни кўрсатадики, ушбу гуруҳ таркибига кирувчи ФБлармиқдор жиҳатдан юқоридаги иккита гуруҳга нисбатан сезиларли даражада камчиликни ташкил этди. Шунинг учун биз юқорида берган мисолларимизнинг структуравий моделларини келтириб ўтамыз.

1) Эҳтиёткорликка оид мисолларнинг структуравий моделлари қуйидагича:

1. V + Pron + N: *feel one`s way*;

2. A + N: *old bird*;

3. V + Pron<sub>1</sub> + N<sub>1</sub> + Prep + Pron<sub>2</sub> + N<sub>2</sub>: *keep one`s tongue between one`s teeth*;

4. V + Adv: *fly low*; *go slow*;

Энди ўзбек тилидаги мисолларни кўриб чиқамиз:

1. N + A: *ишига тишиқ*; *ичидан тишган*;

2. N + V: *тилини тиймоқ*;

3. N1 + N2 + V: *тишини тишига қўймоқ*; *орқа – олдини ўйламоқ*.

2) Қалтис иш қиладиган маъносини берувчи ФБларнинг структуравий моделлари қуйидагича:

1. V + A + Prep + N: *sail close to (near) the wind*;

2. V + Pron + N: *risk one`s head (life, neck)*;

3. V + Prep + N: *play with fire*;

4. V + Pron + N + Prep + Num + N: *put all the eggs in one basket*;

5. V + N1 + Prep + N2: *take the bear by the tooth*;

Ўзбек тилидаги мисолларнинг моделлари қуйидагича:

1. N + Conj + V: *олов билан ўйнашмоқ; ўлим билан ўйнашмоқ.*

Булардан ташқари яна бир нечта мисолларнинг структуравий моделларини келтириб ўтамиз.

Масалан: *gerund + noun*: “*A doubting Thomas*” – ишонтириш қийин бўлган киши;

He was neither very happy nor very unhappy- *a doubting Thomas* without faith or hope in humanity, and without any particular affection for anybody. (Th. Dreiser, *The Titan*, ch. 8)

A + N: *easy game (prey; амер. easy meat)*- ишонувчан инсон;

V + N<sub>1</sub> + Prep + Pron + N<sub>2</sub>: *wash the milk off one`s liver* –ўзининг кўрқоқлигига чидамоқ кабилар.

Инсон характериға нейтрал баҳо берувчи ФБлар юқорида таъкидлаганимиздек, инсоннинг ҳам ижобий жиҳатини ҳам салбий жиҳатини ифода этади.

### 2.3. Инсон ташқи кўринишини билдирувчи ФБларнинг семантик хусусиятлари

Инсон ташқи кўринишини таърифлаш тушунчаси, луғатларда инсон характериға нисбатан берилган изоҳлардан биров қийинроқ. Чунки ташқи кўриниш ҳам инсон ички оламини ифода этади ва айнан ташқи кўриниш орқали кишилар ҳақидаги илк тассуротимизни олишимиз мумкин бўлади. ташқи кўриниш ҳам инсоннинг характери каби муҳим ҳисобланади. Қуйида биз ташқи кўриниш тушунчасига келтирилган бир нечта изоҳларни кўриб чиқамиз.

Хусусан “Macmillan Essential Dictionary”да ташқи кўриниш шундай таърифланган:

Appearance – (noun) the way that someone or something looks – кимнингдир ёки ниманингдир кўриниш усули (муаллиф таржимаси). (Macmillan Essential Dictionary, 2003)

“LONGMAN Dictionary of Contemporary English 5<sup>th</sup> Edition” да “the way someone or something looks to other people” – кимнингдир ёки ниманингдир бошқа инсонларға кўриниши усулидир” (муаллиф таржимаси) деб таъриф берилган. (LONGMAN Dictionary of Contemporary English Fifth edition, 2009) Бундан билишимиз мумкинки, ташқи кўриниш – бу кишиларнинг ташқи қиёфаси, ўзини тутиши, ҳатти-ҳаракатлари бўлибгина қолмасдан атрофдагиларға ўзини намоён қилиш усули ҳамдир.

Биз ушбу праграфда инсон ташқи кўринишини билдирувчи ФБларни жамладик ва уларнинг сони инглиз тилида 122 тани, ўзбек тилида эса 42 тани ташкил этди. Характердан фарқли ўлароқ ташқи кўринишни ифодаловчи ФБлар миқдор жиҳатдан анча камчиликни ташкил этди.

1. “Ташқи кўриниш”ни умумий ифодаловчи ФБлар нисбатан кўпчиликни ташкил қилди: *be not (nothing) much to look at; the outer man; a glamour girl; a freak of nature; (as) fair as a lily (as a rose); eye appeal; look like a million dollars; face only a mother could love; face like a bulldog chewing a*

*wasp; оқ билагойим; табиий чиройли; онаси ўлмаган, қаймоқдай оппоқ; чумоли бел; қўнғироқ соч.*

... She`s a young actress I know. She`s *as pretty as a picture* (W. Maugham).

“He`s *nothing to look at*”, he said (A.Christie).

“Is she *easy on the eye!*” The lieutenant clicked his tongue admiringly. “She sure is”, drawled the young airman, “and sweet as they come” (A. V. Kunin, English Russian Phraseological Dictionary).

You know that I mean. You *look like a million dollars* (A. Saxton, “The Great Midland”, part I, ch. I).

2. “Юз бичими”ни ифодаловчи ФБларнинг семантик гуруҳи куйидагича: *a set of features; (as) big as saucers; a dead pan; aquiline nose; like a full moon; ripe lips; lantern jaws; Cupids bow; mutton – chop whiskers; a beauty spot; Newgate frill (fringe); қирғий бурун; бўта кўз; гунча лаб; ой юзли; бодом қовоқ; қуралай кўз; гул ёноқ; шоп мўйлов; эчки соқол.*

It`s a real pleasure to see your braw, handsome face again, although it has turned as *yellow as a guinea* (A. Cronin).

What is that to me, her *pudding face* said, whether you are Mrs. Bickford, or whether you have a granddaughter called Ellen?(A. V. Kunin, English Russian Phraseological Dictionary).

3. “Инсоннинг жисмоний ҳолати натижасидаги юз қиёфаси” маъносини берувчи галдаги семантик гуруҳ таркибига кирувчи ФБлар куйидагича: *gain colour; have roses in one`s cheeks; be (look) white about (амер. around) the gills; be (look) rosy about (амер. around) the gills; off colour; pale and wan; (as) pale as a ghost (as ashes or as death); ранги ўчган; рангпар юз; докадай оқарган юз.*

The girl`s name was Peg. Her cheeks were *as red as cherries*... (A. Cronin).

He liked Lucy Moore, in his own way. “She`s *fresh as a daisy*”, he often thought, “and a regular smarter” (A. V. Kunin, English Russian Phraseological Dictionary).

Presently Montanelli rose and came back, with lips *as pale as ashes* (E. voynich, “The Gadfly”, part III, ch. VI).

4. ФБларнинг қизиқ томони шуки, уларнинг, айниқса, шакллар орқали тавсиф қилинишидир: *(as) graceful as a swan; (as) lithe as a panther; a sweater girl(амер.); (as) bandy as a bandicoot (австрал.)*.

Инглиз ва ўзбек тилларида шундай ФБлар тананинг алоҳида қисмларини ифодалайи: *bunch of fives* - панжа; *the ten commandments* – оёқнинг ўнта бармоқлари; *the lower (nether) man* - оёқ; *red lane* – бўғизкабилар.

5. “Қоматнинг баландлиги”ни тавсифловчи ФБлар: *(as) tall as a maypole ((as) a steeple); all legs (and wings); a long drink of water; (as) long as one`s arm; ингичка ичакдек узун*.

Smallbones..came shambling, *all legs and wings*, up the hatchway... (Fr. Maryat, “The Dog Friend”, ch. X)

“What *a long drink of water* you`ve turned into,” Terence said slowly. (A. J. Cronin, “A Song of Sixpence”, ch. XXIV)

He woke in the morning so unrefreshed and strengthless that he sent for the doctor. After sounding him the fellow pulled a face *as long as your arm*, and ordered him to stay in bed and give up smoking. (J. Galsworthy, “Indian Summer of a Forsyte”, ch. V)

6. “Қоматнинг пастлиги”ни ифодаловчи ФБлар: *Jack Sprat*- ушбу ФБ “пак-пакана”, “одатдагидан паст бўйли киши” каби семантик маъноларни ифодалайдига ушбу ФБ болалар шеърлятида шундай ифодаланган:

Jack Sprat could eat no fat

His wife could eat no lean;

And so it was, between them both,



They licked the platter clean.

7. “Семиз киши”ни ифодалайдиган ФБлар: (*as*) *plump as a partridge*; *run to fat*; *a Norfolk dumpling*; (*as*) *fat as butter*; (*as*) *round as a ball*; *Billy Bunter*; *broad in the beam*; (*as*) *round as a barrel*; (*as*) *fat as an alderman*; (*as*) *fat as a pig*; бўрдоқдай семиз; тулумдай семиз.

Bicket, still troubled that she had not shared that lunch, patted her tenderly, and said he would soon have her *as fat as butter* – he did not explain how (J. Galsworthy, “The White Monkey”, part II, ch. VII).

*Run to fat*; *broad in the beam* ; чўчқадай семизкаби ФБлар кўпинча сўзлашув нуткида, одамларнинг бир-бири билан мулоқоти давомида қўлланилади.

8. “Озгин киши”ни ифодалайдиган ФБлар: *a walking corpse (skeleton)*; (*as*) *thin as a lath (as a rail, as a rake, as a thread-paper, as a whipping-post)*; *a slip of a boy (a girl)*; (*as*) *lean as a rake*; (*as*) *dry as a mummy*; *look like a ghost*; (*as*) *dry as a chip* (қуриган найраха маъносида); *a bag of bones* (амер.сл. rack or stack); *be reduced (worn) to a skeleton*; *as brittle as glass*; *тери-терисига ёпишган*.

Both were over six feet, and *thin as rails*... (J. Galsworthy, “Caravan”, The Apple-Tree, &1).

There, get downstairs, little *bag of bones* (Ch. Dickens, “Oliver Twist”, ch. IV).

Кишиларнинг ориқ ёки семизлигини ифодаловчи ФБлар гуруҳидаги кўпгина бирликлар салбий маънони билдиради. Масалан: *Billy Bunter*– “семиз, бесўнақай ўсмир” маъноларини беради . *Broad in the beam* – кўпол семизликни ифодалайди. *Чўчқадай семиз* ҳам кўринишидан кўпол семиз кишиларга нисбатан қўлланилади.

Озгинликни ифодалайдиган *тери-терисига ёпишган* ибораси жуда ҳам озгин, суяклари сезиладиган кишиларга нисбатан ишлатилади.

He was noting but *skin and bone*. His clothes hung upon him like rags on a scarecrow (W. Maugham).

ФБ *a slip of a boy (a girl)*- озғингина қиз ёки ўғил болага нисбатан ижобий эркалаш маънони билдиради, *(as) plump as a partridge*— эса момикқина, лўппи, юмшоққина каби ижобий эркалаш маъноларини ифодалайди.

... Marjorie Stafford was as fair as the morning, with bright-red cheeks, blush-gray eyes, and flaxen hair, and *as plump as a partridge* (Th. Dreiser).

Юқорида инсоннинг ташқи кўринишининг айрим жиҳатларини ифодаловчи ФБларни кўриб чикдик ва қуйида биз ушбу ФБларнинг структуравий моделини берамиз. Аввало икки компонентли ФБларнинг тузилиш жиҳатдан қандай моделларга эга эканлигини қараймиз:

1) N<sub>1</sub> + N<sub>1</sub>: *skin and bone* –жуда озғин киши; *Billy Bunter*- семиз, бесўнақай ўсмир; *Jack Sprat*- пак – пакана, хаддан ортиқ паст қомат; *a glamour girl* – жозибадор қиз.

2)Gerund + N: *a walking corpse (skeleton)*- тирик мурда маъносида жуда хам салбий бўёқдорликни беради.

Инглиз тилидаги икки компонентли инсон ташқи кўринишига доир ФБлар орасида as –asёки асконструкцияси билан келган бир қанча қиёсий ФБлар мавжуд. Масалан:

1. *(as) plump as a partridge* - момикқина, лўппи;

2.*(as) dry as a chip* –озғин, қилтирик;

3.*(as) thin as a lath (as a rail, as a rake, as a thread-paper, as a whipping-post)*—озғин, ориқ;

4.*(as) fair as a lily (as a rose)* – нилуфар гулидек чиройли;

5. *(as) fat as butter* – семиз, дўмбоқ киши;

Ўзбек тилида ҳам икки компонентли ФБларнинг турли хил моделлари бор.

1) -дек (-дай) кўшимчалари орқали қиёсланадиган қиёсий ФБларни кўриб чиқамиз: *бўрдоқидай семиз, тулумдай семиз* – жуда семиз киши; *қаймоқдай оппоқ* -оппоққина, ёқимли.

2) A + N : *рангпар юз* – юзи оқарган, ранги ўчган.

3) N<sub>1</sub> + N<sub>2</sub>: *қирғий бурун* – пастга қайрилган бурун; *бўта кўз* – чақчайган кўз; *гунча лаб* – чиройли, қизил лаб(аёлларга нисбатан ишлатилади); *ой юзли* – думалоқ, *гўзал юзли* (аёлларга нисбатан ишлатилади). *Гул ёноқ* – юзи қизил аёлларга нисбатан; *қуралай кўз* – жуда гўзал кўз.

Инсон ташқи кўринишини билдирувчи ФБларнинг уч компонентлиларининг структуравий моделлари қуйидагича:

1) A + N<sub>1</sub> + N<sub>2</sub>: *a long drink of water*– қомати узун, дароз дам;

2) A + Pron + N: *(as) long as one`s arm*–узун киши;

Ўзбек тилида ҳам уч компонентли ФБлар ҳам ўз структуравий моделларига эга:

1) A<sub>1</sub> + N + A<sub>2</sub>: *ингичка ичакдек узун* – ўта узун киши.

2) N<sub>1</sub> + N<sub>2</sub> + P: *тери-терисига ёпишган* – ўта озғин, қилтириқ.

Инглиз тилида тўрт ва ундан ортиқ компонентли инсон ташқи кўринишини ифодаловчи ФБлар қуйидагича структуравий моделларга эга:

1) N<sub>1</sub> + V + Num + N<sub>2</sub>: *look like a million dollars* – жозибадор, ўзига тортадиган;

2) V + N<sub>1</sub> + Prep + Pron + N<sub>2</sub>: *have roses in one`s cheeks* – икки юзи қип-қизил, чиройли (аёлларга нисбатан ишлатилади);

3) V + A + Prep + N: *be (look) white about (амер. around) the gills* – юзи оқариб кетган.

Юқорида инсон ташқи кўринишини ифодаловчи ФБларни кўриб чикдик. Ушбу ФБлар кўп ҳолларда ҳайвонларга, ўсимлик ва дарахтларга қиёсланган. Бу билан инсон табиат ва ундаги уни қамраб турувчи ҳар бир мавжудот билан чамбарчас боғлиқлигини яна бир бор айта оламиз.

## 2 бобга оид хулоса

Ушбу бобда биз қуйидагича хулосага келдик, характер – шахснинг муомалада таркиб топадиган ва намоён бўладиган барқарор индивидуал хусусиятлари бўлиб, индивид учун типик хулқ-атвор усулларини юзага келтиради. Демак, характер - инсоннинг хатти-харакатлари ва амалларида намоён бўлади – одамнинг онгли ва мақсадга қаратилган харакатлари унинг ким эканлигидан дарак беради. Ташқи кўриниш – бу биз ўзга инсон онгига қолдириладиган илк таассуротдир. Бу тилсиз мулоқотнинг энг муҳим жиҳатидир. Ташқи қиёфа – юзининг очиқ ёки тунд эканлиги, кўзларининг самимий ёки жоҳиллиги, қадам босишлари – тез ёки босиқ, майда қадам ёки салобатли, туриши виқорли ёки камтарона, буларнинг ҳаммаси характерни ташқаридан кузатиб ўрганиш белгиларидир. Ташқи кўриниш инсоннинг аслини, унинг ички оламини акс эттириб турувчи воситадир. Демак, характер ва ташқи кўриниш бир-бири билан узвий боғлиқ.

Инсон характери ва ташқи кўриниши уни ўрганишдаги муҳим омил экан, фразеологик бирликлар қатламини ҳам ташкил этувчи асосий манбадир. Ушбу бобда инсон характери ва ташқи кўринишини ифодаловчи ФБларни жамладик. Инсон характерини семантик жиҳатдан таҳлил қилиб, уни уч асосий гуруҳга: 1) инсон характерини салбий томонини билдирувчи ФБлар; 2) инсон характерининг ижобий томонини ифодаловчи ФБлар; 3) инсон характерига нейтрал баҳо берувчи ФБларга ажратдик. Инглиз тилидан 711 та ва ўзбек тилидан эса 306та ФБлар тўпланди. Таҳлил жараёнида ҳар бир гуруҳ таркиби кичик семантик гуруҳчаларга бўлиниб ўрганилди ва уларнинг тузилиш жиҳатдан моделлари аниқланди.

Инсон ташқи кўринишини ифодаловчи ФБлар миқдори инглиз тилида 122 тани ва ўзбек тилида эса 42 тани ташкил қилди. Таҳлил манбаси сифатида Ш. Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тилининг фразеологик луғати”(1992), А.В.Куниннинг “Инглизча – русча фразеологик луғати” (1967), А.И.Алехинанинг “Қисқача русча – инглизча ва инглизча – русча луғати” Р.Абдурахмонованинг “Руссча - ўзбекча луғати” хизмат қилди.

### **3 - боб. Инглиз ва ўзбек тилларида инсон характери ва ташқи кўринишини билдирувчи ФБларнинг лингвокультурологик хусусиятлари**

#### **3.1. Лингвокультурология фан сифатида: асосий ҳолатлар**

Лингвокультурология – лингвистика ва маданиятшунослик ўртасида вужудга келган, тилда акс этган ва ифодасини топган, ўз семантикасида миллий-маданий маънони акс эттирадиган тил бирликларини ўрганувчи янги мустақил фан. У халқлар маданиятининг вужудга келиш тарихи ва унинг тилда акс этиш жиҳатларини ўрганади.

Лингвокультурология ҳозирги кунда жадал ривожланиб бормоқда. Унинг тараққиёти (В.В.Воробьев, В.Н.Телия, В.А.Маслова, Е.И.Шейгал) “тил ва маданият” муаммосининг долзарблиги билан изоҳланади. Фанда маданият тушунчасига кўплаб ёндашувлар бор. Кенг маънода маданият – бу “объект ва катъий белгиланган тартиб-қоидалар йиғиндиси бўлиб, инсоннинг хулқ-атвори, ҳатти-ҳаракатлари, олган билимлари, ўзликни англаш, дунёнинг рамзий маъноларини тушуниш ва билиш шаклларини ўз ичига олади” [Левит, 1998]. Н.Ш.Галлямова эса маданиятни инсоннинг инсон сифатида шаклланишининг асосий омили, усули деб ҳисоблайди. Шу ўринда қайд этиш жоизки, тил ва маданият ўзаро чамбарчас боғланган: тил маданият негизида пайдо бўлади, ривожланади ва айнан унинг ифодаловчиси ҳамдир. Ҳар қандай маданият катъий эмас, у ўзини ўраб турган муҳит билан ҳамоҳанг ва боғлиқ равишда доимо ҳаракатда ва ўзгаришда бўлади [Маслова, 2001:19]. Тил шундай воситаки, у маълумотларни йиғиш, сақлаш, авлоддан авлодга етказиб бериш вазифасини бажаради. Лингвокультурологияда эса, тилга нафақат билиш ва коммуникацион восита сифатида ҳам қаралади. Бу қарашнинг назарий асослари В. Гумбольдт, А.А.Потебня ва бошқа тилшунослар асарларида белгилаб берилган. Масалан, Гумбольдт: “Миллатим тилининг чегараси менинг дунёқарашим чегарасини белгилайди”, -деб таъкидлайди. У ўз концепцияларида “шахс-тил-маданият”

боғланмасини тасвирлаб беради. В. Гумбольдт назариясига кўра, тил-халқ руҳияти ва маданиятининг бебаҳо хазинаси бўлиб, халқ миллий маданиятини... шахснинг ички ва ташқи дунёси муносабатларини қамраб олади, шунинг учун ҳам ҳар бир тил ўзи тегишли бўлган халқ иродаси, дунёқарашини ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, тил миллий кадрятларнинг асосий акс эттирувчиси сифатида миллатнинг дунёни кўриши, англаши ва идрок этишида кўзгу вазифасини ўтайди. Шундай қилиб, В. Гумбольдт, А.А.Потебня ва янги гумбольдтчилар мактаби намоёндалари (Вейсгербер Л., Сепир Э., Уорф Б.) “инсон”, “тил” ва “маданият” тушунчаларини ўзаро боғлиқликда ўрганиб, тил инсоннинг ўз – ўзини ва дунёни англашида муҳим ва алоҳида ўрин эгаллашини қайд этадилар.

Лингвокультурологиянинг ривожланиш даврини иккига бўлиш мумкин: биринчи давр – фаннинг вужудга келиш даври. Бу асосан В. Гумбольдт, Я. Гримм, А.А.Потебня, Э.Сэпир ишларида ўз аксини топган. Иккинчи давр: лингвокультурологиянинг мустақил фан деб тан олиншидир. (“Лингвокультурология” атамаси илк бор В.В.Воробьев, В.Н.Телия ва В.А.Маслова ишларида қайд этилган). Лингвокультурологиянинг қуйидаги йўналишлари мавжуд:

1. Ижтимоий гуруҳлар, халқлар маданиятини лингвокультурологик контекст (вазият)ларини тадқиқ қилиш (В.Гумбольдт, А.А.Потебня, Э.Сэпир, А.Вежбицкая, В.Н.Телия).

2. Қиёсий лингвокультурология. Бу соҳа энди бир неча ишларда ўз аксини топган, холос (С.Г.Тер-Минасова, В.Н.Телия, В.А. Маслова, Д.Ў. Ҳошимова ва б.).

3. Диахроник лингвокультурология давр ўтиши билан халқларнинг лингвокультурологик ҳолатининг ривожланишини ўрганади (Н.Д.Арутюнова, Э.Бенвенист, Ю.С.Степанов).

4. Лингвокультурологик лексикография – шу соҳага оид луғатлар тузиш билан шуғулланади (Н.В.Чернова, Д.Г.Мальцева, В.Муравлева, Г.Д.Томахин, Х.Р.Рахимов ва б.).

Лингвокультурология ҳақида сўз юритгандашунини алоҳида эътиборга олиш лозимки, у ўрганадиган тил бирликлари тил ва маданият элементларининг синтези ҳисобланади. Бундай тил бирликлари илмий адабиётларда лингвокультуремалар (“лингвокультурема” атамаси В.В.Воробьев томонидан киритилган) деб ҳам аталади. Ў.Қ.Юсупов уни қуйидагича талқин этишни тавсия этади: “Лингвокультурема ўз семантикасида маданиятнинг бирор бўлагини акс эттирувчи тил ёки нутқ бирлигидир”. Улар сўз (туб, ясама, қўшма ва мураккаб сўзлар), сўз бирикмалари, иборалар, гап, паремия, мураккаб синтактик бутунлик, матн ва ҳаказолар бўлиши мумкин. В.А.Маслова лингвокультуремаларни 9 хил турга ажратади: 1) тилнинг эквивалентсиз луғат қатлами – реалиялар (миллий либослар, таомлар, маросим ва байрамлар, анъаналар, айрим буюм номларини ўз ичига олади) ва лакуналар; 2) мифологемалар – архетиплар, афсонавий қаҳрамонлар, образлар, маросим ва удумлар, ритуаллар; 3) тилнинг паремиологик фонди (мақоллар ва ҳикматли сўзларни ўз ичига олади); 4) тилнинг фразеологик фонди; 5) эталонлар, стереотиплар, символлар; 6) метафора ва образлар (тимсоллар); 7) турли тилларнинг стилистик қатламлари (адабий, ноадабий шакллар ва ҳ.к.); 8) нутқий ахлоқ ва феъл-атвор; 9) нутқ этикети.

Лингвокультурологик хусусиятлар ҳар бир тилга хос бўлиб, улар муайян жамиятнинг турмуш тарзи, тараққиёти ва ривожланишдаги йўлини акс эттиради. Тилларнинг лингвокультурологик хусусиятларини ўрганиш бўйича кўпгина олимлар Д.Ашурова, С.Акбарова, А.Вежбицкая, В.Воробьев, С.Воркачев, Н.Джусупов, В.Карасик, В. Маслова кабилар тадқиқот олиб боришган.

Лингвокультурологиянинг асосий тушунчаларидан яна бири “дунё тасвири” тушунчасидир. “Олам тасвири” – бу умумий онг тўплаган рамзлар ва тимсолларнинг яхлит бутунлиги бўлиб, инсоннинг янги дунёвий билимларини эгаллашига ва ўз тафаккури ва тасаввурини ривожлантиришига



ҳисса қўшади ва инсон дунёқарашининг ядросини ташкил этиб, унинг турмуш тарзининг асосий ўзига хос хусусиятларини ўзида акс эттиради.

Хулоса қилиб қуйидагиларни эътироқ этиш мумкин: 1) лингвокультурология тилшуносликда тил ва маданият боғлиқлигини ўрганадиган янги йўналишдир; 2) лингвокультурологиянинг асосий тил бирлиги лингвокультурема бўлиб, у турли хил тил birlikлари орқали намоён бўлади.

### 3.2. Инсон характери билдирувчи ФБларнинг миллий – маданий хусусиятлари

Фразеологик бирликларни чуқурроқ таҳлил этиш ва уларнинг турли тиллардаги миллий-маданий ҳамда умумбашарий қадриятларни акс эттириши орқали ўрганиш ҳозирги замон тилшунослигининг долзарб муаммоси бўлиб келмоқда. Дунёдаги барча тиллар ўзига хос хусусиятларга эга экан, айнан шу феномен турли тилларни бир-биридан ажратади.

Турли халқларнинг дунёни турлича кўришлари, аввало тарихий номинация билан боғлиқ бўлиб, этимологик тадқиқотлар орқалигина унинг мазмунини чуқурроқ англаш мумкин. Бундай муайян сўзнинг қачон, қайси тилда, қандай сўз ясалиш қолипи бўйича, қайси тил материали асосида қандай маънодан пайдо бўлганлиги аниқланади. Бирор нарса номлашда шу нарсанинг қайси белгиси номинация учун асос қилиб олинганлиги, унинг мазкур халқ ҳаётидаги аҳамияти муҳим саналади.

Тил воситалари орқали дунёни кўришда фразеологик бирликлар алоҳида ўрин тутаяди. Биз инглиз ва ўзбек тилларидаги ФБларни қиёсласак, муқобиллар (эквивалентлар) орасида денотатив нуқтаи назаридан қуйидаги корреляция борлигини аниқлашимиз мумкин: ФБлар маънолари тўла мос келади, қисман мос келади, мос келмайди каби. Маъноларнинг мос келиши ФБлар таркибидаги компонентларнинг ўхшашлигини, уларнинг мазмуний салмоқларида умумийлик ёки айнанлик мавжудлигини кўрсатади. Бу хусусият инсон тафаккурининг ягона мантиққа эгалigidан ва турли халқлар турмуш тарзида объектив ўхшашлик борлигидан дарак беради. Инглиз тилидаги *A black sheep* бораси ниҳоятда кучли салбий бўёққа эга. Ушбу ибора *овладаги доғ* маъносини англатади (қадимда инсонлар қора қўйни ўз урф-одатларига кўра шайтон тимсоли деб ҳисоблаганлар). Ўзбек тилида “қўй” компоненти характери “юмшоқ”, “ювош”, “мўмин” каби ижобий маъноларни кучайтириш учун қўлланилади (*қўйдаи ювош, қўй оғзидан чўп олмаган*). “Қўй” компоненти ўзбек тилида ижобий, инглиз тилида эса салбий

бўёққа эга. Лекин, баъзан “қўй” компоненти ўзбек тилида ҳам “ўта ишонувчан”, “ўта содда”, “гўл”, “оғзидаги ошини бошқаларга олдириб қўядиган даражада нўноқ” каби салбий маъноларни ифодалаш мумкин. Шу нуқтаи назардан мазкур компонентни қисман мос келадиган гуруҳга киритиш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, ФБлар дунёни ўзига хос кўришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уни ифодалашда ҳар бир халқ ўз иборалар тизимига эга. Инглиз тилидаги *book and candle – тўғридан тўғри* маъносини англатиб, бу ибора черковда ибодатдан сўнг айтилади. *Admirable Crichton – ақлли, ўқимишли, олим* инсонларга нисбатан ишлатилади. Ушбу бирикманинг ҳам ўз тарихи бор. XVI яшаб ўтган шотландиялик машҳур олим Жеймс Крайтон 14 ёшида магистрлик даражасини олган; Ж.Крайтон кўркам қиёфаси билан бошқалардан ажралиб турган ва бу бирикма эркак жинсидаги олимларга нисбатан ишлатилади. *The Hobson’s choice (Ҳобсоннинг танлови) – бундан ўзга йўл йўқ ёки бундан ўзга чора йўқ* маъноларини берувчи бу бирикма тарихий ходиса билан боғлиқ, яъни XVI асрда Кембриждаги пуллик отхонанинг хўжайини Ҳобсон исмли шахс ўз мижозларини фақатгина чиқиш эшигига яқин турган отни танлашга мажбур қилар эди.

Инглиз тилидаги “*a fighting cock*” (*уришқоқ хўроз*) фразеологик бирлиги *жанжалкаш*, *уришқоқ* инсонларга нисбатан қўлланилади. Ушбу фразеологик birlikнинг ишлатилишига қараб бу тилда сўзлашувчи халқларнинг урф-одати ва ҳаётий тажрибаси билан боғлашимиз мумкин. Чунки инсонлар ўйин кулгу, томоша илинжида хўрозлар жангларини уюштириб туришади ва албатта, бундай жанглар учун ўта жанжалкаш хўрозлар танлаб олинади. Бундан келиб чиқадикки, тилнинг миллат урф-одати, ҳаётига доир тушунчаларни тил birlikлари ёрдамида ифодалаш муҳимдир. Худди шу иборага ўхшаш иборани ўзбек тилида ҳам учратиш мумкин. “*Пихини ёрган*” ибораси *ўтакетган уддабурон ва қув* инсонларга нисбатан қўлланилиб, ушбу ибора хўрозлар жангига бориб тақалади. Бу эса ўзбекларда ҳам бу урфнинг мавжудлигидан далолат беради.

Инглиз тилида инсоннинг қийин вазиятга тушган ҳолатини ифодалашда: *to get a miff, to get into a mess, to be in a (tight) box, to ride the black monkey, to be at a loss (to do something), to be at a loss for words, to be at pains to do something, to be in deep water, to be in the doldrums, to be in a fix(mess, scrape), to be in a flutter, to be in hot water, to be in the soup, to be in a stew, to be up against something, to be up to the neck in something* кабилар фаол ҳисобланади ва инглиз халқининг барча миллий –маданий хусусиятлари сўзнинг семантик структурасида ўз ифодасини топади.

Инглиз тилидаги *as proud as a peacock (товусдек мағрур)* фразеологик бирлиги *мағрур, димоғдор* инсонга нисбатан ишлатилади. Ушбу ФБ таркибида келган “товус” компоненти мағрурликни ифодаламоқда. Ўзбек тилида эса манманлик *бурни кўтарилган, бурнидан нарисини кўрмаслик, димоғи шишиган* каби фразеологик бирликлари билан ифодаланади.

Инглиз тилида “*put somebody`s monkey up*” ёки “*to get one`s goat*” – *кимнингдир жаҳлини чиқармоқ* маъносини билдиради, ўзбек тилида эса, бу маъно *кимнингдир арпасини хом ўрмоқ* билан ифодаланади. Бу фразеологик birlikдаги *арпа* компоненти ўзбек халқининг қадим-қадимдан дехқончилик билан шуғулланиб келганлигидан далолат беради.

Инглиз тилида инсоннинг турли хил характер қирраларини англатувчи сўзлар ҳайвон номлари билан ифодаланади. Инсон маълум бир муҳитда яшар экан, унинг табиатига ана шу муҳит таъсир қилади. Инсон шахси муайян муҳит таъсирида ўз характери имкониятлари доирасида ўзгариши, салбий ёки ижобийлик томон силжиши мумкин. Инглиз тилидаги *as cunning as a fox- тулкидек айёр, an old fox-қари тулки, айёр, муғомбир* маъноларини берувчи ФБларда “тулки” компоненти *айёрлик* рамзини ифодалаган. Табиатан *тулки* айёр ҳайвон, у ўз ўлжасига эришиш учун ҳар қандай айёрликни ишлатади. Ўзбек тилида эса инсон характерининг *айёрлик* жиҳати *илонни ёғини ялаган* фразеологик бирлиги орқали ифодаланади.

Ўзбек тилида *ер тагида илон қимирласа билади* фразеологик бирлиги таркибидаги *илон* компоненти инсоннинг ижобий томонини, яъни сезгир ва ақллилигини ифодалайди.

Инглиз тилидаги *as brisk as a bee – ўта чаққон, энчил, as busy as a bee – меҳнаткаш* маъноларини берувчи ФБларда инсоннинг меҳнаткашлиги *асалари* мисолида тасвирланганлигини гувоҳи бўламиз. Ўзбек тилида эса бунинг муқобили *чумоли* мисолида гавдалантирилади, *чумолидек меҳнаткаш* каби. Табиатан иккала ҳашарот ҳам меҳнатсевар ҳашаротлар саналади.

Биз юқорида келтирган мисолларда ҳайвонлар ва ҳашаротларнинг, қолаверса бутун бир дунёнинг ҳар бир аъзоси инсонни, унинг характерининг турли қирраларини ифодалаган. Бундан кўринадики, ҳар бир халқ ўзи яшаб турган жойи, турмуш тарзи, шароити, кадрият ва анъаналаридан келиб чиққан ҳолда тилда тил бирликларини ифода этади.

Инглиз тилида *ростгўй, ҳақиқатгўй* инсонга нисбатан *honest (old)* Абефразеологик бирлиги ишлатилади. Бу бирикма президент Авраам Линкольн(1809-65 йй.) га қўйилган лақаб ҳисобланади. Ўзбек тилида эса *тўғри сўзли, лафзи ҳалол* каби ФБлар *ростгўй* инсонларга нисбатан ишлатилади.

Ўзбек тилидаги *подадан олдин чанг чиқарадиган* фразеологик бирлиги *рўёбга чиқиши аниқ бўлмаган нарса ҳақида ҳовлиқмалик билан вақтидан илгари гапириб юрадиган* инсонларга нисбатан ишлатилади. Ушбу ФБ таркибидаги *пода* компоненти айнан ўзбек миллатига хосликни ифодалайди, чунки ўзбек халқи қадимдан дехқончилик билан бир қаторда чорвачилик билан ҳам шуғулланиб келишган ва бу ибора халқ учун мутлақ тушунарли ҳисобланади. Ўзбек тилидаги *дўпписи тор келмоқ*, ибораси *илож-имконсиз оғир аҳволга тушмоқ* маъносини беради. Ушбу ФБдаги дўппи компоненти ўзбекнинг миллий-маданиятини акс эттиради, чунки ўзбекларда айниқса эркаклар бошида дўпписиз юришмайди ва бу компонентнинг қанчалик аҳамиятли эканлиги ушбу ФБда ҳам ўз аксини топган. Қийин вазиятга тушган инсонни ифодалаш учун яна бир қанча *ичига чироқ ёқса ёришмайди,*

ичини *ит*(мушук) *тирнамоқ*, *игна устида ўтирмоқ*, *икки ўт орасида қолмоқ*, *юраги қон бўлмоқ*, *жигар – бағри кабоб бўлмоқ*, *оёғи куйган товукдай каби* ФБлардан фойдаланилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, фразеологик бирликлар чуқур ва бой маънога эга бўлиши билан бир қаторда, нутқимизга алоҳида кўрк ва таъсирчанлик бағишлайди. Ўзбек тилида ҳам, инглиз тилида ҳам инсоннинг характерини турли қирраларини, хусусан унинг ижобий, салбий жиҳатларини акс эттирадиган фразеологик бирликларни кўп учратамиз. Биз истаймизми – йўқми уларни тилимизда жуда кўп ишлатамиз. Ўзбек тилидаги “*аммамнинг бузоғи*”(бўшашиган)инглиз тилидаги “*be pinned to one’s mother’s apron strings*”( онасининг измида бўлмоқ) фразеологик бирлигига мос келади.Салбий маънодаги эрка, тантиқ одамларга нисбатан инглиз тилида “*Mamma’s darling*”, ўзбек тилида эса “*онасининг эркатойи*” ФБлари қўлланилади. Бу ерда биз иккала миллатнинг маданиятига хос ўхшашликни фразеологик бирликларнинг мазмуни жиҳатдан англашимиз мумкин бўлади.

Инглиз тилидаги “*a clever dog*” – *ақлли* инсонларга нисбатан қўлланилади. Ўзбек тилида эса “*ит феъл*”, “*ит ялоқ*”, “*ит эмган*” кабиФБлардаги “*ит*” компоненти ҳақоратлаш маъносида ишлатилган. Бундан кўришимиз мумкинки, “*ит*” компоненти инглиз тилида ижобий маънода ва ўзбек тилида эса кўпроқ салбий маънода ишлатилади.

Инглиз ва ўзбек тилларида ҳам айна бир вақтда икки нарсани кўзлаб иш тутадиган, уддабурон инсонларга нисбатан ишлатиладиган ФБ мавжуд. “*to kill two birds with one stone* ” – “*бир ўқ билан икки қуённи урмоқ*”.

Тилнинг фразеологик бирликлар қатлами ҳар бир жамият аъзоси онгини шакллантиришда, жамиятнинг миллий-маданий қадриятларини сақлаш ва ифодалашда муҳим ўрин тутишини ҳисобга олиб, айнан инглиз ва ўзбек тиллари материаллари асосида инсон характерини кўздан кечиришга ҳаракат қилдик ва бу орқали тил миллат ва унинг маданияти билан нечоғлик боғлиқэканлигини англадик.

Хулоса қилиб айтганда, ФБларда миллий маданиятнинг ўзига хослиги, халқнинг миллий анъаналарига хос хусусиятлар акс этади. Шу нуқтаи назардан инсон характерининг ифодаланишида ҳам миллий-маданий хусусиятнинг ёрқин намоён бўлишини кўриш мумкин. Масалан, турли халқлар тилларидаги инсон характерини ифодалайдиган ФБлар таркибидаги айнан бир сўз ҳар хил маъноларни ифодалаши мумкин. Хусусан, бир ФБ бир халқда ижобий, бошқасида салбий маъноларни ифодалайди.

### 3.3. Инсон ташқи кўринишини билдирувчи ФБларнинг миллий – маданий хусусиятлари

Дунёни тил орқали ўрганишга интилиши пайтида инсон маданиятни ҳам ўзлаштиради. Бунда эса тил ва маданиятнинг ўзаро таъсири вужудга келади. Тил – инсон маданиятининг энг баланд поғонасини эгаллайдиган ходисадир. Тил ва маданиятни мужассамловчи энг муҳим воситалардан бири ФБлар эканлигини айтиб ўтиш лозим. ФБлар турли тилларда ва турли маданиятларда яшайди. Биз қуйида инсон ташқи кўринишини ифодаловчи ФБларнинг миллий – маданий хусусиятлари ҳақида мулоҳаза юритамиз.

Юқорида кўп ва хўп таъкидланганидек, ҳар бир миллат ўз дунё қарашига, яшаш тарзи – ю, маданиятига эгадир, жумладан, ўз ифода усулига ҳам. Демак, ФБларнинг турли тилларда ифодаланиши айнан уларнинг маданияти ва менталитети билан боғлиқ ҳолатдир. Бундан ташқари, профессор Д. Ашурова таъкидлаб ўтганидек, тиллардаги миллий-маданий хусусиятлар тадқиқи бошқа тиллар билан қиёслашда ўз ифодасини топиши мумкин. (Ашурова, 2003, 41-42 бетлар.)

Инсон ва унинг хусусиятлари (характери, ташқи қиёфаси, қолаверса, ички ҳис-туйғулари, кечинмалари ва б.) ифодаланган ФБларнинг компонентлари таҳлили билан иш кўрадиган бўлсак, у ёки бу тилда ўша компонентнинг аҳамиятини аниқроқ ўргана оламиз. Қиёсланаётган тиллардаги ФБлар таркибидаги сўзларнинг семантик структурасидаги семантик компонентларнинг умумийлиги ўхшашлик, айнанликни кўрсатса, улардаги номувофиқлик инсон ташқи кўринишини ифодалашдаги фарқларга ишора қилади.

Инглиз тилидаги *“as pretty as butterfly”*– *каналакдай чиройли* маъносини берувчи ФБ аёллар ташқи гўзаллиги, юриши ва ҳаракатининг чиройлилигини ифодалаш учун қўлланилади. Ўзбек тилида эса аёлларнинг гўзаллигини ифодалашдан ташқари, аёлларнинг хонишининг ўта ёқимлилиги, овозининг жуда майинлигини тасвирлашда *булбул* ёки



тўтининг сайрашига ўхшатилади. Халқ орасида “булбули гўё”, “сайроқи булбул” каби ФБлар нафақат аёлларнинг, балки чиройли овоз эгаларини таърифлашда ишлатилади.

Инглиз тилидаги “*beauty is only skin deep*” – ташқи қиёфага ишониб бўлмайди, чиройнинг умри қисқа маъноларини берувчи ФБ гўзалликнинг ўткинчилигини ва ташқи гўзаллик ички гўзалликни яшириб турувчи воситалигини ифодалаган. Ўзбек тилида ҳам шу маънога яқин ФБ мавжуд. “*Чиройга нон ботириб еб бўлмайди*” – ушбу ФБ орқали фақатгина чирой билан кун кечириб бўлмаслиги айтилган. Иккала тилдаги ФБлар маъноларига эътибор қаратадиган бўлсак, уларнинг маъно жиҳатдан ўхшашлигини кўришимиз мумкин ва бу хусусият инсон тафаккурининг ягона мантикқа эгалигидан ва турли халқлар турмуш тарзида объектив ўхшашлик борлигидан далолат беради ва шуни ҳам таъкидлаш лозимки, шарқ халқлари аёллар гўзаллигини кучайтириб ифодалашда биринчи навбатда унинг ташқи гўзаллиги эмас, балки ички дунёсининг гўзаллигига, меҳнатсеварлик, ибодат, итоатгўйлик, камтарлик, ақл-фаросатлилиқ каби фазилатларга катта эътибор беришади.

Ўзбек тилида аёл кишининг беқиёс гўзаллигини, ниҳоятда дилраболигини ифодалашда “*бир қошиқ сув билан ютиб юборгудай*” ФБ ишлатилади. Бу ибора бадий адабиётда аёл кишининг латофатини, унинг жозибадорлигини ифодалашда жуда кўп қўлланилади. Таркибида “сув” компонентининг ишлатилишининг сабаби, ҳаво қанчалик зарур бўлганидек сув ҳам шунчалик муҳимдир ҳамда сув ичиб чанқоқни қондириш қанчалик ёқимли эканлигини таърифлашга эса ҳожат йўқ. Шунинг учун ҳам аёл кишининг гўзаллиги зилол, ёқимли ва покиза сувга қиёсланапти. Инглиз тилида “*a dolly bird*” – чиройли қиз бола маъносини берувчи ФБ аёл кишининг гўзаллигини ифодалайди. Бунда аёл киши кўғирчоққа қиёсланган.

Инглиз тилида эркаклар кўзининг хунуклигини кучайтириб ифодалашда “*pig eyed*” ёки “*piggish eyes*” ёки “*bull eyed*”, “*ox eyed*” ФБлар қўлланилади. Биринчи мисолимизда “*pig eyed*” дейилганда эркак киши

кўзининг кичиклиги ва ёқимсизлигини чўчкага ўхшатилса, иккинчи ҳолатда (*bull eyed, ox eyed* деганда) эркак киши кўзининг жуда катта ва хунуклиги хўкиз кўзига қиёсланади. Ўзбек тилидаги “*бўта кўз*” ибораси кўзи чақчайган кишига нисбатан ишлатилади. Ўзбек тилида фақатгина эркакларга нисбатан ишлатиладиган “*эчки соқол*” – калта, кулгили соқолли эркакларга ва “*шоп мўйлов*” – узун мўйловли кишиларга нисбатан ишлатилади. Ўзбек тилида хунук, ёқимсиз, бадхазм инсонларга нисбатан “*афти совуқ*”, “*сўхтаси совуқ*” ФБлари қўлланилади. Аксинча хуш кўринишли, ёқимли, жозибадор инсонларга нисбатан “*истараси иссиқ*” ибораси ишлатилади. Бу ФБлар таркибида келаётган “*иссиқ*” ва “*совуқ*” сўзлари ижобий ва салбий маънони ифодаламоқда.

Инглиз тилидаги “*peaches and cream*” – юзи чиройли инсонларга нисбатан шафтолига қиёсланиб ишлатилади. Шафтоли меваси ушбу ФБда ижобий маънони беради. Ўзбек тилидаги “*шафтоли қоқи*” ибораси қари, буришган, ажин босган юзларга нисбатан қўлланилади. Нимагаки, шафтоли меваси пишиб, дарахтдан узилгандан кейин қуёш нури таъсирида қуритилади ва у қуруқ, сувсиз қоқига айланади. Демак ўзбек тилидаги ФБ таркибидаги шафтоли салбий маънони ифодаламоқда.

Ўзбек тилидаги “*алт қомат*” ибораси қомати келишган, мард, жасур, бақувват йигитларга нисбатан ишлатилади. Ушбу ФБ тарихий аҳамиятга эга. “Алпомиш” достонининг бош қаҳрамони Алпомиш ўзбек йигитларининг энг олди, енгилмаси ва хушсурат йигити деб таърифланган. Инглиз тилида эса кўркем, хушбичим йигитларга нисбатан “*the fair sex*” ибораси қўлланилади.

“*Ой юзли*”, “*тўлин ой*” ФБлари нафақат ўзбек тилида, балки шарқ маданиятида ҳам аёллар гўзаллигини ифодалашда қўлланилади ва у аёллар юзининг чиройлилигини кучли ифода этишга хизмат қилади. Инглиз тилида ҳам аёллар гўзаллигининг ойга қиёсланган ФБ мавжуд “*like a full moon*” – тўлин ойдек маъносини ифодалайди.

Инглиз тилида аёллар тана аъзоларининг чиройлилигини, қоматининг гўзаллигини кучайтириб ифодалашда “*as straight as the cedar*” ФБкедр

дарахтидек тик, тўғри маъносини беради. Ўзбек тилида аёллар қоматининг тиклигини, гўзаллигини “сарв қомат” ёки “қомати шамшод” каби ФБлар орқали ифодаланади. Ҳар иккала тилда ҳам аёлларнинг қомати тик ва чиройли ўсадиган кедр, сарв, шамшод сингари дарахтларга қиёсланган. Ўзбек тилида жуда нозик қизларга нисбатан “оқ билагойим” ибораси қўлланилади. Бели ўта ингичка қизларга нисбатан эса “чумоли бел” ибораси қўлланилади.

Инглиз тилида *чиройли кўриниши, кўриниши ажойиб* маъноларини берувчи ташки кўринишни умумий ифодаловчи “*be in face*” ФБ мавжуд. Қуйидаги мисолдан ушбу ФБнинг маъносини яхшироқ тушуниш мумкин:

Miss Hardcastle. ... is it one of my well-looking days, child? *Am I in face* today? (O. Goldsmith, “She Stoops to Conquer”, act I, sc.I).

Инглиз тилида кўриниши хунук, беўхшов кишиларга нисбатан ишлатиладиган “*face only a mother could love*” – жуда хунук, фақатгина онаси яхши кўра олиши мумкин мазмунидаги ФБ ишлатилади. Ўзбек тилида эса ушбу иборага мутаносиб “*ҳар кимники ўзига ой кўринар кўзига*” – ибораси қўлланилади. Ушбу ибора бошқаларга чиройли кўринмаган кимса, ўзининг яқинига чиройли кўриниши мумкин маъносини беради. Мазмунан ҳар иккала тилдаги ФБларнинг ўхшашлигини, одамлар онгининг ягона мантиққа асосланишини яна бир бор таъкидлаш мумкин.

Ўзбек тилида “*онаси ўпмаган*” – ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган маъносига монанд ФБ мавжудки, ушбу ибора тўғридан-тўғри миллий менталитетимизга бориб тақалади. Нафақат ўзбек миллатида, балки бутун Шарқ халқларида қиз боланинг иффати, ор-номуси, бокиралиги биринчи ўринда туради. Қиз боланинг қанчалик одобли, покиза, бокиралигини ушбу ибора орқали ифода этилади.

### 3 бобга оид хулоса

Маълумки, лингвокультурология ҳозирги кунда жадал ривожланиб бормоқда. Унинг тараққиёти “тил ва маданият” муаммосининг долзарблиги билан изоҳланади.

Фразеологик бирликларни чуқурроқ таҳлил этиш ва уларнинг турли тиллардаги миллий-маданий ҳамда умумбашарий қадриятларни акс эттириши орқали ўрганиш ҳозирги замон тилшунослигининг долзарб муаммоси бўлиб келмоқда. Дунёдаги барча тиллар ўзига хос хусусиятларга эга экан, айнан шу феномен турли тилларни бир-биридан ажратади.

Турли халқларнинг дунёни турлича кўришлари, аввало тарихий номинация билан боғлиқ бўлиб, этимологик тадқиқотлар орқалигина унинг мазмунини чуқурроқ англаш мумкин. Бундай муайян сўзнинг қачон, қайси тилда, қандай сўз ясалиш қолипи бўйича, қайси тил материали асосида қандай маънодан пайдо бўлганлиги аниқланади. Бирор нарсани номлашда шу нарсанинг қайси белгиси номинация учун асос қилиб олинганлиги, унинг мазкур халқ ҳаётидаги аҳамияти муҳим саналади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ФБлар ўзининг сержилолиги билан аҳамиятлидир. ФБлар бу халқнинг маданий меросидир. Уларда ўша халқнинг барча ўй – фикрлари, дунё қараши, турмуш тарзи, феъл – атвори ва эътиқоди акс этади. Айнан шу жиҳати билан улар нутқимизнинг энг муҳим омили, ажралмас қисми сифатида хизмат қилади. Инглиз ва ўзбек тилларидаги инсон ташқи кўринишини билдирувчи ФБлардаги баъзи тафовут ва ўхшаш жиҳатларини кўриб чикдик.

### Умумий хулосалар

Фразеология ҳар қандай тилда ҳам структур, семантик ва функционал турғун сўз бирикмалардан ташкил топади ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Фразеологиянинг таркибида образлиги билан ажралиб турувчи бирликлар анча кўп. Ҳозирги кунда фразеологик бирликлар турли тилларда турли хил нуктаи назардан ўрганилиб келинмоқда. Юқорида инсон характери ва ташқи кўринишини билдирувчи ФБларнинг айрим томонлари таҳлил қилинди холос. Ҳали фразеологиянинг, қолаверса, инсон характери ва ташқи кўринишини ифодаловчи ФБларнинг очилмаган қирралари жуда кўп ва хилма-хилдир.

Инглиз ва ўзбек тилларида инсоннинг турли хил белги-хусусиятларни, яъни унинг ахлоқий, интеллектуал, ижтимоий белгиларини шахсий характерларини англатувчи сўзлар турли хил ФБлар орқали ифодаланadi. Инсон маълум бир муҳитда яшар ва шаклланар экан, унинг табиатига ана шу муҳит таъсир қилади. Инсон шахси муайян муҳит таъсирида ўз характери имкониятлари доирасида ўзгариши, салбий ёки ижобийлик томон силжиши мумкин.

Бадиий матнларда ва шунингдек оғзаки нутқда кенг қўлланилаётган инсон характери ва ифодаловчи фразеологик бирликларни семантик жиҳатдан таҳлил қилганда, уларнинг маъносига қараб 3 асосий гуруҳларга ажратдик: 1) инсон характерининг салбий томонини билдирувчи ФБлар; 2) инсон характерининг ижобий томонини ифодаловчи ФБлар; 3) инсон характерига нейтрал(ҳам салбий, ҳам ижобий маънодаги) баҳо берувчи ФБлар. Ушбу учта гуруҳ таркибини инглиз тилида 711 та, ўзбек тилида эса 306 та ФБлар ташкил қилди.

Биринчи гуруҳни инсон характерининг салбий томонини ифодаловчи ФБлар миқдор жиҳатдан қолган икки гуруҳга нисбатан энг кўпини, инглиз тилида 443та ФБлар ва ўзбек тилида 163та ФБларни ташкил қилди.

Инсон характерининг ижобий томонини ифодаловчи ФБлар иккинчи гуруҳ ҳисобланади ва бу гуруҳ учун инглиз тилидан 220 та, ўзбек тилидан эса 99 та ФБлар жамланди.

Учинчи гуруҳ инсон характерига нейтрал баҳо берувчи ФБлар бўлиб, ушбу гуруҳ учун тўпланган ФБлар қолган икки гуруҳ учун тўпланган ФБлар миқдорига қараганда энг озини инглиз тилида 48 тани ва ўзбек тилида 34 тани ташкил қилди.

Инсон характерини ифодаловчи ФБлар сони жуда кам миқдорни инглиз тилида 122 тани ва ўзбек тилида эса 42 тани ташкил қила олди.

Инсон характери ва ташқи кўринишини ифодаловчи ФБларни тадқиқ қилиш натижасида қуйидаги хулосаларга эришилди:

1. Инсон характери ва ташқи кўринишини ифодаловчи ФБлар инглиз ва ўзбек тиллари фразеологиясида муҳим ўрин тутди. Улар компонентлари сони жиҳатдан турли хил бўлиши мумкин ва уларнинг компонентлари ортгани сайин уларнинг гапга тенг бўла бориши кузатилади.

2. Инсон характерининг психологик тизимини таҳлил қилиш натижасида шу маълум бўлдики, психологияда характернинг қуйидаги тизими эътироф этилади: а) меҳнат фаолиятида намоён бўладиган характерологик хусусиятлар – меҳнатсеварлик, ташаббускорлик. б) инсонларга нисбатан бўлган муносабатларда намоён бўладиган характерологик сифатлар – одоблилик, меҳрибонлик, вазминлик. в) ўз-ўзига муносабатига алоқадор характерологик сифатлар – жиддийлик, камтарлик, мағрурлик. г) нарсалар ва ҳодисаларга муносабатларда намоён бўладиган характерологик хусусиятлар – тартиблилик, қўли очиклик, тежамкорлик, бесаранжомлик ва бошқалар.

3. Инсон характерини ифодаловчи ФБлар семантик нуқтаи назардан ижобий, салбий ёки нейтрал бўлиши мумкин.

4. Таҳлил натижасида шу аниқландики, инглиз ва ўзбек тилларида инсоннинг турли хил белги-хусусиятларини, яъни унинг ахлоқий,

интеллектуал, ижтимоий белгиларини шахсий характерларини англатувчи сўзлар турли хил ҳайвон номлари орқали ифодаланади.

5. Инглиз ва ўзбек тилларидаги инсон характери ва ташқи кўринишини ифодаловчи ФБлар компонентлари сони жиҳатидан турли хил структуравий моделларига эга бўлиши мумкин.

6. Инсон характери ва ташқи кўринишини ифодаловчи ФБлар таркибидаги айрим компонентлар хусусийлаштириш, аниқлаштириш, алоҳида белгиларни бўрттириш, ижобий, салбий ёки нейтрал баҳо бериш, эмоционал-экспрессив маъно кашф этиши билан фарқланади.

7. Инглиз ва ўзбек тилидаги инсон характери ва ташқи кўринишини ифодаловчи ФБларни таҳлил этиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, ФБлар халқнинг тарихи, яшаш тарзи, миллий-маданий менталитетидан келиб чиққан ҳолда ясалади.

Хулоса қилиб айтганда, ФБларда миллий маданиятнинг ўзига хослиги, халқнинг миллий анъаналарига хос хусусиятлар акс этади. Шу нуқтаи назардан инсон характерининг ифодаланишида ҳам миллий-маданий хусусиятнинг ёрқин намоён бўлишини кўриш мумкин. Масалан, турли халқлар тилларидаги инсон характерини ифодалайдиган ФБлар таркибидаги айнан бир сўз ҳар хил маъноларни ифодалаши мумкин. Хусусан, бир ФБ бир халқда ижобий, бошқасида салбий маъноларни ифодалайди.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. “Илмий - тадқиқот фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” “Халқ сўзи” газетаси, 15 март, 2002.
2. Каримов И.А. “Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”. Тошкент: Ўзбекистон, 1998.-64 б.
3. Авалиани Ю.Ю. Тексты лекции по компаративно-сопоставительной фразеологии иранских языков. - Самарканд, 1979;
4. Авалиани Ю.Ю. К теории семантического поля во фразеологии // Вопросы фразеологии. – Самарканд, 1979. Вып. XIV. - С. 4-15.
5. Амосова Н.Н. Основы английской фразеологии. – Л.: ЛГУ, 1963.
6. Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – М., 1986.
7. Ахманова О.С. и др. Основы компонентного анализа. – М.: МГУ, 1969.
8. Ашурова Д.У. Стилистика текста в парадигме когнитивной лингвистики// Филология масалалари. Илмий-методик журнал.-Тошкент: ЎзДЖТУ, 2003.- №1-С.41-42.
9. Баласанова А.Л. Сочинительные фразеологические единицы и контекст в современном английском языке: Автореф. дис...канд. Филол. наук.. – М., 1973.
10. Басаров Б. Вопросы психологии характера. – ашхабад, 1977.
11. Бердиёров Х., Расулов Р., Юлдашев Б. Ўзбек фразеологиясидан материаллар / В двух ч. Самарканд: Ч.І. 1976; Ч II, 1979.
12. Бершадская Ф.М. Формы употребления ФЕ в речи: Автореф. дис. канд. филол. наук. – Л., 1972.
13. Бершадская Ф.М. Пидаева Т. О некоторых факторах, определяющих способ перевода ФЕ. – Сб. вопросы теории перевода. – Т., 1977.
14. Блинова О.И. введение в современную региональную лексикологию. – Томск, 1975.



15. Большой Русской – Узбекский словарь (под ред. Абдурахманова Р.) – М.: Изд-во Гос. Иностр. И национ. Словарей, 1959.
16. Буранов Дж.Б. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1973.
17. Бушуй А.М. Фразеология в в тексте и словаре. – Самарканд, 1986.
18. Виноградов В.В. Основные типы лексических значений слова // вопр. яз-я. –1953. - № 5. -С. 21.
19. Виноградов В.В. Избранные труды. Исследования по русской грамматике. – М. : Наука, 1977. – 312 с.
20. Виноградов В.В. Основные понятия русской фразеологии как лингвистической дисциплины. – Избранные труды. Лексикология и лексикография. – М.: Наука, 1977.
21. Виноградов В.В. Русский язык: Грамматическое учение о слове. – М.: Высшая школа, 1972.
22. Гак. В.Г. К проблеме гносеологических аспектов семантики слова – Тезисы докладов научной конференции “Вопросы описания лексико – семантической системы языка”, Ч.1, - М., 1971.
23. Гак. В. Г. Сопоставительные исследования и переводческий анализ. – тетради переводчика. - М., 1979, вып. 16.
24. Гинзбург Р. Г. О взаимодействии лингвистического и экстралингвистического в лексике. – Иностр. Языки в школе, 1972.
25. Данченко Н.Н. Стилистическое функционирование ФЕ в поэтическом тексте: Автореф. дис. канд. филол. наук. – М., 1972.
26. Жуков В.П. Семантика фразеологических оборотов. – М.: Просвещение, 1978.
27. Исаев А. Соматические фразеологизмы узбекского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1977. – 22 с.
28. Икрамов Т.Т. Фразеологические единицы с фиксированным глагольным компонентом в императиве в современном английском языке: Автореф. дис. канд. филол. наук. – М., 1979.

29. Кароматова К.М., Кароматов Ҳ.С. Мақоллар.-Тошкент: Меҳнат, 2000.
30. Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка. – Дубна, «Феникс» 2005.
31. Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка. – М.: Наука, 1981.
32. Кунин А.В. Англо – русский фразеологический словарь. (АРФС). М., 1984.
33. Кунин А.В. Английская фразеология (Теоретический курс). – М.: Высшая школа, 1970.
34. Кунин А.В. Основные понятия фразеологической семантики. В. кн.: Проблемы лингвистической стилистики. Тезисы докладов научной конференции. Москва, 1969.
35. Ларин Б.А. История русского языка и общие языкознание. – М., 1977.
36. Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиш масалалари: фил.фанлари доктори дисс. ...автореф. – Тошкент, 2000.
37. Маматов А. Фразеологик стилистика масалалари. - Тошкент, 1991.
38. Маматов А.Э. Семантико-лингвистические особенности эмоционально-оценочных фразеологических единиц узбекского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1988.
39. Молотков А.И. Основы фразеологии русского языка. – Л.: Наука, 1977.
40. Мусаев К. Лексико – фразеологические вопросы художественного перевода. – Т.: Укитувчи, 1980.
41. Назаров К. Сопоставительное исследования фразеологических единиц с ономастическим компонентом немецкого, английского и русского языков: Автореф. дис. канд. филол. наук. – М., 1980.

42. Нарзикулов А. Французская фразеология и вопросы французского-узбекского художественного перевода: Автореф. дис. канд. филол. наук. – Л., 1969.
43. Пинхасов Я.Д. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Лексикология ва фразеология. – Тошкент, 1969.
44. Пинхасов Я.Д. Ўзбек тили фразеологияси ҳақида. Тошкент, 1957.
45. Поливанов Е.Д. Введение в языкознание для востоковедных вузов. –М., Л.- с.61.
46. Райхштейн А.Д. Сапаставительный анализ немецкой и русской фразеологии. –М.: Высшая школа, 1980.
47. Раҳматуллаев Ш.Нутқимиз кўрки. – Тошкент, 1970.
48. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилида феъл фраземаларнинг боғлашуви. — Тошкент: Фан, 1986.
49. Раҳматуллаев Ш. Лексема ва фразема маъносини компонент таҳлилининг баъзи натижалари // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1986. -№ 3.
50. Раҳматуллаев Ш. Фразеологик бирликларнинг асосий маъно турлари.-Тошкент, 1955.
- 51.Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Т., 1978.
52. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги замон ўзбек тилидаги образли феъл фразеологик бирликларнинг асосий граматик хусусиятлари: Дис. ... канд. филол. наук. – М., 1952.
53. Раҳматуллаев Ш. Некоторые вопросы узбекского фразеологии: Автореф. дис. канд. филол. наук. – М., 1972.
- 54.Рафиев А.Р. Структурно-функциональные свойства фразеологических единиц узбекского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1982.
55. Смирницкий А.И. Лексикология английского языка. - М.: Наука, 1956. - С. 207.
56. Содиқова М. Русча – ўзбекча фразеологик луғат. – Т., 1972.

57. Содиқов А. ва б. Тилшуносликка кириш. – Тошкент, 1981, 108-110-бетлар.
58. Телия В.Н. Человеческие факторы в языке. – М., 1991.
59. Телия В.Н. Типы языковых значений. – М., 1981.
60. Телия В.Н. Вторичная номинация и ее виды. - В кн.: Языковая номинация. Виды наименований. – М.: Наука, 1977.
61. Турсункулова Ш.А. Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили. Тошкент. 2008.
62. Турсунов У. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. — Тошкент: Ўқитувчи, 1992.
63. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 1992.
64. Умарходжаев М.И. Основы фразеогрaфии. - Ташкент, 1983.
65. Уфимцева А.А. Аспекты семантических исследований. – М., 1980.
66. Уфимцева А.А. Слово в лексикосемантической системы языка. – М., 1968.
67. Файзуллаева Р. К проблеме передачи национального колорита в художественном переводе: Автореф. дис. канд. филол. наук. – Т., 1972.
68. Худойбергaнoвa М.К. Английские ГФЕ со значением состояния и их речевые соответствие в узбекских языках. - Автореф. дис. канд. филол. наук. – Т., 1972.
69. Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал – услубий хусусиятлари. Фил.фан.док. дисс. ... Автореф. Тошкент, 1993.
70. Ҳакимов Қ.М. Ўзбек тилидаги содда гап қолиплари фраземаларнинг зарурий бирикувчанликлари: Филол. фанлари номзоди дисс. ... автореф. – Тошкент, 1994.
71. Юсупова З.З. Педагогика ва психология, Маърузалар матни. – Тошкент, 2011.
72. Galperin I.R. Stylistics. – Moscow: Higherschool publishing house, 1971.

### **Фойдаланилган луғатлар**

73. Алехина А.И. Краткий русско-английский и англо-русский фразеологический словарь (КРААРФС). – М. – София, 1980.
74. Абдурахмонова Р. Большой русско – узбекский словарь. – М., 1954.
75. Кунин А.В. Англо – русский фразеологический словарь. (АРФС). М., 1984.
76. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Т., 1978.
77. Содикова М. Русча – ўзбекча фразеологик луғат. – Т., 1972.
78. Longman Dictionary of Contemporary English 5<sup>th</sup> edition. – England, 2009.
79. Macmillan Essential Dictionary. – Macmillan Publishers Limited. 2003.

### **Фойдаланилган интернет маълумотлари**

80. [dissertation.com.ua](http://dissertation.com.ua)
81. [filosof.historic.ru](http://filosof.historic.ru)
82. [planetadissertation.com](http://planetadissertation.com)
83. [ru.wikipedia.org](http://ru.wikipedia.org)
84. [wiktionary.org](http://wiktionary.org)
85. [www.referats.net](http://www.referats.net)